ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ



# ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДИ ТАРИХИ ФАНИ БЎЙИЧА

# МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**Билим соҳаси** **Таълим**

**Таълим соҳаси:** **Ўқитувчилар ёрлаш ва филология фани**

**Бакалавриат йўналишлари:** **5220 100- ўзбек филологияси**

**Тузувчи: ф. ф. д. Ш. Ахмедова**

**БУХОРО - 2014**

1-МАВЗУ: АДАБИЙ ТАНҚИД ФАН СИФАТИДА. АДАБИЙ ТАНҚИД ТАРИХИ ФАНИ, УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ (4 соат)

РЕЖА:

1. "Танқид" ва "адабий танқид" истилоҳларининг моҳияти,пайдо бўлиш тарихи,сабабияти, луғавий ва истилоҳий маънолари.

2.Адабий танқид - адабиётшуносликнинг таркибий қисми: улар ўртасидаги муштарак ва тафовутли хусусиятлар. Ҳодисанинг моҳияти.

3. Адабий танқид ва унинг бошқа фанлар билан муносабати.

4. Адабий танқиднинг мақсад ва вазифалари.

"Танқид" ва "адабий танқид" истилоҳларининг моҳияти, пайдо бўлиш тарихи, сабабияти, луғавий ва истилоҳий маънолари. Адабий танқид ғоят қадимий ҳодиса сифатида дастлаб Платон, Аристотель, Аристархларнинг адабий-ижтимоий фаолиятларида антик замондаёқ намоён бўлган эди. Аслини олганда, танқиднинг илк унсурлари халқ оғзаки ижодида бошланган. Ўтмишда бадиий асар ҳақида икки хилда: ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклларда фикр билдирилганига дуч келиш мумкин. Бадиий асарнинг илк яратувчиси халқ бўлганидек, уларга илк муносабатни билдирувчи ҳам халқнинг ўзидир.

Ҳаётнинг турли томонларини, жумладан, кишиларнинг табиий офатларга, душманларга қарши курашидаги жасоратларини, ҳаёт учун, озодлик учун курашда кўрсатган қаҳрамонликларини, фази латлари ва ранг-баранг руҳий ҳолатларини ифода этувчи асарларнинг майдонга келиши ва халқнинг бу асарларга тўғридан-тўғри муносабатда бўлиши, уларда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни маъқуллаши, улардан завқланиши ёки аксинча қониқмаганлиги табиий эди.

Демак, бадиий асарнинг пайдо бўлиши билан унга баҳо берилиши (қанчалик оддий бўлишидан қатъий назар) унинг қимматини белгилаган. Бундай фикрлар халқ бахшилари асарларини эшитганлар томонидан оғзаки тарзда ифода этилган. Бадиий асар ҳақида бу хилда фикр билдириш

тўғрисидаги маълумотлар унчалик кўп бўлмаса-да, аммо бизгача етиб келган.Бу ҳодисанинг қадимийлигидан гувоҳлик беради. Жумладан, Фозил Йўлдош ўғлидан "Санобар", "Фарҳод ва Ширин" достонларини эшитган халқнинг бахшига ўз таассуротларини билдирганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Чиндан-да,"Санобар" достонини тинглаган халқнинг ўз бахшисига мурожаат қилиб : "бизга йиғлоқи кишилар тўғрисида эмас, балки одамни руҳан тетик қилувчи, қаҳрамонлик ва эзгуликка бошловчи кишилар ҳақидаги достонларни кўпроқ айтсангиз"1 - дегани ёки "Фарҳод ва Ширин" қиссасини қаҳрамонларнинг вафот этиши билан эмас, балки тўй-томоша билан тугатишни сўрашидан иборат мулоҳазаларида катта ҳақиқат кўзга ташланади.Зеро,бу ҳодисада доим умид билан яшаган халқнинг бадиий асарга баҳо бериш мезони зуҳур топганлиги ойдинлашади.

Илмий-эстетик тафаккур маҳсули саналувчи адабий танқид сўз санъати сифатида дунёга келиб, шаклланиш ва ривожланиш жараёнига кирган ҳодисадир. У жамият тараққиётида, адабиёт ривожида мустақил ва мустаҳкам мавқега эга. Бинобарин, танқид деганда нимани тушунамиз? "Танқид" - арабча сўз.Унинг ўзаги "НКД" яъни, "нақада" феъли. Накд сўзи ҳам шу ўзакдан. Танқид арабча "нақада" сўзидан келиб чиққан бўлиб, муҳокама қилмоқ, текширмоқ, ўрганмоқ,ниманингдир ҳаққонийлиги ва тўғрилигини исботламоқ, ютуқ ва камчиликларини белгилаш, ва ниҳоят, бадиий асарни таҳлил қилиш, изоҳлаш каби маъноларни ифодалайди. Арабий луғатларнинг шаҳодат беришича, "накд" сўзининг бош маъноси - "сараламоқ", яъни яхшини ёмондан ёки аслни ноаслдан ажратишдир. Унутмайликки, бунда дастлаб, асосан,пулни саралаш кўзда тутилган ,ҳозирги тилимиздаги "накд" (насиянинг зидди) ҳам шундандир. Пулни сараловчи эса "ноқид" ёхуд наққод" дейилган.

Бунинг адабиёт илмига қандай дахли бор? Шуниси аёнки, Шарқ мумтоз поэтикаси анъанаси учликдан-илми қофия, илми аруз, илми бадеъдан таркиб топган эди. Танқид эса ана шу учлик ичида шакллана бошлаган. Вазн, қофия ва ифода, тасвир, баёндаги типик хатою камчиликлар "айб" (кўплиги "айюб") деган умумий истилоҳ остида махсус ўрганилиб, ҳар бир муайян айб мустақил ном билан юритилган. Бора-бора адабиёт шуносликнинг ана шу айбларини кўрсатадиган, яъни бадиий асарлардаги камчиликлардан воқиф этадиган соҳаси алоҳида фан сифатида ажралиб чиққан ва уни "илми накд" дея алоҳида ҳодиса сифатида қараш анъанага айлана борган. Бироқ бошда у дастлаб илми аруз, илми қофия, илми бадеъда ҳар бирининг ўзида накд қисми сифатида сингган ҳолда мавжуд бўлган.

XIII асрнинг йирик адабиётшуноси Шамсиддин Муҳаммад бинни +айс Розийнинг "Ал- Мўъжам" китобида эса илми накд алоҳида фасл қилиб ажратилган. Олим бу илмнинг аҳамияти, вазифалари ҳақида ҳам махсус фикр юритади.

1483 йили Алишер Навоийнинг бевосита моддий ва маънавий ҳомийлигида битилган Атоуллоқ Ҳусайнийнинг "Бадойиъ ус-саноеъ" асарида ҳам айблар алоҳида бобда баён этилган. Алишер Навоийнинг яна бир

замондоши Ҳусайн Воиз Кошифийнинг"Бадойиъ ул афкор фи санойиъ ул ашъор"китоби ҳам Шарқ танқид илми тарихини ёритиш учун муҳим манба ҳисобланади. Бу асарнинг бадиий санъатга бағишланган анъанавий китоблардан фарқи шундаки, унинг биринчи боби бадиий санъатлар, иккинчи боби илми накд, яъни адабий танқидга бағишланган. Кошифий бу адабий илмни янада мукаммаллаштирди, ўша пайтгача санъатлар ичида юрган жуда кўп айбларни ажратиб олди. Китобда накднинг луғавий ва истилоҳий маъноси, бу адабий илмнинг вазифалари ва аҳамияти жуда аниқ таърифланган: "Назм айтмак баёнидаким уни накд илми дерлар ва адабий илмларнинг бири деб билурлар ва накд луғатда "сараламоқ" ва "соф" тангани қалбаки тангадан ажратмоқ дегани. Истилоҳда энг яхши шеърни ёмонидан ажратиш ва уларни ўзаро фарқлаш илмидан иборат ва бу илмни шунинг учун накд деганларки, танга наққоди (сараловчи) қалбаки тангалар орасидаги ҳақиқий тангани ажратса, бу илм соҳиби (танқидчи) ҳам покиза ва беайб суханни ношоиста ва айблик суханлар орасидан саралаб айтиши керак.Ҳар ҳолда кимки шеър айбларидан огоҳ бўлмаса, унга беайб шеърни намуна қилиб кўрсатиши лозим".

Кўриниб турибдки, олимнинг адабий танқид олдига қўйган талаби ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Қолаверса, грекча "critike " сўзи билан ифодаланган (бу сўзни русларда илк бор Кантемир 1799 йилда "критик" шаклида таомилга киритган)танқид, В.Г.Белинский талқинича, "ҳукм қилмоқ", кенг маънода эса, мулоҳаза билдирмоқ, фикр юритмоқ маъноларида қўлланган.Шу сабабли танқид фақат санъат ва адабиёт асарларигагина хос бўлмай, турли фанларга, жумладан, тарих, ахлоқ ва бошқа соҳаларга ҳам тааллуқлидир. Демак, танқид тушунчаси, доирасининг кенглиги, унинг ҳаётдаги барча ҳодиса воқеаларга тегишли эканини кўрсатади. Шу жиҳатдан танқид ҳаётнинг қайси бир соҳасига тегишли бўлса, ўша жабҳа номи билан ҳам аталиши анъанавийдир,айтайлик, ижтимоий танқид, иқтисодий танқид каби.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, рус ва Европадаги қатор халқларда реалистик адабий танқиднинг санъат ва фан синтезидан иборат ҳолда шакллана бошлаши XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларига тўғри келади. Ва адабий танқид ҳаракатдаги эстетик тафаккур тарзида адабий жараён моҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш хусусиятини касб этган. У ижтимоий фалсафий эстетик қараш шаклида адабиёт ва жамият муносабатлари қай даражада инъикос топганлигини замон мафкураси призмасидан ўтказган ҳолда умумлаштириш санъати даражасига кўтарилган. Бинобарин, санъат қанчалик ички хилма-хилликка эга бўлса, танқид ҳам ўша соҳаларга тегишлилик касб этади. Бунга театр танқиди, кино танқиди ҳодисаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Санъат соҳаларидан бирига тааллуқли адабиёт билан боғлиқ танқид-адабий танқид деб номланади. Чунки адабий танқиднинг қизиқиш доирасини сўз орқали тасвирлаш санъати деб юритилувчи адабиёт ташкил этади. Адабий танқиднинг ривожланиши ўзбек вақтли матбуоти билан чамбарчас боғлиқдир. Вақтли матбуот адабиётга алоқадор бу янги соҳани тараққий эттиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Нашр этилган бадиий ва таржима асарларга биринчи марта вақтли матбуот ўз саҳифаларида тақризлар бера бошлади. Бу тақризлар эса адабий танқидчиликка кенг ва изчил шаклланиш йўлини оча борди.

Ўзбек вақтли матбуоти ҳам XX аср бошларидан эътиборан ўз саҳифаларида адабий танқид ҳақида, унинг аҳамияти, бўлажак асарларга ижобий таъсири, умуман, адабиётнинг тараққиётидаги роли ҳақида қимматли илмий мақолалар чоп этиб борди. Инчунин, "Садои Туркистон" газетаси танқид истилоҳи ва унинг адабиётга биринчи марта кириб келаётганлиги ҳақида шундай маълумот беради". Ушбу калима қўлимизда бўлғон луғат китобларининг баъзиларида бўлса ҳам баъзиларида йўқдир. Туркистон вилоятида истеъмол қилинадурғон луғат китобларида бўлмаганлик тўғрисинда бу "танқид калимаси бизнинг истилоҳ орасида янгидир". Газета танқид истилоҳи "Ахбори кабир" луғатида "алноқид" калимасига тўғри келиб "яхши нарсанинг орасидан ёмонини ажратиб чиқариб ташламоқ" маъносини билдириши, лекин эндиликда бу истилоҳни татар матбуоти ва адабиётида қўлланилаётган маъносида ишлатиш лозимлигини уқтиради. Мақола муаллифи Аҳлулло Ҳабибулло ўғли - О.С.,Ш.А.) "танқид" истилоҳининг бу даврга келганда бутунлай янги маъно касб этишини айтиш билан бирга бадиий асарларга вақтли матбуот орқали баҳо бериш деб ҳам тушунади ва шу мантиқдан келиб чиққан ҳолда асарларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиши лозимлигини уқтирмоқни унутмайди. Унингча, "Танқид демак бир мусаннифнинг ёзиб майдони интишорга қўйган китобинда келишмағон ибораларни матбуот воситаси ила ёзиб кўрсатмоқ демакдир". Аҳлулло бу билан адабиётнинг келгуси тараққиёти бевосита вақтли матбуотга узвий боғлиқлигини уқтиради. Шу билан бирга у танқидчи одоб доирасидан чиқмаслигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Муаллиф мақоласида адабий танқиднинг Россия, татар, озарбайжон вақтли матбуотида фаол кўринаётганлигини эътироф этади ва ўзбек танқидчиларини ҳам улардан ўрганишга даъват этади.

"Ойна" журналининг 1913 йил 32-сонида чиққан Беҳбудийнинг "Танқид сараламоқдур" деб номланган мақоласи ҳам танқиднинг ўша даврдаги аҳволи тўғрисида маълумот беради:"Ўқилган китобларни маънан тафтиш этиб,ундаги нуқсонларни баён этмак танқиддур, тааруз ва душманлик эмас.Бизни Туркистонда янги мактаблар анча бордур,янги рисолалар хийла босилиб турибдур, жаридаларда мақола ва ашъорлар ўқилиб турибдур, аммо ҳануз танқид даврига етушганимиз йўқ": Чиндан-да, илк ўзбек вақтли матбуоти адабий танқиднинг шаклланиш омилларидан бирига айлана борди, десак янглишмаймиз.

Адабий танқид адабиётшуносликнинг бир қисми: улар ўртасидаги муштарак ва тафовутли хусусиятлар. Ҳодисанинг моҳияти. Адабий танқиднинг ўзига хос хусусияти - аниқ бадиий асарларнинг унинг қизиқиш доирасига кириши бўлиб, адабиётшуносликнинг муҳим аҳамиятга эга ва адабий жараён тараққиётига жиддий таъсир кўрсатувчи қисмларидан бири саналади. Зеро, адабиётшунослик уч таркибий қисмдан иборат: адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқид.

Адабиёт тарихи-бадиий адабиётни ретроспектив равишда, яъни "орқага назар ташлаб туриб", ўтмишда кечган ҳодиса сифатида текширади. Бошқача қилиб айтганда, адабиёт тарихи бадиий ижоднинг тарихга мансуб бўлиб қолган ёки қолаётган қисмини ўрганади, текширади. Адабиёт тарихи сўз санъатининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини тадқиқ этади, умумлаштиради, бир халқнинг ва умуман, кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида бадиий адабиётнинг роли ва аҳамиятини белгилайди.

Адабиёт назарияси сўз санъатининг моҳиятини, тараққиёт қонуниятини, кишилик жамияти ривожидаги ўрни ва ролини, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этади, бадиий асарларни таҳлил қилиш тамойиллари ва уларга баҳо бериш меъёрларини белгилайди. Адабиёт назарияси ўтмиш ва бугунги кун адабий- тарихий жараёнидан назарий хулосалар чиқаради.

Адабий танқид эса адабий ижод оқимининг боришига бевосита аралашади, унинг ҳамма ҳодисаларига иштирок этади, адабиётнинг асосий хусусиятлари шаклланишига таъсир кўрсатади. Адабий танқид замонавий бадиий асарларни халқ ҳаёти, унинг ҳозирги кундаги эҳтиёж ва талаблари жиҳатидан танқид этади, баҳолайди,фазилат ва нуқсонларини аниқлайди, ёзувчиларнинг ижодий ўсишларига ва адабиётнинг равнақига кўмаклашади.

Адабиётшуносликнинг шу учала таркибий қисми орасидаги муштарак томонлар шундаки, ҳар учаласи ҳам эстетик билимнинг ўзига хос аниқ кўринишларидир, фалсафа ва эстетика уларнинг умумий методологиясидир, улар халқ тарихи, халқ тили, халқ маданияти, фольклор ва халқ эстетик тасаввурларининг жонли тараққиёт тарихи негизида ривож топади. Шу боисдан кўп ҳолларда бир олимнинг ўзи, айтайлик, И.Султон ё М.+ўшжоновлар ҳам адабиётшунос, ҳам мунаққиддирлар.

Адабиётшуносликнинг уч таркибий қисми ўртасидаги ўзаро тафовутларга келганда шуни айтиш зарурки, айирмалар кўпроқ халқнинг замонавий ҳаёти ва миллий адабиётга муносабати масалаларига бевосита дахлдорликда намоён бўлади. Бинобарин, адабий танқидни адабиётшуносликдан фарқлашга имкон берадиган эстетик хусусиятлар қуйидагилар:

1) халқ ва жамиятнинг замонавий ҳаёти билан бевосита боғланганлик;

2) замонавий миллий-бадиий жараённи таҳлил этиш ва бу орқали ижтимоий ҳаётга эстетик таъсир кўрсатиш;

3) ҳаёт ва адабиётни эстетик билишга йўналганлик, ҳаёт орқали адабиёт тўғрисида муҳокама юритиш:

4) умуман, адабиётшунослик асосан замон синовидан ўтган ижобий адабий-бадиий ҳодисаларни тадқиқ этади ва улардан ижобийларини алоҳида таъкидлаб кўрсатади;

5) танқидда бадиий жараён таҳлилида илмийлик, социал пафос ва маҳоратшунослик ўзаро уйғунлашиб кетади;

6) танқид чаққон ҳаракатчанлик, эстетик жанговарлик ва публицистик услубга мойилдир;

7) танқид тезкор ва тезпишар эстетикадир,ўзига хос аниқ амалий эстетикадир;

8) адабиёт тарихи - эстетика тарихи билан, адабиёт назарияси-эстетика назарияси билан уйғун бўлса, адабий танқид эстетик танқид билан уйғундир.

Адабиётшунос ва танқидчи орасидаги фарқлар ҳам анчагина,булар тубандагилардан иборат: 1) адабиётшунос илмий тафаккур майдонида, танқидчи эса илмий ва бадиий тафаккурнинг қўшилиш майдонида ҳаракат қилади;

2) адабиётшунос ўтмиш адабий мерос устида, адабий танқидчи эса жонли адабий жараён устида сўз юритади;

3) адабиётшунос ўтмиш адабий жараёнига, адабий танқидчи эса, аниқ асарга кўпроқ урғу беради;

4) адабиётшунос "яхши маънодаги академизм"га, билвосита фаолликка таянади, танқид эса оперативликка ва бевосита фаолликка суянади;

5) адабиётшунос мутахассисларга қарата сўзлайди, адабий танқидчи эса оммага қараб сўзлайди;

6) адабиётшунос эстетикани бойитади, адабий танқидчи адабиётшуносликни ва ҳоказо.

Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради, бойитади. Шундай қилиб, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқиднинг тадқиқот тамойиллари битта, аммо предмети бир- бириникидан фарқ қилади.

Адабий танқиднинг вазифаси ёзувчилар ижодини, адабиётимизда воқеа даражасидаги бадиий асарларни таҳлил этиш ва шу асосда адабиёт ривожига туртки бўладиган муммоларни кўтариб чиқиш, текшириш ва эстетик моҳиятини очиш ва баҳолаш, умумлаштиришдан иборат.

Адабиёт ҳаётдаги, жамиятдаги реал воқеликни, инсоннинг ҳаётини бадиий акс эттириши ва унинг баркамол етук образини яратиши лозим бўлса, комил танқиднинг вазифаси ҳаётнинг воқеа- ҳодисаларини, кишилар ҳаётини ёзувчи қанчалик акс эттирган ё эттира олмаганини, борди-ю бу етарли даражада кенг ва чуқур акс эттирилмаган бўлса, бунинг туб сабабларини кўрсатиши шарт.Адабий танқиднинг вазифаси ва табиатидан келиб чиқувчи бу талаб танқидчини ҳам ҳаётни теран кузатиш ва чуқур билишга даъват этади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги жаҳон адабиётшунослиги мезонлари, услубий йўналишларидан хабардор ҳолда ривожланмоқда.

Поэтик матн талқини Европа адабиётшунослигида аллақачон ўз тарихига эга бўлган соҳалардан биридир. XIX асрда Европада тушунтириш, талқин санъатига асосланган "герменевтика" деб аталган соҳа ривожланган бўлиб, у қадимий адабий ёдгорликларни тушуниб, маъносига етиб талқин этишнинг махсус усули сифатида намоён бўлган. "Гарчи жуда кўп ўзбек адабиётшунослари герменевтиканинг қайсидир принципларини ўз илмий фаолиятларида қўлласалар ҳам, ўша фикрлаш тарзи, гипотезалари, таққослари, ҳукм ва хулоса чиқариш усулларининг қайсидир жиҳати герменевтик тафаккурга дахлдорлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Чунки биз яқингача диалектик материализм фалсафасидаги гносеология-билиш назариясини чуқур ўрганганимиз ҳолда герменевтика-матн талқини таълимотининг жаҳон илм-фанидаги атамасидан ҳам аксар ҳолатларда бехабар қолдик"

Герменевтика-атамасининг этимологияси "тушунтириш", "талқин қилиш" деган маъноларни билдиради. Унинг айрим йўналишлари қадимги Грецияда юзага келган.

Ғарб адабиётшунослиги усуллари фандаги ҳар қандай ҳодисага деталли (унсурма-унсур,узвма-узв,бўлакма-бўлак) ёндошув хусусияти билан ажралиб туради. Бадиий талқин ёки шарҳ усули қадимдан Шарқ адабиётшунослигида ҳам мавжуд бўлиб, бу усул талқинда герменевтика қайд этган барча имкониятларни назарда тутган ҳолда умумийроқ фикр билдириш, умумийроқ хулосалар баён этиш билан фарқланади.Герменевтиканинг назарий-методологик имкониятларини, илмий хулосалар чиқаришдаги асосий тамойилларини ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига тадбиқ этиш пайти етиб келди. Шу боис XX аср ўзбек адабиётшунослигидаги янгича талқинлар 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларда майдонга келди. Бу даврда чинакам санъат асарининг турлича, бир-бирини такрорламайдиган талқинлари ҳам кўзга ташланмокда. Хуллас, ўзбек адабиётшунослиги,танқидчилиги жаҳон миқёсига чиқиши учун жаҳон адабиётшунослигидаги энг муҳим тамойилларни, назарий қарашлар, усул ва методологияларни ўзлаштирмоғи лозим.

Адабий танқид ва унинг бошқа фанлар билан муносабати. Адабий танқидчилик тарихини бадиий ижод, сўз санъати тарихидан ажратиб олиб ўрганиш, тадқиқ этиш мумкин эмас. Негаки, улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб халқимизнинг онгу тафаккурини ривожлантиришга, маънавий камолотини таъминлашга сафарбар этилган. Айни чоқда уларнинг ҳар бири такрорланмас қиёфаси, услуби, ўзига хос қонуниятларига эга бўлса-да, бир-биридан ажралиб турмоғи керак. Уларнинг ҳаётда, реал воқеликда ўз ўрни, мустақил вазифалари, бир-бириникига ўхшамаган воситалари, қуроллари бор. "Санъат ҳам, танқид ҳам замонанинг онгидир. Аммо танқид фалсафий жиҳатдан англаш, санъат эса бевосита англашдир. Ҳар иккисининг мазмуни бир, фарқи фақат шаклдадир". Бинобарин, адабий танқид илмий муҳокама ва мушоҳадага тўйинтирилган сўз санъати ҳисобланади. Танқидчи, Н.Худойберганов тўғри таъкидлаганидек, "сўз санъатининг ўзига хос яратувчи, кашф этувчи ижод саҳифаси эканлигини ҳеч ким инкор этмайди, аммо адабий танқидчиликнинг мустақил ижод тури эканлиги ҳамон шубҳа уйғотадики, масалага аниқлик киритиш мақсадида унинг тузилиши, шаклланиши, ривожланиш жараёнини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш талаб қилинади. Аммо тарихга мурожаат этиш зарурати фақат шу билан белгиланмайди. Биринчидан, қайси соҳанинг ёки шахснинг тарихи бўлмасин, уни бузиб талқин этиш, йўқ нарсани бор, аксинча, борини йўқ деб кўрсатишга йўл қўйилмайди. Иккинчидан, тарихни ҳозирги кун нуқтаи назаридан ўзгартириб, бугуннинг талабига мувофиқ баҳолаш бутунлай зарарлидир. Учинчидан, уни баҳолаш, тадқиқ этишда ўша давр

тараққиётининг асосий хусусиятлари, тенденцияларидан келиб чиқиб, ҳозирги замонга муштарак ижобий ҳамда салбий ҳодисаларни аниқлаш, яхшиларини қўллаб-қувватлаб, уларни янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш, ёмонларни фош этиб, уларнинг равнақ топишига чек қўйишга алоҳида эътибор берилади. Яна шуниси борки, ҳар учала ҳолат бир-бирига табиий равишда бирлашиб, қўшилиб кетади, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёхуд ажратиб ташлаш мумкин эмас".

Адабий танқиднинг ўзига хос ижод тури, фан соҳаси эканлигини ноёб ва нодир истеъдодли танқидчилар, улар яратган асарлар ҳам исботлаб турибди. Бунга Алишер Навоий, Н.Гоголь ва В.Белинский ижодлари етарли даражада мисол бўла олади.

Демак, танқид билан санъат, танқидчи билан санъаткор ўртасида қандайдир фарқлар мавжуд. Бу фарқлар нималардан иборат? Буюк танқидчи В.Г.Белинский "ҳар иккисининг мазмуни бир, фарқи фақат шаклдадир", - деган эди.

Адабий танқид, биринчи навбатда, ҳаётни бадиий ўзлаштириш қонуниятларини ўрганувчи, тадқиқ қилувчи фандир. У бадиий адабиёт ва ижодий жараённинг усул ва тамойилларини, ўзига хос қонун-қоидаларини ўрганувчи адабиётшунослик фанининг бир бўлагидир.

Ҳар қандай фанга хос асосий хусусият, яъни "ўзига тегишли" бўлган ҳаёт воқеа - ҳодисаларини тадқиқ қилиш асносида унга баҳо бермоқ, атрофлича асосламоқ ва исботламоқ адабий танқидга ҳам хосдир. Шунга кўра адабий танқид муайян адабий ҳодисани таҳлил қилар экан, унинг таҳлилида изчил мантиқ, асос ва исбот биринчи даражали аҳамият касб этади. Бироқ адабий танқид таҳлилида ўзига хос ва мос воситалардан фойдаланмаса, у ўзининг ижтимоий вазифасини бажара олмайди, ёзувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам тарбия мактаби бўла олмайди.

Ҳаёт ва унинг моҳиятини ташкил этувчи одамлар бадиий ижодиётнинг ҳам, танқиднинг ҳам асосидир. Шу сабабли адабиётни "ҳаёт дарслиги" дейишади. Шу боис, "танқид ўзи хукм қилаётган ҳодисаларга доим мувофиқдир: шунинг учун танқид воқеликни англашдан иборатдир".

Адабий танқид ўз моҳияти билан фалсафийдир. Танқид шу маънода фалсафийки, унинг маърифий ва ғоявий, ижтимоий ва эстетик вазифалари маълум даражада фалсафа фанининг вазифалари билан мос тушади. Лекин адабий танқид аниқ ижтимоий фан бўлгани туфайли ўзининг махсус тадқиқот предметига ва ўзига хос вазифаларига эгадир. Худди шу хусусияти туфайли танқид фалсафадан ҳам, бошқа ижтимоий фанлардан ҳам, адабиётшунослик фанининг бошқа соҳаларидан ҳам фарқланиб туради. Адабий танқид жамият бадиий тараққиётини илмий билишнинг аниқ кўринишларидандир. Шу туфайли фалсафа ва танқид орасида ўзаро муносабат илмий методология ва аниқ адабиётшунослик фанлари орасида ўзаро муносабат сифатида намоён бўлади. Шундай экан, адабий танқидчиликнинг барча тур, шакл ва жанрлари: 1) мантиқий изчиллик; 2) илмий яхлитлик; 3) танқидий далилланганлик; 4) тузилиш жиҳатдан тугаллик

ва мукаммаллик  каби фазилатларга эга бўлмоғи шарт. Агар буларнинг бирортаси етишмаса- танқид ўз вазифасини бажаролмайди.

Танқид эстетика билан чамбарчас боғлиқ. Танқид Билан эстетиканинг ўзаро узвий боғлиқлиги - бу икки фан вазифаларининг ўзаро муштарак томонларида кўзга ташланади. Модомики, танқиднинг предмети бадиий жараённинг аниқ тамойиллари, аниқ томонлари ва аниқ асарларини таҳлил этишдан иборат экан, унинг вазифаси, умуман олганда, воқеликни эстетик ўзлаштириш ва ўзгартиришга хизмат қилишдир. Бу жиҳатдан эстетика ва танқид бир жону бир тандир. Шу умумий вазифасини бажаришда танқид: биринчи томондан,бадиий асар билан воқелик; иккинчи томондан, фан билан санъаткор; учинчи томондан, санъат билан китобхон; тўртинчи томондан, санъаткор билан китобхон ўўртасида муносабат ўрнатади. Бунда танқид бадиий жараён ва бадиий асарнинг ички эстетик тамойиллари, йўналишлари ва фазилатларини тадқиқ қилиш асосида ўз мақсадига эришади.

Танқидчилик ҳозирги кунда тадқиқотчилик соҳаси каби аналитик характерга эга. У жиддий адабий- тарихий, ретроспектив ва назарий умумлашмалар чиқаришдан ташқари, тарих, фалсафа, социология каби бир-бирига яқин фанлар билан алоқани кучайтирди. Буни чуқур англаган М.Горький "Адабиётнинг социал аҳамиятини тушунтириб бериш - танқиднинг иши",- деб таълим берган эди.

Н.Г.Чернишевский эса бадиий танқидни яна ҳам аникроқ таърифлайди. Унинг таъкидлашича, танқиднинг ўзига муносиб ва жиддий вазифаларидан бири "бўш асарларни таъқиблаш ва асарларнинг сохта мазмун туфайли ички номувофиқлиги ва ҳеч нимага арзимаслигини, имкони бори қадар фош этишдан иборатдир"

Ҳозирги замон эстетикаси уч таркибий қисмдан таркиб топа
ди: 1) эстетика тарихи; 2) эстетик назария; 3) эстетик танқид;

Эстетик танқид мисолида эстетика ва бадиий танқид бир-би
рига жуда яқинлашиб, баъзи жиҳатлардан ҳатто ўзаро уйғунлашиб кетади. Зеро, эстетик танқид қуйидаги масалаларни ўз ичига олади: а)эстетикага оид илмий адабиётлар танқиди;

б)адабиёт ва санъат асарларини эстетиканинг муштарак
қонун-қоидаларига асосланган танқиди;

в)ҳозирги гарб эстетикаси, санъати ва адабиётини танқид;

г)танқидни танқид, яъни адабий танқидга доир илмий ишларни эстетиканинг умумий қонун-қоидаларига асосланган танқиди.Танқидни танқидда эстетика ва адабий танқид бир-бирига ўзаро сингиб, бир-бирига бевосита таъсир этиб, ажиб бир ҳамжиҳатлик касб этади. Чунончи, эстетика ва бадиий танқид эстетик тарбияни амалга ошириш нуқтаи назаридан деярли бир хил мақсад учун курашади, у ҳам бўлса, китобхонни эстетик тарбиялашни кўзлайди.

Эстетик билишнинг умумий эстетик ва хусусий адабий-бадиий муаммоларини, яъни эстетика, адабиётшунослик ва бадиий танқиднинг

муштарак назарий ва аниқ бадиий муаммоларини ўзаро тақозодорликда ва жамулжам диалектик бирликда олиб тадқиқ этиш давр талабидир.

Ғарб адабиётшунослиги, танқидчилигидаги ҳозирги структурализм ўзининг илмий усул (метод)ларини ишлаб чиқишда ҳозирги тилшунослик, руҳшунослик, антропология, кибернетика, математика, ахборотлар назарияси, статистика, кимё ва физика фанлари ютуқларига таянади.Бунда Ғарб олимлари адабиётшуносликда аксарият ҳолларда билишнинг статистика, тилшунослик ва биологияга хос илмий шакллари ва усулларинигина эътироф этадилар, бадиий тадқиқотда анатомиялаштириш ва алоҳида атомларнинг микродунёсини таҳлил этиш тамойилини ёқлаб чиқадилар. Структурализмнинг бу тамойили эстетик ижоднинг ички диалектик бутунлиги ва ижтимоий эстетик ўзига хослиги нуқтаи назаридан, умумийликнинг хусусийликдан моҳият эътибори билан фарқланиши ва бадиий жараённинг жонлилиги нуқтаи назаридан кераkли тамойилдир. Аммо буни шу пайтгача шўролар замонида ҳукмронлик қилган марксча-ленинча эстетика тарафдорлари тан олмадилар.Жумладан, М.Нурматов ўзининг "Танқид ва эстетика" китобида бу ҳолни: "...ўлик тенденциядир. Лекин бу мазмунан ўлик тенденция шаклан тирик бўлиб, шу туфайли жаҳон миқёсида тириклик ва эстетик равнақ даъвоси билан чиқмоқда. Бу даъвонинг пучлигини совет эстетика фани ва адабиётшунослиги исботлаб берди",- дея изоҳлашгача бориб етган эди. Ўз-ўзидан аёнки, бугунги кунда бу фикрлар наинки эскирди, ҳатто яроқсиз бўлиб қолди. Аввало мазкур фикрнинг ўзи зиддиятли: қуруқ шакл мазмунсиз бўлса - қандай қилиб жаҳон миқёсига чиқаркан? Шунинг ўзиёқ ғарб эстетикасининг илғорлаб кетганлигини яққол тасдиқлайди. Шу мантиқдан келиб чиқилса: "Мустақил бўлиш имконияти йўқ жойда, мустақил танқид ҳақида гапириш - вайсақиликдан бошқа нарса бўлиши мумкинми?

Мунаққидлар фақат ўз қарашларининг ифодачилари эмас: улар ҳокимият устида турган муайян гуруҳнинг қарашларини, бинобарин, у ёки бу синфнинг манфаатларини ифода этадилар",- деб ёзган Луи Арагон фикрларининг ҳам биринчи қисми тўғри бўлса-да, иккинчиси қисми зиддиятли ва баҳслидир.

Танқид китобхонлар қаршисида шу жиҳатдан, айниқса,масъулки, у санъат ва адабиёт "истеъмолчиси"нинг, яъни реципиентининг эстетик талаблари ва эстетик моҳиятлари даражасини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни эстетик тарбиялаш тўғрисида қайғуриши лозим.

В.Г.Белинский танқид философия, тарих, эстетика, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, психология, педагогика, логика каби ўндан ортиқ фанлардан наф олган; танқидда фақат ижтимоий фанларгина эмас, балки табиий фанлар ҳам қатнашиши мумкин деб ҳисоблайди.У "оғмачи ва ҳайиқувчи танқидга ҳеч қандай муболаға ва сукунатни билмовчи, ҳақиқатга нисбатан чексиз бўлган муҳаббатни қарши қўяди. Белинскийнинг ижодий даҳоси ўзида ижтимоий пафос ва фалсафий тафаккурни, эстетик ҳис ва адабий талант, илмий умумлаштириш туҳфаси ва поэтик фантазияни бирлаштирди".

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, мавзу, қизиқиш тақозосига кўра, баъзи мақолада ёки баъзи танқидчи ижодида тарихчиликка, баъзисида социологияга мойиллик кучлироқ бўлади.

Демак, танқид синтетик (йиғма)ликда кинога ўхшайди: кино рассомлик, бадиий адабиёт, музика, фотография, вокал санъати, театр ва бошқалардан фойдалангани каби, танқид ҳам социология, адабиёт, философия, тарих, иқтисод, психологиядан наф олади.

**Адабий танқиднинг мақсад ва вазифалари**. Ҳаракатдаги эстетика сифатида эътироф этилган танқид эстетика хазинасини бойитиш учун катта материал бериши мумкин.

Маълумки, предметнинг назариясисиз унинг тарихи бўлмагани каби предметнинг тарихисиз унинг назарияси ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун танқид тарихини ўрганиш зарурияти келиб чиқади. Бу табиий ҳолдир, албатта.

Адабий танқид тарихининг ғоявий-эстетик вазифаси, албатта,танқиднинг ҳар қандай тарихий шароитда ўйнаган ролини, тутган ўрнини, унинг изланишлари ва топилмаларини аниқ баҳолаб беришдан иборат .Булардан ҳозирги замон адабий-бадиий жараёни, унинг асосий тамойиллари, йўналиш ва қонуниятларигина адабий танқиднинг таҳлил ва тадқиқ предметига айланади. Бадиий танқид воқеликни маънавий ўзлаштиришнинг бадиий тафаккур жараёнини илмий билишнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади.

Адабий танқиднинг ижтимоий-ахлоқий вазифаси юксак санъат учун кураш олиб бориш ва шунинг воситасида комил инсонни тарбиялашга хизмат этишдан иборат.

Адабий танқиднинг мақсади бадиий ижоднинг ҳамма масалаларини жамиятнинг ҳаёти,унинг моддий ва маънавий бойликларини яратиш йўлидаги кураш билан боғлаб ўрганиш ва тушунтиришдан иборат.

Адабий танқид тарихи фани ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди: адабий танқидчилик тарихини ўрганиш,энг муҳими, уни тадқиқ этиш ниятида бу тарихни илмий-эстетик жиҳатдан ўрганиш ва умумлаштириш, унинг барча томонларини ҳеч бир ўзгаришсиз назардан ўтказиш асносида, қайси нуқталари бугунги тараққиётга қандай таъсир кўрсатишини, қайси жиҳатларини ривожлантириш, бойитиш ва мустаҳкамлаш, илмий-эстетик тафаккур, адабий таҳлилу талқин тарихини , ҳозирги аҳволини, келажагини кўрсатишга асқотишини ёритиш. Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: "Бизнинг мақсадимиз бир неча авлод меҳнати билан яратилган нарсаларни йўқотмаслик, уларнинг энг яхшиларини сақлаб қолиш, демократик меъёрларга, миллий манфаатларимизга, мустақиллигимизга мос келмайдиганларини қайта ташкил этишдан, мазкур тузилмаларни янги мазмун билан бойитишдан иборатдир" .

Адабиёт ҳаётдаги, жамиятдаги реал воқеликни, инсоннинг ҳаётини бадиий акс эттириши ва унинг баркамол етук образини яратиши лозим бўлса, комил танқиднинг вазифаси ҳаётнинг воқеа-ҳодисаларини, кишилар ҳаётини ёзувчи қанчалик кенг ва чуқур акс эттирган ё эттира олмаганини, борди-ю бу етарли даражада кенг ва чуқур акс эттирилмаган бўлса, бунинг туб сабабларини кўрсатиши шарт. Адабий танқиднинг вазифаси ва табиатидан келиб чиқувчи бу талаб танқидчини ҳам ҳаётни чуқур билишга даъват этади.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Танқид деганда нимани тушунасиз? Унинг огзаки ва ёзма шакллари хақида сўзланг.Унинг "накд" ва "нақада" сўзларига муносабати қандай?
2. Танқид сўзининг келиб чиқиши ҳақида нималар биласиз? Унинг эстетик ҳодиса сифатидаги моҳияти нимада?
3. Мунаққид сўзи қачон пайдо бўлган ва кимни англатади?
4. Адабий танқид - адабиётшуносликнинг таркибий қисми ва унинг бошқа қисмларидан қандай хусусиятлари билан фарқ қилади?
5. Адабий танқиднинг фан ва санъатлик сифатлари нималардан иборат?
6. Адабий танқиднинг бошқа фанлар билан алоқаси нималарда зуҳур топган?
7. Адабий танқиднинг адабий-тарихий жараёнда тутган ўрни ҳақида сўзлаб беринг.
8. Адабий танқид ва эстетик танқиднинг ўзаро муносабатини изоҳланг.
9. Ижтимоий танқид билан адабий танқид ўртасидаги муноса бат қанақа хусусиятларга эга?
10. Адабий танқиднинг ғоявий-эстетик ва ижтимоий-ахлоқий вазифалари нималардан иборат?

Тубандаги **ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР** моҳиятини англаб олинг: Танқид, нақада, накд, эстетика, структурализм, мантиқ, психо-логия, синтетиклик, антропология, кимё, ғарб танқидчилиги, статистика,адабий танқиднинг мақсади,танқиднинг ижтимоий-эстетик моҳияти,адабий танқиднинг вазифалари,қиёсий таҳлил, социологик таҳлил,структурал таҳлил,адабий танқид усуллари, қиёсий адабиётшунослик, психоанализ, ритуал-мифологик мактаб, герменвтика,санъат социологияси, экзистенциализм.

**Мустақил ўқиш учун адабиётлар**:


1. Каримов И.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсиз-ликка таҳдид, барқарорлик ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. "Ўзбекистон".1997.133-бет.
2. Абу Наср Форобий. Шоирлар санъати. ЎТА.1986,3-сон.
3. Аристотель. Поэтика.Тошкент.ҒАСН ,1980.

4. Белинский В.Г. Адабий орзулар. Тошкент. 1987.
5. Буало. Шеърий санъатлар.Тошкент.1978.
6. Бореев Ю. Эстетика. Москва. 1975.
7. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.Тошкент.1993.
8. История эстетической мўсли.Москва.1991.
9. Краткая литературная энциклопедия. Т. 1.Москва.1984.
10. Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси. Тошкент. 1976.
11. Маҳмудов М. Ҳайрат ва тафаккур. Тошкент. 1989.
12. Современний литературний процесс и литературная критика. Москва. 1982
13. Умуров Ҳ. Таҳлил санъати. Тошкент. 1978.
14. Чернишевский А.Г. Адабий - танқидий мақолалар. Тошкент. 1987.
15. Қаюмов Л. Адабий танқид ва ижодий жараён ." Шарқ юлдузи". 1972.3-сон.

## 2-МАВЗУ: АДАБИЙ ТАН+ИДЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ( 2 СОАТ)

РЕЖА: 1. Адабий-тарихий жараёнда адабий танқиднинг ўрни.
2. Адабий танқид "ҳаракатдаги эстетика"дир.
3. Адабий танқидчилик илмий - эстетик ҳодиса сифатида.

Адабий-тарихий жараёнда адабий танқиднинг ўрни. Адабий танқид ҳаётни бадиий ўзлаштириш жараёнини ўрганувчи ва шу жараёнга фаол иштирок этувчи, унинг оқимига таъсир кўрсатувчи илм, ўзига хос ижод туридир. Бу эса унинг ўзига хос қонунлари, хусусиятлари борлигидан далолат беради; мана шу алоҳидаликни аниқламай туриб, бадиий асар ҳақида фикр юритиш мумкин эмас.

Адабий жараёнда танқиднинг роли ҳақида В.Белинскийнинг тубандаги фикри эътиборга молик: "Адабиёт ва санъат танқид билан қўл ушлашиб боради ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади".1 Бу фикрни арман мунаққиди Сурен Агабабаян "Танқид даставвал адабий жараён фактларини таҳлил этадиган, тушуниб етадиган, умумлаштирадиган фандир"- деган мулоҳазаси билан бу фикрни янада тўлдиради.

Дарҳақиқат, ҳеч бир халқ ва ҳеч бир даврнинг адабий-тарихий жараёнини, адабий танқиднинг иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳатто баъзи халқларда айрим тарихий даврларда адабий танқиднинг ютуқлари адабиёт ва санъатнинг ютуқларидан салмоқлироқ бўлиб, умумий жараёндан бир қадар илгарилаган ва ҳатто адабиёт ва санъатнинг янги-янги ютуқлари учун назарий замин ҳозирлашга хизмат қилган. Масалан, В.Г.Белинский "Танқид ҳақида нутқ" мақоласида айтгандек, ХУIII-XIX аср немис адабиётида танқидий фикрнинг ривожи кўп жиҳатдан бадиий адабиёт ва санъатнинг тараққиёт йўлларини аввалдан тайёрлаб берган . И.С.Тургеневнинг ҳаққоний эътирофича, XIX аср рус адабиёти тараққиётида танқидчи

В.Г.Белинскийнинг айрича ўрни бор ва у шу адабиётнинг энг кўзга кўринган вакиллари қаторида катта роль ўйнайди.

Шуни қайд этиш мумкинки, адабий танқиднинг узоқ ва яқин ўтмишдаги ижтимоий ҳаёт ва адабий тарихий жараёнда катта ижобий ролини тушуниш ҳозирги замон ўзбек адабий танқидчилигининг муҳим хусусиятларидан биридир. "Ижтимоий ҳаёт ва адабий жараённинг шаклланишида адабий танқиднинг тутадиган мавқеи - унинг гражданлик позицияси барқарор хусусиятларидан ҳисобланади. Танқид муҳокамалари, хулосалари, ижтимоий онгга, адабий тараққиётга муайян шаклда, муайян йўналишда ҳамиша таъсир ўтказади. Бунга энг қадимги ва энг янги тарихдан, ўтмишдан ва бугундан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Башарти тарихда бир қатор бадиий ёдгорликлар танқид туфайли абадий яшаб қолди, десак, муболага бўлмайди"2. Айтайлик, Алишер Навоийнинг "Мажолисун нафоис" деган ажойиб асарида улуғ санъаткор замонасининг шоирлари, ўз устозлари ва издошлари тўғрисида ҳикоя қилади. Навоий бу асарда ҳар бир шоир ҳақида сўзлайди, уларнинг ижодий ўзига хосликларига тўхталаркан, асарларидаги муайян бадиий нуқсонлар хусусида танқидий мулоҳазаларини айтишдан ҳам тийилмайди, бир сўз билан айтганда, улар ҳаёти ва ижоди тўғрисида қомусий маълумот беради. Шу боис "Мажолисун нафоис" ўз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётир. Асарнинг яратилганига беш аср тўлди, лекин у ўзбек мумтоз адабиётининг у ёки бу даврини тадқиқ этиш, ўрганишда ҳамон нодир манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Яна бир мисол: Ҳамзанинг бизгача етиб келмаган "+аҳрамон Ўғуз" драмаси ҳақида 1922 йилда "+изил байроқ" газетасида пайдо бўлган қисқагина тақриз* ёки Машраб ижоди атрофида қизгин мунозаралар бораётган пайтда Ғ.Ғуломнинг "Совет Ўзбекистони" газетасида пайдо бўлган мақоласи катта ижобий роль ўйнаган. Вақтида айтилган битта сўз қалин илмий китобларга қараганда кўпроқ иш қила олиши шундан намоён бўлиб турибди. Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳ.Олимжон ва улар қаторидаги кўпгина ёзувчиларнинг ижоди ҳақида асримизнинг 20-30-йилларида Вадуд Маҳмуд, Абдураҳмон Саъдий, Отажон Ҳошим, Олим Шарафиддинов каби танқидчилар томонидан "ўз вақтида айтилган сўз"лар бу ёзувчиларни адабиётимиз тарихидаги ўринларини белгилади ва сақлаб қолди. Адабий танқиднинг бу ижобий роли адабиёт тарихининг ҳар бир босқичига оид талай мисоллар билан қайта-қайта тасдиқ этилиши мумкин.

Адабий танқид айни кунларда ҳам адабий- тарихий жараёнга таъсир кўрсатувчи аҳамиятини заррача камайтирган эмас. Адабий-бадиий танқидчилик талабчанликни маҳорат билан, бадиий бойликларни майдонга келтирувчиларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш билан қўшиб, янада талабчанроқ бўлиб майдонга чиқса, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари бундан ҳам ортиши муқаррар.

Танқидчиликнинг бурчи ҳозирги замон бадиий жараёнидаги ҳодисаларни, тамойилларни ва қонуниятларни чуқур таҳлил этиб беришдан,

халқчиллик тамойилларининг мустаҳкамланишига ҳар тарафлама кўмаклашишдан, санъат ва адабиётнинг юксак ғоявий-эстетик савияси учун курашишдан иборатдир.

Адабий-бадиий танқидчилик санъаткорнинг фикр доирасини кенгайтиришга, маҳоратининг такомиллашувига кўмаклашмоги керак. У эстетика анъаналарини ривожлантириш билан бирга ғоявий-бадиий жиҳатдан бериладиган баҳоларнинг аниқ бўлишини, эстетик талабчанликни чуқур ижтимоий таҳлил билан, истеъдодга, унинг самарали изланишларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш билан қўшиб олиб бориши керак.

Илмий-эстетик тафаккур ҳосиласи саналувчи адабий танқидчилик сўз санъати сингари дунёга келиб, шаклланиш ва ривожланиш жараёнига эга ҳодисадир, у жамият тараққиётида алоҳидаликда тараққий этади. Бу жараён мустақиллик йўлида изланаётган айни кунларимизда ҳам ўз кучини сақлаб қолаяпти. Шу сабабли танқид тарихини ўрганиш фақат тарихий-маърифий жиҳатдан эмас,балки ижтимоий-эстетик жиҳатдан ҳам долзарб аҳамиятга моликдир: адабий-бадиий танқид тарихи сабоқлари санъат ва адабиётнинг бугунги ҳамда эртанги тараққиёти вазифалари ва йўлларини тайинлашга ёрдам беради. Адабий-бадиий танқидчилик олдида эстетика анъаналарини ривожлантириш вазифалари ҳам туради.

Демак, танқид: 1) ижтимоий ҳаётда ҳам; 2) ижодкор фаолиятида ҳам; 3) китобхон эстетик кечинмаларида ҳам ўз ўрнига эга. У: а) ижтимоий ҳаётдаги долзарб масалаларни; б) ижодкорларнинг илғор қарашларини, в) китобхоннинг истак-мулоҳазаларини акс эттиради, санъатнинг ўз- ўзини англаш шакли сифатида кўринади, муайян давр эстетик тафаккурининг умумий ва ички ривожланиш қонуниятларини ойдин лаштиради.

Бадиий адабиётнинг асосий вазифаси инсонни ва уни ўраб олган воқеликни бадиий тасвирлаш воситасида комил инсонни тарбиялашдан иборат. Бинобарин, адабий танқидчиликнинг вазифаси ҳам комил инсон характерини, унинг эстетик дидини тарбиялашга қаратилган бўлади. Зеро, Белинский таъкидлаганидек, "адабиётнинг вазифаси танқиднинг вазифасидир. "Ҳукм қилувчи танқид билан, ҳукм қилинувчи адабиётнинг мазмуни бирдир" .

**Адабий танқидчилик - "ҳаракатдаги эстетика"дир.** Адабий танқид адабиёт ҳодисаларини, адабий асарларни таҳлил қилади, уларга баҳо берар экан, ўзининг бир қанча хусусиятларини кашф эта боради. Илғор адабий танқид ҳар доим: 1) бадиий асарларни кенг тарғиб этишга; 2) китобхонларнинг эстетик диди ва завқини оширишга; 3) сўз санъаткорларининг ижодий такомилига хизмат қилади.

В.Г. Белинский адабий танқид ва ижтимоий фикр ўртасидаги алоқани кўзда тутиб, ҳаққоний танқид ҳамиша жамиятнинг ўй ва орзуларини ифодалайди,- дея эътироф этган эди.

Танқид, юқорида қайд этилганидек, айрим пайтларда ўз даври учун тамоман янги бўлган ҳақиқатларни кашф этиб, ўз даврининг санъат ва адабиёти ривожида янги босқичнинг бошланишига асос солиши мумкин.

Аммо бу ҳодиса, Белинскийнинг таъбири билан айтганда , "буюк ва нодир ҳодисадир".

Танқид кўпинча "ўз замонасининг гўзаллик ҳақидаги ҳукмдор тушунчаларини аниқлаш ва оммалаштириш"ни ўз олдига вазифа қилиб олади. Буюк адабиётшуноснинг бу фикри адабий танқиднинг ўзига хослиги масаласига янада кўпроқ аниқлик киритади. "Назария гўзаллик қонунларининг системали ва гармоник бирлигидир: аммо унинг бир кемтик томони бор: у маълум вақт доирасида қолиб кетади, танқид эса бу бетўхтов давом этади, олға боради, фан учун, янги материаллар, янги маълумотлар йиғади. Бу ҳаракатдаги эстетикадир...".

Танқиднинг яна бир хусусияти - унинг публицистика билан чамбарчас алоқадорлигидадир. Жорий адабий жараённинг ҳодисаларини ва бадиий ижоднинг айрим асарларини таҳлил этиб, уларнинг қимматини кенг оммага тушунтириб беришга ва омманинг эстетик дидини тарбиялашга мўлжалланган танқид ўз ўқувчисига матбуот-журнал ва газеталар орқали мурожаат этади.

Бу, айниқса, халқ ва унинг адабиёти тарихида янги давр бошланаётган даврларга оиддир. Х1Х асрнинг биринчи ярмида Белинский: "Танқид аллақачон бизнинг омманинг (ўқувчилар ва томошабинлар оммасининг) эҳтиёжи бўлиб қолди. Ҳеч бир журнал ёки газета танқид ва библиография бўлимисиз яшай олмайди", -деб ёзган эди. Бу ҳол ҳамма маданий халқлар тарихи, шу жумладан, кейинги даврларда Ўрта Осиё халқлари тарихидаги далиллар билан ҳам тасдиқ этилади. Шуни ҳам эсда тутиш керакки, танқиднинг адабиётшуносликдан унинг мустақил қисми сифатида ажралиб чиқиши қатор халқларда, асосан, Х1Х асрнинг иккинчи чорагида содир бўлди. Ҳатто Белинский замонасида ҳам, жумладан, унинг асарларида адабиётшунослик кўпинча бир бутун ҳодиса сифатида майдонга чиққан. Инчунин, Белинскийнинг илғор журналлар (айтайлик:"Отечественние записки") саҳифаларида босилган аксарият асарлари кўп ҳолларда рус адабиётининг ўтмишини таҳлил қилиш билан бошланар эди.

Ўзбекистонда эса танқид илк бор маҳаллий матбуотнинг юзага келишига алоқадор ҳолда Х1Х асрнинг сўнгги чорагида куртак ота бошлаганлиги маълум ҳақиқатдир.

Танқид образлилиги билан ҳам ўзига хос санъатдир. Бу унинг ўзига хос хусусияти бўлиб, илмий-таҳлилий моҳиятига сингган ҳолда намоён бўлади.

Ёзувчи ўз қарашларини, орзу-истакларини образлар воситасида қалбининг "дарди", ҳис-ҳаяжони билан ўқувчилар оммасига етказса, асосий мақсад қилиб ўқувчилар руҳий оламига, руҳиятига таъсир қилишни назарда тутса, адабий танқидчи ўз фикр-мулоҳазаларини ва қарашларини изчил мантиқ воситасида мунтазам ва аниқ баён қилиш йўли билан оммага етказади, асосий мақсад қилиб китобхон ақлига таъсир қилишни назарда тутади. Бинобарин, танқидчи бадиий асарларни баҳолаш жараёнида шу асар туфайли қалбида туғилган ҳис-ҳаяжонни ҳам ифодалаб бериши лозим.

Худди шу нуқтада адабий танқиднинг ўзига хос илм ва санъат эканлиги кўзга ташланади: танқидчи илмий тафаккурига, мантиқига ўз бадиий

тафаккурини бўйсундиргандагина , уларнинг ўзаро диалектик бирлигини таъминлагандагина ўз вазифасини бажаришга қодир бўлади. Чунки ҳис-ҳаяжон ва образлилик билан чархланган фикр совуққон, ҳиссиз фикрга нисбатан ўқувчида кучли ишонч ҳосил қилади ва ҳаяжон билан қабул қилинади.

Танқидчи образли фикрлаши керак, лекин образли фикрлаш илмий фикрлашга бўйсуниши ва бу табиий кечиниши шарт. Бунда танқиддаги образлиликни адабиётдаги образлилик тушунчасига тенглаштирмаслик, бадиий тафаккурни илмий тафаккурдан юқори қўймаслик лозим. Айтайлик, рус ёзувчиси Е.Винокуров: "Мен адабий танқидий мақолалар тўпламини роман каби ўқишни хоҳлардим",- деганида шу тамойилни ёқлагандек кўринади. Ўзбек танқидчилигининг истеъдодли намояндаси И.Ғафуров худди шундай йўналишда изланади. Жумладан, у "Гўзалликнинг олмос қирралари" китобида бадиий асарларни куйиб-ёниб таҳлил қилади. Шу аснода ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги қарашларини изҳор этаркан, ўз орзу истаклари билан ҳам ўртоқлашади. Лекин шуниси ҳам борки, баъзи ҳолларда изчил мантиқий мулоҳазалар танқидчининг ҳис-ҳаяжони, лирик чекинишлари ва ортиқча сўзпардозликлари соясида қолиб кетадиган ўринлар учраб туради:"Ҳаётимизнинг энг олий хосияти нашъу намоликдадир. Коммунистларча умргузаронликдаги бошқа юксак фазилатлар шу нашъу намо билан ўз идеал қиёфасидан арзи жамол этади"4. У эслатилаган китобининг "Меҳнат ва инсоннинг муқаддаслиги" деб номланган "иккинчи қатра"сини шундай бошлаган. Унда "Севгим, севгилим", "Туғилиш", "Қадрим", "Юракдаги қуёш" каби асарлар таҳлил этилса-да, мазкур экспозиция шу асарлар таҳлилига асосланмаганлигидан изчил мантиққа бўйсунган дейиш қийин. Муаллифнинг шу йўсинда фикр юритиши китобхонга мавзу ичига тезроқ киришга бир оз халақит беради. Танқидчи,албатта, образли фикрлашга ҳақли, образли фикрлаши шарт ҳам, бироқ образли тафаккур илмий тафаккурга бўйсуниши ва табиий бўлмоғи лозим.

Ўзбек адабий танқидчилигида илмийлик билан бадиийлик ўртасидаги уйғунликнинг бошқача кўриниши ҳам мавжуд. Баъзи танқидчилар илмийликдан, мантиқдан бошқа нарсани тан олмайдилар. Оқибатда уларнинг асарлари "академизм" иллатига мубтало бўлиб, уни кенг китобхонлар ҳам, сўз санъаткорлари ҳам ўқишга қийналадилар. Бундай асарларда эҳтироссиз, қуруқ ҳукм ва хулосалар асосий ўринни олгани ҳолда, бу ҳукм ва хулосаларга келтирувчи йўл, шу ҳукм ва хулосаларни чиқаришга имкон берадиган таҳлил, танқидчининг ўзига хос фикрлаш услуби кўринмайди. Ҳолбуки, адабий танқидчиликка хос образли тафаккургина танқидчиликни санъат деб баҳолашга имкон беради. Рост, образли тафаккур машҳур физиолог И.П.Павловдан тортиб, математик Қори Ниёзий асарларигача учраб туради. Аммо бу асарларга санъат асарлари сифатида эмас, фан нуқтаи назаридан қараш анъанага айланган. Демак, адабий-танқидий фикрни бадиий тафаккур синтезидан ўтказишнинг ўзигина адабий- танқидни санъат дейишга имкон бермайди. Агар танқидчи образли

фикр юритса-ю, санъаткор томонидан яратилган асарни ҳаёт билан таққослаш асосида жонлантириб кўрсата олмаса, у ҳақиқий адабий танқидчи бўла олмайди, ҳақиқий танқидчи таҳлил жараёнида китобхонга фақатгина бадиий асарни тушунтириб бериш билан чекланмайди, айни пайтда ўқилган нарсани биргаликда ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Бадиий асардан китобхон олган завқни, қайғу ва шодликни, бадиий таассуротни тўлатади, жонлантиради. Китобхонга ана шу таассуротни юқори савияда равшан ва тушунган ҳолда яна бир карра бошидан кечиришга, мазкур асар ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилишга имконият беради.

Қисқаси, танқидий асарда танқидчининг жўшқин ҳиссиётини, эҳтиросини китобхон сезиб туриши лозим. Ана шундагина танқидчилик асарлари қўлдан-қўлга ўтади, тез тарқалади. Танқидчилар ҳам етук санъаткорларга ўхшаб китобхонларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўладилар. Инчунин, танқидчи- санъаткор В.Г.Белинский тажрибасига назар солайлик. У қайси жанрни таҳлил қилмасин, шу жанрда сўз санъаткори яратган образларни қайтадан яна бир марта яратади. Ўз қалби ва эстетик ҳиссиёти орқали шоир яратган бадиий асарни қайта юзага келтиради. Унинг "қўли тегиши" билан бадиий асар янги ҳаёт, катта куч-қувват олади: ундаги образлар равшанланади, яна чуқурроқ ифодасини топади, таъсир кучи ошади. Адабий оқимнинг тўғри йўналишидан боришга ёки уни тўғри йўлга солиб юборишга кучли таъсир кўргазади.

Аср бошларида Фитрат ва Чўлпон каби мунаққидлар ижодида ҳам образли танқидий фикрнинг турли кўринишлари учрайди, И.Султон, М. Қўшжонов ва О.Шарафиддинов каби танқидчилар ижоди ҳақида ҳам бу фикрни айтиш мумкин.

Адабий танқиднинг бу хусусияти танқидчининг санъаткор бўлишини тақозо қилади. Ана шундагина адабий танқид ўқувчининг ҳиссиётига кучли таъсир қилади, унда ҳақиқий комил инсонга хос сифатларни тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Адабий танқидчи асарни яхлит кўра билиш қобилиятига эга бўлмоғи даркор. Бу қобилият танқидчидан алоҳида сезгирликни, ҳаётни образли идрок қила билишни талаб қилади. У бадиий асарни қайта яратиш жараёнида умумий ижтимоий ва ахлоқий муаммоларни асардаги жонли образлар, характерлар тақдирининг таҳлили орқали муҳокама қилади ва асарда кўтарилган масалаларнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини очади. Шу маънода адабий танқидчилик ҳам ўзига хос инсоншуносликдир.

Энг муҳими шундаки, ёзувчи қайси даврда яшаб ижод этган бўлмасин, асосий мақсад: унинг асарларида ҳаёт ҳақиқати қандай услуб ва воситалар орқали қай даражада ёритилгани ёхуд ёритилмагани; қандай тўлақонли, оригинал образлар, характерлар яратилганини ёки яратилмаганини; бу образлар давр руҳини чуқур акс эттира олганми ёки йўқлиги; улар ҳозирги замонга қайси қирралари билан муштарак бўлиб, ўқувчилар тафаккурини ўзгартиришга иштирок этиши ёки этмаслигини аниқлаш; ниҳоят, буларнинг барчаси моҳиятини баркамол илмий-эстетик таҳлил орқали кўрсатиш танқидчиликнинг диққат-марказида бўлмоғи лозим.

Зеро, И.А.Крилов таъкидлаганидек: "Танқид фақат танқидчиликнинг кўрсаткич бармоғи билан асарнинг камчилик, ютуқларини кўрсатиш эмас, балки унинг нозик дид, нафосат билан яратилганлигини кўрсатиш ҳамдир".

Бунинг учун танқидчилик ёзувчининг ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантирган ёки айлантира олмаганини баҳолашни асосий мезон қилиб олсагина, айтаётган сўзларини ҳаёт, бадиий ижод муаммоларини билиш ва идрок этиш манбаига айлантирсагина, ранг-баранг, салмоқли, янги мазмун касб этган бетакрор илмий эстетик оламни кашф этиши мумкин.

Ҳозирги адабий жараён, унда рўй бераётган хилма-хил ўзгаришлар моҳиятини ёритиш ҳам илмий-эстетик таҳлил зиммасига юклатилади. Айтиладиган ҳар бир фикр, бадиий ижод, ҳаёт ҳодисаси хусусида чиқариладиган барча ҳукм ва хулосалар илмий-эстетик таҳлилда намоён бўлади, шунинг учун улар таҳлил орқали исботланмаса, ўз қадр-қимматини йўқотади.

Санъатга муҳаббат бўлмаган жойда танқид ҳам бўлмайди. Шунда беихтиёр Винкельманнинг тубандаги сўзлари эсга тушади:"Бадиият донишманди бўлишни истайсизми? Санъаткорни севинг, унинг асарларидан гўзаллик ахтаринг".

Ҳақиқатан ҳар бир мақола, тақриз, тадқиқотнинг салмоғи ҳам, танқидчининг истеъдоди, қудрати ҳам таҳлилнинг мазмуни ва ундан танқидчининг гўзаллик излаши билан белгиланади. Таҳлил илмий- эстетик ҳақиқатни юзага чиқарадиган асосий восита бўлиб, реал воқеликка таянади, ижтимоий ҳодисалар билан бадиий асарларни бир-бирига таққослаш орқали ўзлигини кўрсатади. Шу сабабли ҳаётда, сўз санъатида қанақа гўзал,нодир ва ноёб хусусиятлар бўлса - барчасини чин қалбдан севишга; қаерда жаҳолат, ифлослик учраса - ҳаммасига кучли ғазабимизни уйғотиб, уларга қарши курашга киришга туртки беради.

Аммо баъзан танқидчиликда четга оғишлар кузатилган ҳоллар бўлади. Айниқса, 60-80-йилларда баъзида ҳаққоний сўзлар айтиш ўрнига унинг тескариси бўлган асосланмаган даъволарни пеш қилишга ўхшаган сохта талабчанлик сезиларли даражага кўтарилган ҳоллар содир бўлди.Бу ҳолатни Н.Худойбергановнинг айрим мақолаларида кузатиш мумкин. Шунингдек, Очил Тоғаевнинг А.Ориповнинг "Аёл" шеърига муносабати ҳақида ҳам шуни айтиш жоиз.

Эндиликда адабий танқид ўз елкасидан соғлом ахлоқни зил кетказадиган кўнгилчанлик ва амалга қараб баҳо бериш иллатини улоқтириб ташлайдиган вақт келди. Танқид муаллифларнинг иззат- нафси ва инжиқликларига қараб иш тутадиган соҳа эмас, балки адабий фаолиятдирки, буни зинҳор эсдан чиқармаслик даркор. Адабий танқидчилик жиддий фаолиятдир. Танқидчи қайси асар ҳақида сўз юритмасин, уни чуқур, ҳаққоний таҳлилдан ўтказиб, ўзида тугилган мулоҳазаларни ошкора айтса, ҳукм-хулосаларининг салмоғи, йўналишини кимларнингдир кўнгли, истагига қараб ўзгартирмаса, асар муаллифининг қаерда, ким бўлиб ишлашини эмас, балки асарнинг ҳаққонийлигини, адабиёт учун, халқ учун кераклигини айтиб илмий-эстетик таҳлилдан ўтказса - адабиёт равнақида қандай мавқеда

туришини тўғри белгилай олади. Бундан адабиёт ҳам, асар ҳам ва уни яратган муаллиф ҳам ютади.

Хуллас, адабий жараёнда, ёзувчилар фаолиятида қандай ижобий ёки салбий, мураккаб ёхуд зиддиятли ҳодиса рўй бермасин барчасини сўз санъати, бадиийлик талабларига биноан ёритиш зарур. Шундагина танқидчи ҳақиқий, тўғри умумлашма ва хулосалар чиқара олади ва ёзувчилар билан бир савияда баҳслаша олиш қадар ёрқин қиёфасини намоён этади. Бундай истеъдод соҳиби ўз услуби, салмоқли фикр-ўйи, мулоҳазаси, ҳатто овози ва шакл- шамойили билан алоҳида ажралиб турадиган мақолалар, тақризлар, тадқиқотлар яратиб, бутун адабий жараённигина эмас, балки ҳаётни барча зиддиятлари билан гавдалантирадиган илмий-эстетик оламни кашф эта олади, сўз санъати ҳақидаги фаннинг чинакам заҳматкаши сифатида обрў-эътибор қозонади.

Танқидчи бадиий адабиёт асарини текширишда икки меъёрга таяниб иш кўради: биринчи ўлчов-реал ҳаёт, иккинчиси - эстетик қонунлар, булар объектив дунё демократиясидир. Шу икки меъёрга- ҳаёт ҳақиқати ва эстетика қонунларига биноан асар текширилганидагина унинг ижтимоий-эстетик қимматини чинакам илмий асосда белгилаш имкони барқарорлашади. "Адабиёт назарияси йўли қанчалик ғадир-будур бўлмасин, унда романнавис ва шоирнинг қадимдан мавжуд ва номавжуд нарса ва ҳодисалар (шу жумладан тўқиб-бичилганлари ) ҳақидаги фикрлари тан олингандир:дунё бор экан,ёзувчи ёзаверади-мана адабиёт нима дегани.Танқидда эса предмет тамоман ўзга бир нарса-"дунё" эмас,балки сўз,ўзганинг сўзи:танқид-бу сўз ҳақидаги сўз,бу бирламчи тилга суянадиган иккинчи тил (объект-тил) ёки кўчимли (метаязик) тилдир (мантиқшунослар уни шундай ифодалашади). Шундай экан, танқид ўз фаолияти давомида икки хил муносабатни-ўрганилаётган муаллиф тилига танқидчи тилининг муносабати ва бу тил-объектнинг дунёга муносабатини инобатга олмоғи лозим.

Танқидчи учун бу икки тилга ҳам ўзаро "тегиб ўтиш" муҳим ва ўзига хос бўлиши керак",-деб ёзади Ролан Барт.

Танқидчиликнинг яна бир хосияти- миллийлигидадир. Миллийлик ва байналминаллик диалектикаси ҳозирги замон бадиий танқидчилигидаги ўзак масалаларидан бири саналади. Зеро, санъатнинг миллий ўзига хослиги ва миллий характер, умуминсонийлик диалектикаси, қардош миллатлар бадиий маданиятларининг бир-бирига ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши ҳозирги бадиий жараённинг ботиний эстетик моҳиятига тегишли жаҳоншумул муаммоларидир.Чинакам халқчил танқидчилик бу муаммоларни ўз таҳлилидан четда қолдирмайди. Чунки ҳозирги бадиий жараённинг ўзи миллий ҳаёт ва миллий онг эстетик инъикоси сифатида ҳаракат қилади.

Хуллас, танқидчиликнинг тор маънода тушунилган бевосита тадқиқот объекти - миллий-бадиий жараёндир. Жараённинг байналминал ва миллий қирралари бўлиб, бу унинг бадиий диалектикасида зуҳур этади. Зеро,

миллийликсиз ҳақиқий бадиий инъикоснинг, чинакам бадиий образнинг, чинакам бадиий адабиётнинг бўлиши мумкин эмас.

Адабий-бадиий танқидчилик жаҳон миқёсида амал қилаётган байналминал ҳодисадир. Бинобарин, ўзбек танқидчилиги ҳам жаҳон миқёсига кўтарилиш учун тинмай изланаётган ҳодисадир.

Адабий танқидчилик тор адабий мавзулар доирасида ўралашиб қолмаслиги ва умумэстетик мезонларни йўқотиб қўймаслиги учун адабий жараённинг етакчи тамойилларини тинмай кузатиб туриши, у ёки бу ёзувчининг ижодий портретига хос қирраларни, ижодий йўлига хос хусусиятларни ёритиши, бадиий асарни ҳозирги даврнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-маънавий муаммолари доирасида таҳлил этиши керак.

Адабиётнинг ҳозирги муаммолари, гоялари ва қаҳрамонларини тарихийлик тамойили асосида қай даражада акс эттираётгани танқидчиликнинг диққат марказида туриши ва у бадиий асарнинг гоявий-эстетик таҳлилига шу нуқтаи назардан ёндашуви лозим.

Танқидий фикр қанчалик ҳаққоний ва талабчан бўлса, ҳозирги адабиётимизнинг муҳим масалаларини қанчалик дадиллик билан кўтарса - унинг мавқеи шунчалик кучли, натижаси эса шунчалик самарали бўлади. 50-йилларда А.Мухторнинг "Дарёлар туташган жойда" асари туфайли содир бўлган танқидий чиқишлар ёзувчининг келгуси ижодий парвозида қанчалик катта роль ўйнагани ҳаммага маълум. Шу хилдаги холис талабчанликка суғорилган чиқишлар ҳозирги кунларда мустақиллик ғояларини мустаҳкамлаш маънавий- эстетик эҳтиёжга айланган бир шароитда, айниқса, авж олиши керак. Шундагина адабий танқидчилик илмий-эстетик ҳодиса сифатида истиқлолни куйловчи адабиётимизнинг тараққиё тига янада самаралироқ таъсир кўрсатажак.

"Халқимизнинг келажакка- танлаган йўлимизнинг тўғрилигига, эркин ва озод ҳаёт қуриш, Ватанимизни обод қилиш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек олий мақсадимизга бўлган ишончининг янада ошишига адабиёт ҳам, шу жумладан, адабий танқид чин дилдан хизмат қилади"8.

Хулоса қилиб айтганда, 1) матбуот ва адабий жараён билан боғлиқ бўлиш;2) асарни ҳаётга қиёслаб ўрганиш;3) тафаккурнинг ўзига хос шакли бўлиб; 4) ташвиқот воситасиси

## МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Адабий танқидчилик- "ҳаракатдаги эстетика" деганда нимани тушунасиз?
2. Адабий танқидчиликда образлилик қандай намоён бўлади ва бадиий адабиётдаги образлиликдан фарқ қилувчи қандай хусусиятларга эга ?
3. Адабий танқидчиликда илмий тафаккур билан бадиий тафаккурнинг ўзаро уйғунлашуви қандай намоён бўлади?
4. Адабий танқидда миллийлик ва байналминалчиликнинг табиати қандай?
5. Адабий танқидчиликнинг илмий- эстетик ҳодисалиги

нималарда кўринади?

6. Адабий танқидчиликда мунаққид шахсияти қанақа хусусият ларга эга?

Тубандаги ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР моҳиятини англаб олинг: ҳаракатдаги эстетика, ҳукм қилувчи танқид, публика, образли тафаккур-илмий тафаккур билан бадиий тафаккурнинг уйғунлашуви, адабий танқидда образлилик, адабий танқид илмий-эстетик ҳодиса, адабий танқидда миллийлик ва байналминаллик диалектикаси, академизм, адабий танқидда бирламчи ва иккинчи тил.

Мустақил ўқиш учун АДАБИЁТЛАР:


1. И.Каримов.Адолатли жамият сари. Тошкент. "Ўзбекистон". 1998.
2. Адабиётимизнинг ярим асри. Тошкент. 1976 .
3. Белинский В.Г. Адабий орзулар.Тошкент.1987.
4. Каримов Н. Адабий танқид ва адабий жараён. Китобда: Адабиётимизнинг ярим асри. Тошкент. 1976 .
5. Жамол Камол. Танқидда ҳам маҳорат учун-ЎТА. 1986,2-сон.
6. Мамажонов С.Адабий жараён ва адабиётшунослик-ЎТА 1972, 4-сон,
7. Пушкин А.С.Танланган асарлар.8-том,Тошкент,1982.
8. Шарафиддинов О. Талант - халқ мулки. Тошкент. ГАСН.1976.
9. Умуров Ҳ. Таҳлил санъати.Тошкент.1978.
10. Қаюмов Л. Адабий танқид ва ижодий жараён.-"Шарқ юлдузи", 1972, 3-сон.
11. Ғафуров И. Гўзалликнинг олмос қирралари. Тошкент.1964.


## 3-МАВЗУ: ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

(1905-1925 йиллар) 4-соат

РЕЖА:
1. Адабий-танқидий фикрининг уйғониш омиллари.
2. Ўзбек адабий танқидчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланишида матбуотнинг ўрни.
3. Ўзбек танқидчилигининг илк қадамлари.
4. Ўзбек адабий танқидчилигининг янги инсон образини яратишга муносабати.
5. Ўзбек адабий танқидчилигида жанрий изланишлар.
6. Ўзбек адабий танқидчилигининг мумтоз меросга муносабати.

Ўзбек адабий-танқидий фикрининг уйғониш омиллари. Буюк танқидчи В.Г.Белинский илк мақолаларидан бирида "танқид нима?" деган саволга шундай жавоб беради: ... у ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан жамиятни вояга етказувчи, янги эстетик тушунчаларни устивор этиб, китобхонда чинакам инсоний фазилатларни тарбияловчи ҳаракатдаги эстетикадир". Ўзбекистонда ана шундай фазилатларга эга танқид XX аср бошларида юзага кела бошлади. Албатта, унинг юзага келишида мумтоз адабиёт адабиётшунослиги (Бу ҳақда қаранг: Б.Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи), жаҳон илмий-эстетик тафаккури мустаҳкам замин бўлганини ҳамиша назарда тутиш лозим.

Ўзбек адабий танқидчилигининг махсус ҳодиса сифатида туғилиб, шаклланиб, камолот босқичига кўтарилиш йўлида кечган қийинчиликлар ва зиддиятлар моҳиятини англаш учун тарих саҳифаларини бирма-бир варақлаб кўздан кечириш, эришилган илмий-эстетик ютуқларни, мавжуд нуқсонларни таҳлилдан ўтказиш, адабий-бадиий илмий-эстетик тафаккур тараққиёти қонуниятларини ҳаққоний ёритиш зарур.

Ўзбек танқидчилиги илдизлари узоқ ўтмишдан бошланган бўлиб, уларнинг фазилатларини қзлаштириш, нуқсонларини ҳаққоний таҳлилдан қтказиб, уларга барҳам беришда, адабий танқиднинг ёзувчилар ва ққувчилар оммасига таьсири доирасини кенгайтириш зарур.

"Биз бугун янги асрга қадам қўйдик. Хўш, янги асрга ўзбек адабиётшунослиги қандай йўлланма билан киради? У ўзининг қайси жиҳатларидан воз кечади ва ҳатто қайси гуноҳларидан тавба қилиб, қайси фазилатлари билан янги даврга юз тутади?...

...Лекин шунга қарамай, бугун умидсизликни йиғиштирмоқ керак ва аҳиллик билан ишга киришиб, янги адабиётнинг ривожига фаол кўмаклашмоқ керак"2. Мазкур сўзларни адабий танқидга нисбатан бемалол қўллаш мумкин, чунки адабиёт билан адабий танқид доимо бирга ҳаракат қилиши ҳаммага аён.

Зеро, ҳар қандай ижтимоий, ҳатто иқтисодий ҳодисалар муайян даврларга ажратиб ўрганилмаса, мақсадга олиб борадиган тўғри йўлни топиш қийин. Шунга кўра, адабиёт тарихи бадиий ижод ва ижтимоий ҳаётда рўй берган катта воқеалар, туб бурилишларга асосланиб даврлаштирилади, баьзан соддагина қилиб, "20-йиллар адабиёти", "60-йиллар адабиёти" тарзида қисмларга ажратилади. Бундан англашиладики, даврлаштириш тамойиллари ҳали қатьий белгиланган эмас. Аммо шуниси аёнки, ижтимоий ҳаёт тараққиёти қонуниятлари, хусусиятлари ҳамма вақт муайян соҳанинг ўзига хос мазмуни, мундарижаси марказида туради.

Адабиёт ривожи танқид ривожи билан чамбарчас боғлиқдир. Адабиёт ҳам, танқид ҳам ҳаётдаги гўзалликни ифода этади, улар буни турлича шаклда ифода этадилар, В.Г.Белинский бу ҳақда шундай ёзади: "Саньаткор ва адабиётчи ўзининг саньат ва адабиёт ҳақидаги тушунчасини бевосита яратган асарларининг ўзи билан ифода этадилар: танқидчи эса саньат ва адабиёт ҳақидаги тушунчасини фикр воситаси билан онгли равишда ифода

этади. Бу ҳолда саньат ва адабиёт танқид билан қўлга-қўл беришиб борадилар ва бир-бирларига ўзаро таьсир этадилар".3

Буюк мунаққид қайта-қайта таькидлаган бу ҳодиса адабий танқид тарихи ўрганилмагунча бадиий адабиёт тарихининг ҳаққоний ва тўлиқ манзараси яратилиши мумкин эмаслигидан гувоҳлик беради. Бу ҳол адабий танқид тарихини адабиёт тарихининг ажралмас бир қисми қилиб қўяди.Шу мантиқдан келиб чиқилгани туфайли "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи"(1987) икки жилдлиги муаллифлари ўзбек адабий танқиди босиб ўтган йўлни тубандаги даврларга бўлиб таҳлил этадилар:

1.Ўзбек совет адабий танқидининг вужудга келиши ва илк қадамлари(1917-1932).

2.Ўзбек совет адабий танқиди социалистик реализм эстетикаси билан қуролланиш йўлида (1932-1941).

3.Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабий танқиди тарихи (1941-1945).

4.Улуғ Ватан урушидан кейинги давр ўзбек адабий танқидчилиги (1945-1956).

5. Адабий танқид тарихида янги босқичнинг бошланиши(1956-1961).

6.Адабий танқиднинг тез ва кенг ривожланиш йўлига кириши(1962-1972)ғ

7.Ўзбек адабий танқиди янги босқичда (1972-1980).

Ўз-ўзидан кўринаётирки, бундай даврлаштиришда суньийлик устивор бўлиб, ўзбек адабий танқидининг чинакам илмий тарихини - ривожланиш йўлидаги ҳақиқий манзарани акс эттирилмаган.Унда адабий танқидчиликда кечган жараёнлар шўро мафкурасига мослаштириб талқин этилган. Чунончи, ўзбек адабий танқидчилигининг социалистик реализм билан қуролланиши аслида унинг мафкуравийлаштирилишидан иборат бўлиб, партиянинг 1925 йил 18 июнда қабул қилган " Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида"ги қароридан ўз сарчашмасини олган ва то жамиятда шахсга сиғиниш оқибатларининг фош этилишигача шиддат билан давом этган жараёндир. Демакки, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кенийнги 60-йиллар арафасигача бўлган даврни қамраб олувчи уч давр эса аслида ўзбек адабий танқидчилигининг шиддат билан ривожланиши адабий-танқидий тафаккурнинг парвози, ҳаётийлиги, янгидан-янги шакллари забт эта бориши ва том маънодаги реализм учун кураш йиллари бўлди. Албатта, бу жараён ҳам шўро ва партиявий мафкурага тўйинган ҳолда кечган эса-да, шахсга сиғиниш оқибатларининг тугатила борилиши туфайли ҳар қалай адабий танқидда ҳур фикрнинг уйғонаётганлигига омухта ҳолда воқеликка айлана бошлади. Адабий танқид сталинча қатағон қурбонлари ижодини қайта баҳолашга киришди, ижодкорнинг бадиий маҳорати ва адабий жараён хусусиятларинингг эстетик таҳлилида дадиллик кўрсатди. Айниқса, тарихий асарларда ўзликни англаш ва эрк туйғуларининг жамиятни уйғотувчи моҳиятини идрок этишга уринди. Қолаверса, адабий жараёнда юз бераётган хилма-хил изланишлар - ижодий метод ва жанрлар ранг-баранглиги ҳодисалари моҳиятини , қийнала-қийнала бўлса-да, идрок эта борди ва эстетик баҳосини беришга, умумлаштиришга ҳамда улардан тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилди, қисман маълум натижаларга эришди.

Адабиётшунос. Н.Худойберганов масала моҳиятини шу нуктаи назардан фаҳмлаб, ўзбек танқидчилиги тарихини икки даврга бўлиб ўрганишни тавсия этади:

1-давр: 1917-1955 йилларни ўз ичига олувчи бу босқичда муосир ўзбек танқидчилигининг туғилиши, шаклланиши ва махсус фан сифатида таркиб топиши содир бўлади.

2-давр: 1956 йилдан то шу кунларгача кечган ва кечаётган вақтни қамраб олади. Бу даврда ўзбек танқидчилиги фан ва саньат уйғунлигидан ташкил топган махсус адабий ҳодиса тарзида ривожланиб, илмий эстетик камолотга эришиш жараёнини бошдан кечираётир4.

Ўзбек адабий танқидчилиги тарихининг тараққиёт йўлини тубандаги босқичларга бўлиб ўрганишни тавсия этамиз:

Биринчи босқич - ўзбек адабий танқидчилигининг пайдо бўлиши ва шаклланиши тамойиллари (1905-1925).

Иккинчи босқич - ўзбек адабий танқидчилиги мафкуравийлаштириш жараёнида (1925-1950).

Учинчи босқич - ўзбек адабий танқидчилиги реализм учун кураш йўлида (1960-1980).

Тўртинчи босқич - истиқлол мафкураси ва ўзбек адабий танқидчилиги (XX асрнинг 90-йиллари ва ундан кейинги давр).

Ҳозирги адабий жараён ва унинг хусусиятларини очиб бериш танқидчилик зиммасида туради. Бадиий ижод ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илмий-эстетик таҳлилда ҳаққоний ўз ифодасини топиши керак. Бугунги кун - истиқлол мафкураси ҳаммадан ҳар бир ҳодисага холис баҳо беришни талаб қиляпти. Шундан келиб чиқилса, XX аср ўзбек адабиёти, шу билан бирга ўзбек адабий танқиди ўзининг ривожини 20-йиллардан, асосан, тўнтаришдан кейин бошлади деган бир томонлама фикрлар дарсликларда ҳамон учраб турибди. Бу қараш 1987 йилда чоп қилинган "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" икки жилдлигида ҳам, Н.Худойберганов ва А.Расуловларнинг ҳамкорликда ёзган "Ўзбек совет адабий танқидчилиги" (1990) дарслигида ҳам ўз аксини топган. Бинобарин, бугунги кун талаблари асосида бу фикрга ислоҳ киритиш зарурияти давр талабига айланмоқда.

Ҳолбуки, адабий танқид жуда қадимий илдизларга эга эканлигини инкор этиб бўлмайди. Бу хусусда академик Б.Валихўжаевнинг "Ўзбек адабиётшунослиги тарихи."(1994) ва профессор А.Ҳайитметовнинг Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари (1976.) сингари асарларида ғоят қимматли маьлумотлар келтирилган. Қолаверса, Н.Каримов ҳам янги қзбек адабиёти тараққиётининг биринчи даврини беҳудага миллий уйғониш даври ёки жадид адабиёти деб атамайди. Шу боис аср бошидаги адабий ҳаётга назар солиш танқидчиликнинг шаклланиш жараёнини аниқ ва тўғри тушуниб олишга ёрдам беради.

Адабиётшуносликда истиқлол туфайли 20-йиллардаги адабий ҳаётга оид масалалар талқинидаги чалкашликларни тузатиш соҳасида жиддий ҳаракат бошланди. Бир қатор ёзувчилар ва танқидчилар ижодини,

жумладан, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Сотти Ҳусайн, Камий, Ажзий, Ибрат, Абдулҳамид Мажидий, Сўфизода, Элбек, Сидқий-Хондайлиқий ва бошқалар фаолияти, меросини, шунингдек, алоҳида назарий масалаларни қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш соҳасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Бу хусусда қатор диссертациялар ёзилди, илмий рисолалар ва тўпламлар, адабий-танқидий мақолалар эълон қилинди. Булар-ку керакли ва ўринли ишлар, давр адабиётини бутунича олиб текшириш, шу йўл билан унинг адабиёт ва маданият тарихий тараққиёти жараёнида тутган ўрнини белгилашга хизмат қиладиган изланишлар эди, бироқ булар ҳали ўша давр адабий ҳаётини ўрганиш соҳасида амалга ошрилажак ишларнинг ҳаммаси эмас.

XX аср бошларидаги адабий ҳаёт ўзбек адабиёти тарихий тараққиётида қандай ўрин тутиши, бошқа босқичлардаги тараққиёт жараёнидан қайси ва қандай хусусиятлари билан фарқ қилиб туриши обьектив ва илмий жиҳатдан тўғри очилса, кўп чигал муаммолар, жумладан, ёзувчи, шоирлар ижодини тўғри баҳолаш имкони туғилар, шу билан бирга адабий танқидга доир бир қанча чигал масалалар ечими топилган бўлар эди.

1905 йилдан сўнг то 20-йилларнинг ўрталаригача бўлган давр - ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётида ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб турди. Бу даврда янги замонавий ҳаётга интилиш, илм-маърифатни, мактаб-маорифни тарғиб қилиш, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўзгариш ясаш учун курашиш кун тартибида турди. Бу уйғониш ҳаракатининг бошида Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар ўғли, Ибрат, Анбар Отин, Нодим каби маърифатпарвар-демократ шоирлар турадилар. Улар ўз ижодий ва амалий фаолиятлари билан ўзбек халқида янги онг куртакларининг уйғонишида мадад бериб турдилар. Бу тарихий-маънавий заминдан фойдаланиб, ўзбек халқи 1905 йилдан кейин ижтимоий, маданий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ўзгаришлар, янгиликлар яратишга киришди. Бу даврда улкан истеъдодли сиймолар етишиб чиқдилар."Чўлпон янги ўзбек шеъриятининг, Қодирий ўзбек насрининг, Фитрат янги ўзбек драмачилиги ва адабиётшунослиги илмининг энг гўзал намуналарини яратдилар"5.

М.Беҳбудий, Мунаввар қори, А.Авлоний, С.Айний, Ҳамза, М.Сўфизода, А.Шакурий,. Саидазим Азизий, Ажзий кабилар мактаб-маориф соҳасига катта ўзгартиришлар киритдилар, ўзлари мактаблар очиб, ўзлари дарсликлар ёздилар, халқ болаларининг кўзини очишга, замонавий билимлардан хабардор қилишга интилдилар.

Бу даврда Туркистоннинг деярли ҳамма катта шаҳарларида босмахона, литографиялар очилди, китоб, рўзномалар нашр қилиш иши йўлга қўйилди. Маданий ҳаётдаги уйғониш профессионал театр санъатининг юзага келишида ҳам кўринади. Бу соҳада XX асрнинг 10-йилларида катта янгиликлар яратилгани маълум. Айниқса, бу даврда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш"идан ўз сарчашмасини очган Европа типидаги ўзбек драматургияси туғилди ва тезлик билан ривожлана бошлади.

Ўзбек адабиёти тарихида янги ҳодиса ҳисобланган драматургиянинг пайдо бўлиши театр танқидчилигининг туғилишига олиб келди. Мирмулла Шермуҳаммедов, Ҳожи Муин каби театр танқидчилари етишиб чиқдилар. "Осиё" газетасида "Театр", "Оина" журналида "Театр надур","Туркистон вилоятининг газети"да "Театр фойдаси" каби мақола ва тақризлар босилади.

Татар, турк, озарбайжон , рус адабиёти ва саньатлари таьсирида ўзбек миллий адабиётида йўл таассуротларидан иборат очерк, фельетон, ҳикоя, қисса, роман каби жанрларнинг илк намуналари пайдо бўла бошлади. Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Ҳамза, С.Айний, АҚодирий, Чўлпон каби ижодкорлар илк миллий романлар устида иш олиб бордилар. Маьрифатпарвар адиблар публицист, шоир, ёзувчи, журналист, адабий танқидчи ва педагог сифатида кўп қиррали фаолият кўрсата бошладилар. Ўзбек инқилобчи адиби, дастлабки ўзбек романини ёзишга уринган М.Шермуҳаммедов ижоди назарга туша борди. Ҳамзанинг "Миллий роман ёки янги саодат" асарида Олимжоннинг илм-маьрифат орқали бахтга эришгани тасвирланса. А.Қодирийнинг "Улоқда","Жувонбоз" сингари реалистик ҳикоялари шу давр руҳини ифодаловчи изланишлар маҳсули сифатида эьтиборни торта бошлади.

Маьрифатпарварлик жадид адабиётининг етакчи тамойилига айланди, миллий ўзбек адабиётининг пойдеворига биринчи ғиштлар қўйила бошланди. Бу давр шоирлари ижодида ҳам насрдаги ғоялар ифодаланди, тараққийпарварлик, тенглик, илм, озодлик ҳақидаги ғоя ўша давр шеьриятининг лейтмотивига айланди. Айниқса, Она-Ватан мавзуси ўзининг бор моҳияти билан акс эта бошлади:

Бинмо саҳари азми тавофи Ватани ман,
Оҳ-оҳ, чи Ватан, саждагоҳи жону тани ман...
(Тонгда тавоф айлагани чиқ - Ватанимдур,
Оҳ-оҳ не Ватан, саждагоҳи жону танимдур.
Иззат-шарафим, тинчиму аршимда тўлин ой,
Ҳам қиблам, ҳам Каьбаму, ҳамда чаманимдур.(Фитрат)6

Аста-секинлик билан ўзбек миллий адабиётининг туғилиши туфайли демократик йўналиш биринчи ўринга ўта бошлади. Даврнинг мавжуд ижтимоий тартибини танқидий реалистик тарзда тасвирлаб, унинг руҳини янада чуқурроқ бериш, халқ орзуларини ҳар томонлама акс эттириш адабиётда асосий мавзуга айланди.

Ҳақиқатан, миллий уйғониш даври адабиёти кўп қиррали, бой, мазмунли адабиётдир. А.Н.Самойлович шуларни кўзда тутиб, 1916 йилдаёқ:"Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун кутилмаган ҳол эди", - деб ёзган эди.

Аммо давр адабиётига етарли баҳо беришга ўша замондаги адабий танқиднинг кучи етмас эди, чунки адабий танқид ҳали қоришиқ, энди шаклланаётган паллага кирган эди. Шунинг учун ўзига хос фан, илмий-эстетик тафаккур маҳсули сифатида энди дунёга келаётганлиги туфайли

ижтимоий ҳаётга, ижодий жараёнга сезиларли таьсир кўрсата олмаслиги табиий эди.

Кейинчалик эса, 20-йилларнинг иккинчи ярмида, хусусан, 30-йиллардан эьтиборан адабиёт бутунлай мафкуралаша борди ва бор имкониятлари қўлдан кетди."Совет тузуми унинг марксча-ленинча мафкураси, шубҳасиз, адабиётимизнинг камолига катта зарар келтирди"8.Бунинг оқибатида адабиётшунослик илмида жадид даври адабиёти ва унинг намояндалари ҳаёти, ижоди четлаб ўтила бошланди. Натижада XX аср бошларигача ўзбек адабиёти билан ундан кейинги даврдаги адабиётлар ўртасида катта ўпирилишлар ва узилиш пайдо бўлди. Ҳолбуки, бу давр адабиётини, танқидчилигини барча мураккабликлари билан ёритиш, барча ижодкорларнинг бадиийлик мезонларига жавоб берадиган асарларини чоп этиш ўзбек мумтоз адабиётига туташтирувчи кўприкни тиклаш ҳисобланади. Бу борадаги хайрли ишларни Э.Каримов ва Б.Қосимов, каби адабиётшунослар бошлаб бердилар.

Бу даврга келиб, адабий танқид қай йўсинда ва қай шаклда ривож топди? Бу саволга миллий уйғониш даври адабиётида янги танқид уйғонгани бўлди деб жавоб бериш асослироқдир.

Ўзбек адабий танқидчилигининг пайдо бўлиши ва шаклланишида матбуотнинг роли. Танқиднинг муҳим хусусиятларидан бири унинг публицистика билан чамбарчас алоқасидир. Жорий адабий жараённинг ҳодисаларини ва бадиий ижоднинг айрим асарларини таҳлил этиб, унинг қимматли фазилатларини кенг оммага тушунтириб бериш асосида унинг эстетик дидини тарбиялашга мўлжалланган танқид ўз ўқувчисига матбуот - газета ва журналлар орқали мурожаат қила бошлади. XIX асрнинг биринчи ярмида В.Белинский: "Танқид аллақачон бизнинг публиканинг эҳтиёжи бўлиб қолди. Ҳеч бир журнал ёки газета танқид ва библиография бўлимисиз яшай олмайди",- деб ёзган эди.

X1X асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Туркистонда ўзбек миллий вақтли матбуоти туғилди ва тез суръатлар билан ривожлана борди. Вақтли матбуотнинг туғилиши рўзномачилик ишининг ривож топиши муносабати билан ўзбекларда ҳам дастлабки миллий журналистлар етишиб чиқа бошлади.

"Туркистон вилоятининг газети" (ТВГ) қзбек маданияти, саньати, адабиёти билан бирга танқидчиликнинг юзага келишида ҳам маьлум ўрин тутади. У 1883 йилдан бошлаб ўзбекча газета сифатида нашр этилган. Унда "Ўш шаҳри хусусидаги рисола" ҳақида босилган тақриз, айтиш мумкинки, шу жанрдаги дастлабки намуналардандир.

Газета исёнкор ўзбек шоири Бобораҳим Машраб ижодиётига оид мақола билан ўзбек адабиётшунослиги рукнини бошлади. 1907 йилдан эьтиборан унда М.Беҳбудийнинг мақола ва очеркларини нашр этиш бошланди.

Газета XIX асрнинг охирги чорагида ўзбек демократик шоирлари Фурқат ва Сатторхонни ,1903 йилда Муқимийни, 1905 йилда Нодим, Рожий, Ибрат, Беҳбудий, Ҳожи Муин, Васлий, Иброҳим Даврон кабиларни ўз атрофига

тўплаган бўлса, 1910 йилда бундай адиблар сафига М.Шермуҳаммедов, Сўфизода, Тавалло, А.Зоҳирий, Жулқунбой каби ижодкорлар келиб қўшилдилар. Улар танқидчилик билан ҳам шуғулландилар. Гарчи миссионерлик мақсади асосида иш кўрса-да, унинг муҳаррири Н.П.Остроумов маьрифатпарвар зиёли бўлгани сабабли ўзбек адабиёти намуналарини ва улар ҳақидаги мақолаларни чоп этишга катта-катта саҳифаларни ажратди. Чунончи, 1914 йилда "Падаркуш" драмасининг саҳналаштирилиши муносабати билан чоп этилган ўзбек театрига, саҳна асарларига бағишланган тақриз-мақолалар эьтиборга лойиқ. Бу жиҳатдан Ҳожи Муиннинг "Янги асар" номли мақоласи диққатни тортади. Унда "Падаркуш" фожеаси китоб ҳолида босмадан чиққанлиги айтилиб, асар мазмуни баён қилинади. Тақризда Беҳбудий асарлари ўзбек драматургиясининг қалдирғоч намунаси сифатида баҳоланар экан, унинг халқ маданий, маьрифий тафаккури ривожида катта тарбиявий аҳамият касб этиши алоҳида таькидланади.

М.Шермуҳаммедов мақоласида ҳам бу фожиа ҳақида ижобий фикрлар билдирилади. Танқидчи бу мақоласида халқни "Падаркуш" каби асарларни ўқишга чорлайди."ТВГ"нинг 1914 йилги 71-сонида Мирмуҳсин имзоси билан чоп этилган "Сабзазор рисоласи" номли мақоласи ҳам эьтиборлидир.Унда тўпламнинг мундарижаси, қатнашган шоирлар, уларнинг давр адабий жараёнида тутган ўрни ҳақида маьлумотлар берилади. Васлий ижодига бағишланган мақола ҳам Мирмуҳсиннинг адабий танқидчилик истеьдодидан дарак беради. Газетада босилган шундай мақолалар туфайли ўзбек танқидчилигига асос солина бошланди.

"ТВГ" 1910-1916 йиллардаги фаолияти давомида ўзбек адабиёти, маданияти, танқиди ривожига аҳамият берса-да, чор ҳукуматига содиқлигини ҳам унутмади. Унда Остроумов илтимоси билан "буюртма" тарзида ёзилган шеьрлар ва бошқа асарлар босилиб турганини эьтибордан қочирмаслик керак.

Бу даврга келиб, Туркистонда бир қатор ўзбекча газеталар нашр этила бошланди. "Тараққий","Хуршид", "Шуҳрат","Садои Туркистон" каби ўнлаб газеталарнинг пайдо бўлишида жадидчилик ҳаракатининг асосчиси И.Ғаспирали ва у ташкил этган "Таржумон" газетасининг таьсири беқиёсдир.

1913 йилда М.Беҳбудийнинг саьй-ҳаракати билан "Самарқанд" газетаси нашр этилди. Беҳбудийнинг ўзи йирик адиб, адабиётшунос олим бўлганлигидан газетасида бадиий асарларни кўпроқ нашр эттиришга эьтибор қилди. Газетада Фитратнинг "Сайёҳи Ҳинди" асарининг форс тилидан рус ва ўзбек тилларига таржима қилинганлиги, тез орада китоб ҳолида нашрдан чиқиши ҳақида эьлон-мақола берилганлиги характерлидир. Мақолада Фитратнинг бу асарини форс-тожик тилини яхши билган рус полковниги А.Кондратов ўз она тилига, ўзбек маьрифатпарвар шоири, драматург Ҳожи Муин Шукрулло ўзбек тилига таржима этганлари маьлум қилинади.

"Садои Туркистон" ҳам 1914-1917 йилларда ўз йўналиши ва мавқеи жиҳатидан ажралиб турган рўзномалардан бўлди. Унинг атрофига ўша даврнинг илғор фикрли зиёлилари Ҳамза, А.Қодирий, Чўлпон, С.Айний, Мирмуҳсин каби ижодкордар тўпланган эдилар. Чиндан ҳам "Садои Туркистон" ўзбек миллий адабиётининг қандай йўналишда бўлиши кераклигини аниқ тасаввур қилди"9. Унинг саҳифаларида Абдурауф Фитрат, Чўлпон, С.Айний ва Ҳамзаларнинг асарлари тез-тез кўриниб турди.

Вақтли матбуот ўзбек миллий адабиётининг тараққиёти билан бирга ўзбек танқидчилиги ривожи учун ҳам ўзига хос минбарга айлана борди. Нашр этилган бадиий ва таржима асарларга вақтли матбуот ўз саҳифаларида тақризлар бера бошлади; бу тақризлар адабий танқидчиликнинг ривожига йўл очди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: ҳозирги адабий танқиднинг энг оммавий, энг кўп тарқалган жанрларидан бири тақризнинг туғилиши, ривожланиши ҳам уйғониш даври билан боғлиқ. Газетада тақризларнинг алоҳида "Танқид" рукни остида чоп этила бошлангани ҳам фикримизни исботлай олади.

Вақтли матбуот ўз саҳифаларида адабий танқид, унинг аҳамияти, ёзилажак асарларга ижобий таьсири, умуман, адабиётнинг тараққиётидаги роли ҳақида қимматли илмий мақолалар чоп эта борди. Чунончи, "Садои Туркистон" танқид истилоҳи ва унинг адабиёт соҳасига илк бор кириб келаётганлиги ҳақида босилган Ахилло мақоласида берилган шарҳни эслатиш мумкин. Бу ҳақда киришда тўхталган эдик. Мақола муаллифи Ахилло бу даврга келганда "танқид" истилоҳининг бутунлай янги маьно касб этганлигини айтиш билан бирга адабиётнинг келгуси тараққиёти бевосита вақтли матбуот ва адабий танқидга боғлиқлигини қайта-қайта таькидлаган эди.

Хулоса қилиб айтганда: 1905-1920 йиллардаги ўзбек вақтли матбуоти адабий танқиднинг юзага келишини таьминлашда ва шаклланишига ва кейинги ривожида муҳим роль ўйнади.

Ўзбек адабий танқидчилигининг илк қадамлари. "Бутун жамиятимиз тарихи каби, адабиётимиз тарихи каби танқидчилигимиз тарихи ҳам бағоят мураккаб бўлган, унинг ҳар лаҳзаси ижодий фикр билан догматизм, ҳақиқат билан ёлғон, виждонийлик билан муросасозлик ўртасидаги курашга тўла",-деб ёзади О.Шарафиддинов юқорида эслатганимиз мақоласида. Бинобарин, яратилажак танқид тарихи ана шу курашни, ривожлантириш йўлларидаги кескинликни сира юмшатмай, бўямай рўй-рост кўрсатиб бермоғи даркор. Шу мантиққа суянган ҳолда аср бошидаги адабий танқидни холис, обьектив йўл билан таҳлил этишга киришиш бошланди. Бу силсилада Ҳ.Болтабоевнинг Фитратнинг адабий-танқидий қарашларига бағишланган қатор мақолалари ва Фитрат илмий мероси тадқиқ этилган докторлик иши, Ш.Ёқубовнинг "Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти", У.Султоновнинг "Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашлари", Б.Каримовнинг "Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни", Ҳ.Умрзоқовнинг "Ҳози Юнуснинг ижодий йўли", У.Жўрақуловнинг

"Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати", Р. Тожибоевнинг "Ўзбек адабий танқиди тарихидан "деб номланган номзодлик диссертацияларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Адабий танқид XX аср бошларида анча ижодий ютуқларга эришган эса-да, маьлум нуқсонларга ҳам йўл қўйди. Шулар ҳақида фикр юритишдан олдин аср бошларида пайдо бўлган ҳар хил ташкилотлар ва уларнинг адабиёт ҳамда адабий танқидга муносабатини кўрсатиб ўтиш лозим. Зеро, "20-йиллардаги умумий адабий ҳаёт учун муштарак хусусиятлардан яна бири ҳар хил адабий ташкилотларнинг мавжудлиги ва бир-бирига ўхшамаслиги эди "10. Бунинг натижасида адабиёт намояндаларини пролетар ва деҳқон ёзувчиси, инқилобий ёзувчи ва "попутчик" (йўловчи) каби тоифаларга ажратиш одат бўлган эди. Ўша даврлардаги адабий танқидий мақолаларда Ҳайратий, У.Исмоилов, Ғ.Ғулом пролетариат ёзувчилари деб, Ҳ.Олимжон, Ойдин, Ш.Сулаймон, С.Абдулла инқилобий ёзувчилар деб, Элбек ва Ойбек "попутчиклар" деб баҳоланганнини кўриш мумкин. Бу даврда адабий танқид босиб ўтган йўлида:1) адабий танқидий шакллар (жанрлар) соҳасида; 2) мумтоз меросга муносабат; 3) янги инсонни яратишга муносабат каби уч соҳада изланганини кузатиш мумкин.

Адабий танқиднинг шаклланиш йўлларини кузатар эканмиз, танқид ўзининг илк қадамларини, асосан, тақриздан бошлаганини таькидлаш жоиз. Адабий тақризлар аввал театр спектаклларига нисбатан кўпроқ ёзилган бўлса, кейинчалик бадиий асарлар ёки алоҳида тўпламларга нисбатан ҳам ёзила бошланди. Бунга "За-най" имзоли муаллифнинг "Халил фаранг","Чўл боласи" тахаллусли муаллифнинг "Ер юлдузлари", С.Айнийнинг қиссалари, А.Қодирийнинг романларига ёзилган тақризлар мисол бўла олади.

Айни чоғда ўтмишдаги ижодкорлар ва замондошлар ҳаёти, адабий фаолиятига бағишланган мақолалар юзага кела бошлади. Тўғрулнинг "Эски шоирларимиздан Муқимий", Л.Олимийнинг "Унутилган шоир" (Сўфизода ҳақидаги) каби адабий портрет характеридаги, Фитратнинг "Муқаддиматул-адаб", Чўлпоннинг "Тагор ва тагоршунослик","500 йил" мақолаларида мумтоз бадиий хазинамизнинг қимматини йўқотмаганини ва янги авлодга хизмат қила оладиган томонлари очиб берилади.

Бу мақолалар ҳар бири ўзига хос фазилатларга эга. Аммо "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" тадқиқотининг 1-томида уларга нотўғри баҳо берилади, уларда ҳодисаларни синфийлик нуқтаи назаридан баҳолаш етишмайди деган асоссиз айб қўйилади. Ҳолбуки, айнан шу хусусияти уларнинг нуқсони эмас, балки фазилати бўлганлигини мустақиллик мафкураси яққол кўрсатиб қўйди.

Ёзувчи ва танқидчиларнинг кўпчилиги ўзбек адабиётининг долзарб масалалари билан шуғулландилар. Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон,А.Саьдий, Элбек, ёшлардан эса Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, Миртемир, Боту, Ш.Сулаймон, отти Ҳусайн, А.Қаҳҳор, Олтой, О.Ҳошим, Юнус Латифлар танқидий, илмий-маьрифий ишлари билан матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб турдилар. Улар ўзбек адабиётининг шаклланишига доир энг муҳим муаммолар устида баҳс юритганлар.

Шу тариқа, адабий танқид ўз тадрижий шаклланишида тубандаги йўлни босиб ўтди:

1. XX аср бошларидаги ўзбек матбуотида "танқид" рукни остида, асосан, турли ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва диний мавзудаги баьзи адабий, илмий мақолалар, фельетон, очерк, ҳикоялар, ҳар хил мунозаралар, публицистик мақолалар шаклида кўриниб турди, жанрий хилма-хиллик асосида шаклланди, бироқ уларда ҳали қоришиқлик устивор эди.

2. Йигирманчи йилларга келиб, матбуотда "Танқид ва адабий мубоҳасалар", "Фанний текширишлар", "Матбуот ва адабиёт","Санои нафиса оламида" каби янги руклар очилди, уларда адабиёт-бадиий тўпламлар, саҳна асарлари, дарсликлар, нашриёт ишларига оид тақризлар эьлон қилинди. Адабий жараёнга доир бу хилдаги оригинал мақолалар, тақризлар қаторида қардош халқлар адабиёти, уларнинг саньаткорлари ҳақида ҳам мақолалар ёритиб борилди.

Шарқ ва Ғарб саньати, гўзаллик ҳақидаги қарашлар хусусида, шунингдек, В.Белинский, Н.Чернишевский,В.Плеханов ва А.Луначарскийнинг эстетик қарашларига бағишланган мақолалар берила бошланди, адабиёт ва саньатни партия итоатига ўтказиш ҳақидаги кўрсатмаларни кенгроқ ёйиш йўлга қўйиш ҳаракати бошланди.

Ўзбек адабий танқидининг шаклланишида озарбайжон публицисти Н.Наримонов ва татар адиби О.Иброҳимовларнинг илмий-назарий мақолаларининг таьсири ҳам сезиларли бўлди. Ўша даврда ўзбек матбуотида улар ёзган материалларнинг босилиши ўша даврда ижобий ҳодиса эди. Айни замонда турли адабий тур ва жанрлардаги асарларни баҳолаш зарурати адабий-танқидий фикрнинг жонланишига сезиларли таьсир кўрсатди.

Ўзбекистонда яшаган Б.Пестовский, А.Аршируний, М.Шевердин каби рус ёзувчи ва танқидчиларининг ўзбек адабиёти ва театр саньатига бағишланган чиқишлари ҳам адабий танқиднинг фаоллашиб бораётганидан дарак бериб туради.

Натижада XX аср бошларида адабий танқиднинг вужудга келиши жараёнида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки тамойил кўзга ташланиб қолди:

1. Холисона илмий изланишлар йўлидан бориш. Бу силсилада Фитрат, Чўлпон, А.Саьдий, С.Айний, В.Маҳмуд, Л.Олимий, О.Шарафиддинов, О.Ҳошим каби танқидчи ва адабиёшунослар ва улар қаторида эндигина танқидчилик фаолиятини бошлаган Ҳ.Ёқубов, Ойбек, Ш.Сулаймонларнинг изланишлари киради.

2. Вульгар социологизм асосидаги изланишлар йўли: Бу гуруҳга мансуб адабиётшунослар маданий меросга нигилистик муносабатда бўлиб, адабий фактларни талқин қилишда схематизмга йўл қўйдилар. Масалан, талантли танқидчи С.Ҳусайн ўзбек адабиётининг ёш ходимларини тарбиялашда, истеьдодларни адабиётга олиб киришда яхши ташаббус кўрсатди. Аммо А.Қодирий ижодини вульгар социологизм нуқтаи назаридан туриб, схематик тарзда таҳлил қилди. Бундай нуқсонлар Миёнбузрук Солиҳов,

Зиё Саид, Умаржон Исмоилов, Юнус Латиф, Ж.Бойбўлатов каби танқидчилар ижодида кўп учрар эди.

"Танқид нима?" деган саволга биринчилардан бўлиб Ахилло, Элбек, Вадуд Маҳмуд, Неьмат Ҳаким, Абдураҳмон Саьдий кабилар ўз мақолаларида жавоб излай бошладилар.

Ўз даврининг зиёли кишиларидан бири, шоир, носир, педагог Элбек танқидчилик соҳасида самарали ишлар қилди. Унинг танқид ҳақидаги фикрлари В.Белинский қарашларига яқинлиги билан ажралиб туради. У танқид деганда ҳар қандай соҳада ишловчи кишиларнинг ўз касби бўйича яратилган асарларининг ютуқ ва камчиликларини шахсий ғараз ёки мақтовларсиз, холисона айтиб, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишни назарда тутади. "Танқид демак, бир ишда ё бир нарсада бўлатурғон камчиликларни шул ишнинг ишловчиларига кўрсатиб, тузатдирув ва тўлдирув учун қайтиладурғон сўз демакдур".

Неьмат Ҳаким эса танқиднинг фанний (илмий) танқид, сатирик танқид, адабий-бадиий танқид каби турлари ҳақида гапираркан, илк бор унинг ички таснифини амалга оширади ва ҳар бирига хос фарқли хусусиятларини тушунтиради, шу тариқа адабий танқид хусусидаги тушунчаларни кенгайтиришга ҳаракат қилади. У танқидчилар орасида А.Саьдий фаолиятини маьқуллайди. Ҳақиқатдан ҳам А.Саьдий жиддий масалалар ҳақида биринчилардан бўлиб фикр юритарди, бинобарин, унинг танқид ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор.

XX аср бошидаги адабий танқидчиликда:

- танқидчининг ёзувчи ижоди ҳақидаги кузатишлари;
- ёзувчининг бадиий асарларга баҳоси ёки ёзувчи танқиди;
-танқидчининг танқидчилар мақолаларига муносабати сингари уч йўналиш кўзга ташланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, учала йўналишда яратилган танқидий ишлар орасида илмий, обьектив мулоҳазаларга эга ишлар қаторида фактларни бузиб кўрсатадиган субьектив намуналари ҳам учрайдики, бундай қарашлар адабиётнинг, адабий танқиднинг тўғри ривожланишига салбий таьсир кўрсатар эди.

Адабий танқиднинг жонланишида танқидчининг ёзувчи ижоди ҳақидаги холисона фикрлари муҳим роль ўйнади. Жумладан, Ҳамза ва А.Қодирий ижоди ҳақидаги дастлабки илмий мақолалар шундай қимматга эга.

А.Саьдий Ҳамза ижоди ҳақида фикр юритар экан, унга шўро даври ва унинг мафкураси нуқтаи назаридан баҳо берса-да, жумладан, унинг қуйидаги сўзлари Ҳамзанинг адабиётда тутган ўрнини тўғри белгилагани билан бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас: "Хусусан асарларининг кўпи ўзбекларнинг замондаги ўз турмушларидан, шу вақтдаги турли ижтимоий ҳаёт воқеаларидан олиниб ёзилган бўлмоқлари айрим диққатни жалб этиб туради. Ўзида юрак шоири бўлиш, музикачилик ва турли куйлар ихтиро этиш, драматурглик ҳам артистлик йиғилган бир шахсни ҳам биз ҳали ёлғиз Ҳакимзода ўртоқда кўрамиз" 11.

XX аср  бошларидаги адабий танқид Ҳамза ижодини ўрганишда икки йўлдан борди:

1. Ҳамза ижодига обьектив,  саньат мезонлари асосида баҳо бериш йўли;

2. Шўро мафкураси тақозосига кўра Ҳамза ижодини сохталаштириш ёки уни моҳиятан шўро мафкураси талабларига мувофиқлаштирган ҳолда талқин қилиш йўли.  Шу қарашдаги мунаққидлар унга "шўро ижодкори" деган сиёсий ёрлиқни "шараф"га айлантирдилар.

Биринчи йўналишда изланган "Боҳбон" тахаллуси мунаққиднинг "Иффат қурбони", "Юлҳинбой" каби тақризлари эьтиборли.  Муаллиф уларда "Бой ила хизматчи" "Санойи нафиса" нуқтаи назаридан талабга жавоб бермаслигини эьтироф этиб, актёрлар ўйинидаги заиф томонларни тўғри кўрсатади.

Ёзувчи ва танқидчи Мирмулла Шермуҳаммедов Ҳамза асарларини одилона ва холис, ўзи айтганидек, "бетарафона" таҳлил этади. У  Ҳамзанинг "Қаҳрамон Ўғуз" спектаклига бағишланган тақризида пьесанинг ютуқ ва камчиликларини тўғри кўрсатиб ўтади.

Шу тариқа  матбуотда  "Қизил  қалам"  мажмуасида  Ҳамзага бағишлаб ёзилган мақолалар, шоир асарларига берилган тақризлар маьлум маьнода ҳамзашуносликнинг ўзига хос ўзанга айлана  бошланганини таьминлайди. Аммо ҳамзашунослик шоир ижодини шўро тузуми манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолашни ҳам  унутмади.  XX асрнинг  20-йиллари  охирларида бошланган бу қусурли бирёқлама жараён 80-йилларгача адабий танқидчиликда давом этди.  Шу узоқ муддат давомида ҳамзашунослик мураккаб йўлни босиб ўтди. Ҳамза шахсиятини "қип-қизил" пролетар шоири,  компартия  мафкурасига содиқ, диний эьтиқоддан қайтган ижодкор тарзида кўрсатиш асосида уни "ўзбек совет адабиётининг асосчиси, яловбардори"га айлантирдилар. Адабиётшунос  Қозоқбой Йўлдошов тўғри таькидлаганидек: Ҳамза бир умр давридан олдин юрган. Шу боис бир умр фожеавий  ҳаёт  кечирган.  Бир  умр ўз халқини ўтли муҳаббат билан суйган, бироқ ўша халқ заковатли ўғлони қалбини на тириклигида, на ҳаётдан кетгач, тўлиқ тушунолмаган...

Ҳамза ижоди атайлаб кўтар-кўтар қилинди. У ўзига даврдош, кайфиятдош бўлган  ижодкорларга  қарши  қўйилди" 11. Бинобарин, Ҳамза ижодини қандай бқлса,  шундайлигича,  обьектив баҳолаш зарурати истиқлол туфайли жиддий заруратга айланди.

Ўтган асрнинг  20-йилларидан эьтиборан адабиёт  ва адабий танқиднинг кескин синфий  кураш шароитида ривожланиши - уларнинг муҳим хусусиятидир. Бунга Чўлпон асарларининг адабий  танқидда жиддий мунозараларга сабаб бўлганини мисол қилиб кўрсатиш кифоя.

1922 йилда Чўлпоннинг "Уйғониш" тўплами нашр этилди.  Шу муносабат билан  "Туркистон" (1923) рўзномасида танқидчи Зариф Баширнинг тақризини эьлон  қилинди.  Тақризда  у  "Чўлпон ўртоқ  хаёлга жуда бой бўлгани ҳолда ...  унинг хаёли табиатда ва кишилик дунёсида бор ва бор бўлиши мумкин бўлган  доиралардагина  учадир",-  дея таьрифларкан,

Чўлпонни халқ шоири эмас, бироқ халққа яқин бўлган зиёлилар" шоири деб атайди.

В.Маҳмуд эса шоирнинг "Булоқлар" тўпламига бағишланган тақризида Чўлпон шеьрларининг моҳиятини тўғри талқин этади. Фақатгина Айн (О.Шарафиддинов) "Ўзбек шоирлари. Чўлпон" мақоласида кўпроқ ҳоявий мазмунга эьтибор беради ва шоирга "миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлилар шоиридир" деб айб қўяди.

Ойбек "Чқлпон. Шоирни қандай текшириш керак" мақоласида
Айн билан мунозарага киришар экан, Чўлпонни Пушкинга қиёслаб таҳлил қилса-да, танқидчининг Чўлпон ижодининг ғоявий нуқсонлари ҳақидаги фикрларига қўшилади, барибир Чўлпон ижодига соф саньат мезонлари нуқтаи назаридан баҳо беришга интилади. Рост, 20 яшар Ойбек ҳам, З.Башир ҳам ҳали танқидчилик асосларини чуқур эгаллаб олмаган эдилар, шу сабабли профессионал қобилиятларини тўла намоён қилишга қодир эмас эдилар, бинобарин, ўз фикрларини аниқ асарлар таҳлили орқали исботламай қўйгандилар. Шунинг учун улар Чўлпон ижодининг чинакам ҳимоячисига айлана олмадилар. Бундай чигал ва мураккаб муҳитда ғалаба қозониш ҳам мушкул эди.

Айн ва Ойбек изидан бориб, "Мунаққиднинг мунаққиди" мақоласини ёзган Усмонхон (Эшонхўжаев) Ойбекни бирёқламаликда айблади, уни адабиётга буржуача қарайдиганлар сафига қўшди. Ойбек яна Усмонхўжага жавоб ёзиб, баъзи хатоларини тан олди, баъзида ўз фикрида собит турди. XX аср бошларидаги адабий танқиднинг Чўлпон ижодига муносабати икки йўналишда давом этганлигини эътироф этишга тўғри келади.

Биринчи йўналишга шоир ижодига объектив, тўғри баҳо берилган А.Қодирий, А.Саьдий, В.Маҳмуд, А.Алавия, қисман З.Башир ва Ойбекларнинг тақриз ва мақолаларини мансуб дейиш мумкин.

Иккинчи йўналишга Айн, Усмонхон, Миёнбузрук Солиҳов, 30-йиллардан бошлаб эса А.Саьдий ва Туйғунлар ёзган тақриз вамақолалар мансуб бқлиб, улар Чқлпон ижодига соф "марксча-ленинча" эстетика нуқтаи назаридан баҳо бериш асносида шоир қисматининг фожеага гирифтор этилишини тезлаштиришга сабаб бўлишди. (Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Шарафиддинов О.Чўлпонни англаш. Тошкент. "Чўлпон", 1994).

Ўзбек адабиёти ва танқидчилигининг туғилиши ҳамда шаклланиши жараёнида, аниқроғи, XX асрнинг 20-30-йилларида истеъдодларга шундай ёндашиш қарор топа бошлаган эди. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Акмал Икромовнинг давр мафкурасига асосланиб, Чўлпон ижодига нотўғри ёндашуви бу жараённи янада кескинлаштирди. Бундай бирёқлама қарашлар А.Қодирий, А.Чўлпон, А.Фитрат сингари адибларнинг ноҳақ қамалиб, фожеали қатл этилишларига олиб келди.

Бадиий ижодда ғоявийлик билан бадиийлик бир-бирига шу даражада бирлашиб, қоришиб кетгандагина чинакам санъат асари пайдо бўлади. Уларнинг бирини иккинчисидан юқори қўйиш, бадиий ижод моҳиятини ижтимоий борлиқ тараққиёти қонуниятларидан келиб чиқиб тушунтириш,

талқин этиш вульгар социологизмга олиб келади, адабий-бадиий, илмий-эстетик тафаккур равнақига путур етказади.

XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмига келиб қатор ёш шоирларнинг китоблари нашр этилди, жумладан, 1925 йил Олтойнинг "Ер юлдузлари" тўплами босиб чиқди-ю, унга адабий танқид дарҳол ўз муносабатини билдиришга шошилди.

Олтой "Нафис адабиётда соғлом мафкура ва соғлом танқид керак" (1928), Сотти Ҳусайн "Ўзбек адабиётининг ҳозирги муҳим масалалари" мақолаларини пролетар адабиёти муаммоларига бағишлашди. 1929 йили нашр этилган "Кўрмана" тўпламига ёзган сўз бошисида С.Ҳусайн ундан ўрин олган йигирмага яқин ижодкорларнинг ҳаммасини пролетар ёзувчилари тарзида баҳолаб, субъективликка йўл қўяди. Шу тариқа адабий танқидни мафкуралаштириш жараёни тезлаша боради.

Ўзбек адабий танқидчилигининг янги инсон образини яратишга муносабати. Яқин ўтмишда демократик йўналишдаги адабиётдан фарқли ўлароқ XX асрнинг 20-йилларидаги адабиётда янги қаҳрамон - янги одам образини яратиш биринчи ўринга чиқди. Чунки шўровий "инқилоб" ҳаётга янги мазмун ва янги ғоя берган бўлса-да, ўша даврда яратилаётган асарларда инсоннинг ташқи қиёфаси, жанговар ҳаракати, чарм куртка кийиб, тўппонча тақиб юриши дуруст кўрсатилгани ҳолда руҳий ҳолати, шахсий орзу-истакларига эьтибор қилинмади.

С.Айнийнинг "Дохунда" ва "Қуллар" романлари, Ҳамза шеьрлари, инқилобчилар образини яратган саҳна асарлари, А.Қаххор, Ҳайратий, Ҳ.Олимжон, Ҳ. Шамс, Ойбек, П.Турсун ва бошқа ижодкорларнинг шеьр, ҳикоя ва повестларида яратилган "Октябрь фарзандлари"га адабий танқид давр нуқтаи назаридан баҳо берди.

Шокир Сулаймон, Элбек, Ҳайратий, Боту, П.Турсун кабиларнинг илк ҳикоя ва қиссаларидаги образлар 20-йиллар руҳини ифодаловчи образлар эди. Бу образларда бадиий тўқимадан кўра тарихий ҳужжатлар руҳи салмоқлироқ из қолдирган кўринади.

Шеьрият, наср ва драматургияда аксини топган янги инсон образини таҳлил қилишга адабий танқид сустроқ киришди. Бу масалада ҳам тақриз олдинда борди. Тақризчилар М.Шермуҳаммедов, Айний, Ҳайратий, Элбек, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Зиё Саид сингари ижодкорлар ва О. Шарафиддинов, О. Ҳошим, С. Ҳусайн, А.Саьдий, Анқабой каби танқидчи, адабиётшунослар эдилар. Булар орасида исми шарифи аниқланмаган, фақат шартли тахаллуслари маьлум муаллифлар ҳам бор эди. Мисол: "Мудбир" тахаллусли танқидчи Ҳамзанинг "Истибдод қурбонлари" драмаси ҳақида фикр юритди, ундаги янги образларни ўша даврга мос ҳолда таҳлил қилди.

Адабий танқид бадиий адабиётда замондош образини қандай яратаётганлигига, хусусан, уларнинг нуқсонига алоҳида эьтибор бера бошлади. 20-йилларнинг биринчи ярмида "инқилоб" мавзуидаги асарлар яхши кутиб олинган бўлса, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан эьтиборан образлар тўлақонлиги, ёзувчилар ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини,

руҳиятини тасвирлаётирми деган саволлар қўйила бошланди. Юқорида тилга олиб ўтилган "Кўрмана" тўпламига кирган шеър ва ҳикояларга ёзган тақризида С.Ҳусайн "руҳий-фикрий ўзгаришларни ҳам тасвирлашни, саньаткорлик - сўз усталиги ҳам кераклигини" уқтирадики, масаланинг бу жиҳатлари бугунги кун учун маьлум қимматга эга.

Адабий танқид ёзувчилардан ишчи ва деҳқонларни тасвирлаганда "даврнинг ижтимоий типи"нинг ҳар бирига хос индивидуал табиати, руҳияти, тили худди жонли кишиларникидек сезилиб туришини талаб қила бошлади. Чунончи, Айн Уйғуннинг "Баҳор севинчлари" тўпламига бағишланган мақоласида унинг умидли, инқилобчи шоирлигини тасдиқлаб, айрим нуқсонларини кўрсатишни ҳам унутмайди. Бу хилдаги мақолалар сирасига Ҳ.Олимжоннинг "Замон ва Шокир Сулаймон", Кашшоф Треҳуловнинг "Нафис адабиёт жабҳамизни соҳломлаштириш йқлида" кабиларни киритиш мумкин .

Уйҳун эса "Қз хатоларимиз устида қрганамиз" мақоласида қз ижодига танқидий ққз югуртиради ва маьлум хулосаларга келганини баён этади. Бундай далиллар адабий танқиднинг сифат устида ҳам, асарнинг бадиий юксаклиги устида ҳам жиддий излана бошлаганини ққрсатади. Шундай интилишлар туфайли 20-йилларнинг охирларига келиб, хусусан ва 30-йилларнинг бошларида адабиётда ҳаётга яқин бқлиш истаги авж олди. Бирин-кетинлик билан "Дилбар-давр қизи", "Бахтлар водийси","Темирчи Жқра", "Ққкан", "Жонтемир" каби замонавий асарлар яратила бошланди. Бироқ бу даврда уларга қарши танқидий мақолалар эмас, балки жавобия характеридаги асарлар ёзиш аньанаси юзага келди: Чқлпоннинг "Бузилган қлкага" шеьрига Ҳайратий "Тузалган қлкага" шеьри билан жавоб қайтарди. Бироқ адабий танқид бундай асарларни четлаб қта бошлади. Фақат миллий истиқлол ҳалабасидан сқнг бундай ҳодисаларга холисона баҳо берилди.

Қзбек адабий танқидчилигида жанрий изланишлар. XX аср бошларида адабиёт янги жанрий изланишлар даврига кирди. Мавжуд турли-туман ташкилотлар бир-бирига қхшамаган услуб ва эстетик дастурларга эга эди. Партиянинг, совет давлатининг адабиётга буйруқ бериши ҳали урфга кирмаган эди. Поэтик ижод ҳали устивор аньаналигича давом этарди, шоирлар аньанавий аруздан кенгроқ фойдаланишар, бироқ "инқилобий" руҳни бериш янги вазн, янги шакллар излашни эҳтиёжга айлантираётгани тобора чуқурроқ сезилмоқда эди. Ана шу эҳтиёж халқ ижодига хос бармоқ ва сарбаст вазнларида жанговор шижоаткорликка даьват этувчи асарлар (маршлар, ққшиқлар, ашулалар) яратишга ундай бошлаган омилга айланди. Бунда Нозим Ҳикмат ва В.Маяковский қрнаги ва ижодий таьсири муҳим роль қйнай бошлади. Адабий жараёндаги бундай изланишлар адабий танқид эьтиборидан четда қолмади. Арабнежад (А.Алавия) "Бизда шакл масаласи ва Нозим Ҳикмат" мақоласида худди шу масалаларга тқхталади: "Аруз ва ҳижо вазни" оҳиста оқар вазнлар бқлиб, янги ҳаётдаги суръат ва ҳаракатни бера олишга қодир эмасдур",-деб ёзаркан, сарбаст шеьрларнинг афзаллигини

таькидлайди. Ҳомил Ёқубов эса "Ойбек ва унинг шеьрлари" мақоласида шоирнинг ижодий қсаётганлигини таҳлил қиларкан, унинг эьтиборини янги шаклларга қаратади.

Миртемир эркин шеьрни "нозимона шеҳр" деб атайди. Эркин шеҳр анча мураккаб санҳат бқлиб, уни қзлаштириш осон кечмади.

Аслида қзбек шеьриятини янги оҳанг ва вазнга ккчириш ҳаракати Фитрат ва Чқлпон ижодида XX асрнинг 10-йилларидаёқ бошланган бқлиб, 30-йиллардаги адабиётнинг мафкуравийлаштирила бориши шароитида янгича моҳият касб эта борди. Шу зайлда сарбаст Ҳ.Ҳуломнинг "Динамо" (1931), Ҳ.Олимжоннинг "Ккклам"(1929), Шокир Сулаймоннинг "Эрк куйлари" (1927), Миртемирнинг "Ашулалар ққйнида"(1928) каби илк шеьрий ткпламларида қзбек шеҳриятида инқилоб ва шкро тузумини алқовчи мазмунга суҳорилган ҳолда намоён бқла борди. Адабий танқид бу жараёнга мадад берди, Миртемир сочма шеҳрлар ёзишга жазм этди. Ҳатто "Сочма шоирнинг туйҳу ва фикрлари тқлқинланиб, тошиб кетган вақтда ёзилади",-дея унга муҳаббатини изҳор этган эди. Қолаверса, қша даврда сочмани минбар адабиёти деб атаганлар. Лекин сочмадаги ҳамма шеьрлар ҳам юксак ҳоявий-бадиий савияда бқлавермагани ёш танқидчи Юнус Латиф томонидан илҳанган эди.

Бу даврда адабий танқиднинг насрга муносабати қандай кечди? Адабий танқид наср ривожига ҳам сезиларли таьсир ккрсатди. XX аср бошларида А.Қодирий, А.Фитрат, С.Айний, 20-30-йилларда эса Ҳ.Шамс, Зариф Башир, Зиё Саид, Ҳ.Ҳулом, Ш.Сулаймон, Ҳайратий, Ҳ.Олимжон, Собир Абдулла, Чқлпонлар ҳикоя ёза бошлаган эдилар.

А.Саьдий ҳикоячиликда А.Қодирий ижоди сермаҳсуллигини таькидлайди. У таҳлил жараёнида у ёки бу жанр табиатига тқхталишга, жумладан, ҳикоянинг хусусиятлари ҳақида назарий мулоҳазалар билдиришга ҳам интилади.

Абдурауф Фитрат эса "Адабиёт қоидалари" назарий асарини шу масалаларга баҳишласа, О. Шарафиддинов(Айн),Сотти Ҳусайнлар крни-крни билан қз мақолаларида ҳикоя, повест жанрларига хос хусусиятларга оид қимматли фикрларни айтиб қтадилар.

Қзбек адабиётида роман жанрининг пайдо бқлиши А.Қодирий, Ҳамза, М.Шермуҳаммедов номлари билан боҳлиқ. Роман назариясига оид илк назарий мулоҳазалар эса А.Саьдийнинг "Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари" ва Фитратнинг "Адабиёт қоидалари" асарларида учрайди. Айниқса, С.Ҳусайн "Қтган кунлар"ни таҳлил қилиш жараёнида жанр сифатида романнинг бошқа адабий жанрлардан фарқини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Миёнбузрук Солиҳов эса қзбек адабиётида романчилик тажрибаси йққлигини таькидлаб, "Қтган кунлар"ни оригинал асар деб ҳисоблайди. Аслида эса чиндан ҳам "Қтган кунлар" қзбек адабиётида, Европада тушунилганидек, ҳақиқий реалистик роман бунёдга келганининг далили эди. Адабий танқидда шу ҳақиқатнинг тасдиқ топиши унинг эстетик жиҳатдан анча балоҳатга етганини ккрсатди.

Драматургиянинг туҳилиши ва ривожи масаласи ҳам адабий танқиднинг эҳтиборидан четда қолмади. Драматургия ривожининг илк босқичида "оҳзаки танқид" (жонли танқидий амалиёт) асосий роль қйнади ва у ккпинча ташкилий шаклларда, айтайлик, у ёки бу асарни ққиб муҳокама этиш ва репертуарни комиссиялар орқали қабул қилиш тарзида рқёбга чиқди. Шу тариқа театр танқидчилиги шакллана борди. Аммо эҳлон қилинган мақола ва тақризларнинг ккпчилиги театр саньати масалаларига ва актёрлар маҳорати таҳлилига баҳишланган бқлиб, улар орасида спектаклнинг ҳоявий-бадиий қимматини, замонавий ҳаёт билан алоқаси ва тарбиявий аҳамиятини чуқур очиб берадиганлари ҳали етарли эмас эди. Жумладан, "Ч.Қҳли" имзоли танқидчи "Театр асарлари жанрнинг жон томиридир. Яхши ва нафис театр адабиётига эга бқлмасак, театрдан сира фойдалана олмаймиз",-деб ёзса, бошқа бир мақолада оперетта, балет саньати тқҳрисида ҳам айрим мулоҳазалар билдирилган эди.

Театр танқидчилиги қзбек театрининг юксалишида катта роль қйнади. 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошларида К.Яшин, Н.Сафаров, Зиё Саид, Собир Абдулла, У.Исмоилов, З.Фатхуллин каби ёш драматурглар бадиий ижод соҳасида ккриниб қолдилар. Адабий танқид қз вақтида уларнинг пайдо бқлишини табриклаш билан бирга мавжуд нуқсонларини ккрсатишга ҳам ҳаракат қилди ва ижодий юксалишларига жиддий таҳсир ккрсатди.

Қзбек адабий танқидчилигининг мумтоз меросга муносабати. Адабий танқиднинг адабий мерос муаммосига муносабатида ҳам икки асосий йқналиш мавжуд эди:1) вульгар соқиологик руҳдаги қарашлар йқналиши бқлиб, бу ҳолат Ж.Бойбулатов, Олтой,З.Башир, З. Саид, Ю. Латиф сингари адабиётчилар чиқишларида ккп учрайди; 2) маьрифий-илмий йқналиш - бундай тамойилга эга профессионал танқидчи ва адабиётшунослар, шунингдек, танқид билан шуҳулланувчи ёзувчилар орасида Фитрат, А.Саьдий, А.Мажидий, Айн, С.Айний, Л.Олимий, О.Ҳошим, Боту каби ижодкорлар бор эди.

XX асрнинг йигирманчи йилларининг биринчи ярмигача маданий меросни қрганишга, уни обьектив баҳолашга майл кучли эди.Бунга 1919 йили "Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри" рисоласининг нашр этилиши ёрқин мисол бқла олади.

А.Фитрат қзининг "Тилимиз" мақоласида қзбек тили тарихидан сқз очиб, Навоийнинг "Муҳокаматул-луҳатайн" асари ва ундаги туркий сқзларнинг бой ва ранг-баранглиги ҳақида гапирди.

"Бедил" рисоласида эса, салафларимиз ижодига янгича нуқтаи назардан илмий ёндашувда илк қадамларни ққйди. Муаллиф шоир меросини монографик тадқиқот йқли билан эмас, балки бухоролик ошналарнинг бедилхонлик суҳбати йқли билан ташвиқ қилишга киришади.

Фитрат "Муқаддиматул адаб" мақоласида қрта асрнинг машҳур филологи Замахшарий ижодини қрганиш, у ҳақдаги манбалар ҳақида фикр юритади. "ХУI асрдан сқнг қзбек адабиётига умумий бир қараш" мақоласида ҳали илмий жамоатчиликка номаьлумлигича қолиб келаётган далилларни

истеьмолга киритади ва диққатга лойиқ мулоҳазаларни баён қилади. Унинг "Шайбонийнома","Умар Хайём" каби мақолалари ҳам адабий меросни ташвиқ қилишга қаратилган илк тадқиқотлардан эди.

А.Саьдий ҳам кқпчиликни маданий меросдан хабардор қилишга алоҳида эьтибор берди. Унинг "Яссавий ким эди?", "Абу Наср ибн Муҳаммад Тархон Фаробий" каби тадқиқотлари қз даврида муҳим маьрифий аҳамиятга эга бқлди.

Тқхтамурод Аҳламов (Тқҳрул)нинг "Эски шоирларимиздан Муқимий" мақоласи ҳам моҳиятан шундай характерга эгалиги билан диққатни тортади.

Илмий изланишлар йқлидан борган А.Саьдий, А.Мажидий, Тқҳрул, О.Ҳошим, Л.Олимий каби танқидчиларнинг мақолалари, адабиётшуносликка оид текширишлари меросга тқҳри ёндашишга интилишнинг адабий танқиддаги намуналари эди. Олимийнинг "Нодира", А.Мажидийнинг "Шоир Мирий" каби мақолаларини ҳам шу жумлага киритиш мумкин.

Шуни таҳкидлаш қринлидирки, мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодий меросини холислик билан баҳолашда гоҳо маьлум чекланишлар-да содир бқлиб турди. Бу жиҳатдан 1926 йили Бокуда нашр этилган "Навоий" тқпламини кқрсатиш мумкин. Унда Исмоил Ҳикмат "Амир Алишер Навоий" номли мақоласида шоирни Низомий, Деҳлавий ва Жомийларнинг тақлидчиси қилиб кқрсатишга уринди.

Кузатишлар шундан далолат берадики, 20-йиллардаёқ улуҳ мутафаккир А.Навоий ижодий меросини тқплаш, қрганиш, нашр этиш, бошқа тилларга қгириш қзига хос кқламдорлик касб эта бошлаган эди. Бунда нафақат қзбек, балки озарбайжон, туркман, рус ва бошқа адабиётшунослар ҳам салмоқли ҳисса ққша бошлаган эдилар. Жумладан, Абдурауф Фитрат илк бор шоирнинг форсий ижодига эьтиборини қаратиб, "Навоийнинг форсий шоирлиҳи ва унинг форсий девони тқҳрисида" мақоласини яратган бқлса, "Муҳокаматул-луҳатайн" асарининг туркманча таржимаси 1925 йилда "Амир Алишер Навоий" номи остида Туркманистонда нашр этилди. Китоб кириш сқз, шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли ва изоҳлар билан таҳминлнган эди.

Навоий меросини чуқурроқ қрганган, илмий жиҳатдан жиддий ишлардан бири-1928 йили Ленинградда рус тилида босилиб чиққан "Мир-Али-Шир" китоби шарқшуносликда сезиларли из қолдирди. Ундан А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, А.А.Ромаскевич ва В.В.Бартольд сингари истеҳдодли олимларнинг мақолалари қрин олган. Айниқса, Е.Э.Бертельснинг мақоласи Навоий ижодининг мустақил адабий ҳодисалиги ва оригиналлигини далиллар билан исбот этганлиги туфайли муҳим илмий қимматга эга эди. Тажрибали шарқшунослар қтмишни яхши билмай туриб, ҳозирги замонни баҳолаш мумкин эмаслигини, бинобарин, маданиятлар, адабиётлар қзаро алоқаси ва ҳамкорлиги уларнинг бир бутунлиги моҳиятини белгилашини кқрсатдилар. Шу тариқа қзбек , рус ва бошқа қардош

халқларнинг шарқшунослари ташаббуси билан навоийшунос ликнинг илк намуналари юзага келган эди.

Мумтоз меросдан фойдаланиш керакми ёки керак эмас? деган масалада вульгаризаторлик усулини танлаганлардан бири Ж.Бойбқлатов бқлиб, унинг меросга қта нигилистик муносабати, ҳатто уни ҳақорат қилиш даражасига бориши "Қзбек адабиёти намуналари" хрестоматиясини баҳолашида равшан ккринади. У "Намуналарни" тузган Фитратни ҳам, унга сқзбоши ёзган О.Ҳошимни ҳам бқралаб сққишдан тоймайди. Унинг "Қзбек адабиёти ва чиҳатойчилик" номли мақоласи бошдан охиригача мумтоз ижодкорлар ижодиётини қоралашдан иборат. Жумладан, у ёзади: ".. Қисқаси, чиҳатой нафис адабиёти мазмун жиҳатдан тасаввуфлик билан, шакл жиҳатдан араб ҳам форслик билан суҳорилгандир. Чиҳатой шоирларидан - бу мутасаввуфлардан, хаёлпарастлардан, символистлардан ва бошқалардан қзбек пролетар адабиёти учун қандай бқлса ҳам бир нарса олишимиз шубҳалидир" 12.

Ж. Бойбулатов мақолаларидаги бир қатор асосланмаган айбларга жавоб бермаслик мумкин эмас эди. О.Ҳошим "Адабий мерос ва чиҳатой адабиёти" сарлавҳаси остида икки мақола ёзиб, у билан мунозарага киришса-да,қша давр мафкураси тазйиқидан қутула олмайди. Ва ёзади: "Жадид адабиёти қзбек буржуазияси адабиётидир. Жадид адабиёти қзбек буржуазиясининг фикрини ва унинг бошдан кечирган ҳолатларини акс этадир, унинг учун ишлайдир, куладир, йиҳлайдир". Сирасини айтганда, бу ҳам сталинчилик сиёсатининг қолиплари асосида берилган баҳо эди. Отажон Ҳошим кейинчалик мумтоз адабиётни баҳолашда аввал йқл ққйган шу хатоларини тузатишга ҳаракат қиладики, бу ҳақиқий танқидчиларга хос фазилат эди. У меросдан фойдаланишнинг бир неча босқичлари борлигини, уни диққат билан қрганиш зарурлигини таҳкидлайди. "Чиҳатой адабиёти ккп бадиий намуналар бергандир, бу адабиётнинг бир қанча санҳаткор шоирлари бор"лигини эҳтироф қилади. Лутфий, Навоий ва бошқа сқз усталари шеьрларидан мисоллар келтириб, бадиий маҳорат масалаларига тқхтайди. Унинг фикрига ккра, "ҳозирги пролетар шоирларининг камчилиги ҳам шу томонда", яҳни маҳоратнинг етишмаслигида. Қз фикрини яхширoқ тушунтириш ва қандай қилиб бадиий етук асарлар яратиш санъатини эгаллаш мумкинлигини уқтириш ниятида В.Маяковскийнинг "Шеҳрни қандай ёзиш керак?" номли китобидан мисоллар келтиради.13.

А.Саьдий 1934 йили нашр этилган "Қзбек буржуа адабиёти" (XIX ва XX аср)" дарслигида меросга тқҳри ёндашиб, унинг зарур томонларини қрганиш лозимлигини уқтиради.

"Қизил қалам" ташкилоти ҳам адабий меросни ташвиқ қилишда маьлум ишларни амалга оширди.

Қисқаси, узоқ йиллар давомида Навоий, Машраб, Турди, Муқимий ва бошқа ижодкорларни "ҳозирги замон кемасидан" улоқтириб ташламоқчи бқлганлар кам эмас эди. Нигилизм таьсирида бқлган ёшлар мумтоз ижодкорларга менсимаслик назари билан қараб, улардан қрганиш қрнига мустақил йқл тутмоқчи бқлдилар.

Қтмиш тажрибаларини қадрламаслик касали XX асрнинг 30-йиллари биринчи ярмигача давом этган бқлса-да, адабий танқид бу масалани ижобий ҳал қилган эди. Танқидчилар адабий мероснинг аҳамиятини, ҳаётдаги ролини тқҳри тушунтирдилар.

Хулоса шуки, XX аср бошларидаги ёш адабий танқид ада-
бий-тарихий жараёнда фаол роль қйнайди. Адабиёт ривожига оид кқпгина асосий масалаларни кқтарди, адабий ҳодисалар, ёзувчи асарларига баҳзан нотқҳри, лекин асосий ҳолларда тқҳри баҳо беришга интилди. Бу даврдаги адабий танқидга хос муҳим хусусият шунда кқринадики, у марксча-ленинча адабий танқидга айлана борди, мафкуравийлашди. Аммо адабий танқид мустақил фан сифатида ривожланиб, қоришиқликдан қутула бошлади. О.Ҳошим, О.Шарафиддинов, Р. Мажидий, С. Ҳусайн ва улардан кейин қз фаолиятини бошлаган Ҳ. Ёқубов, Ш. Сулаймон, Ю.Латиф, Ю.Султон сингари профессионал танқидчи ва адабиётшунослар етила борди.

Танқидчилик ва адабиётшуносликнинг алоҳида касб сифатида
намоён бқлиши ёки бадиий ижод тури сифатида ажралиб, қз қонун ва тамойиллари асосида ривожланиш жараёнига кира бориши - қша давр маданий ҳаётининг катта ютуҳи бқлди. Айни чоқда танқидчилик билан шуҳулланган ёзувчилар - Фитрат, Чқлпон, А.Қодирий, Ҳ .Олимжон, Ойбек, Уйҳун, Ҳ.Ҳулом, Зиё Саид,М. Шайхзодаларнинг мақолалари, тақризлари ҳам адабий танқиднинг савияси қсишига жиддий таҳсир кқрсатди. "Адабий танқидда кқринган яна бир фазилат - бадиий асар таҳлилида шакл ва мазмун бирлигига диққат қилиш эди. Агар дастлабки вақтларда муайян асар темаси ва сюжетигина айтилиб, бадиий форма кқпинча тилга олинмаса, энди танқидий асарларнинг кқпчилигида ҳоявий мазмун қаторида композиқия, стиль, тасвирий воситалар бирликда баҳоланадиган бқлди. Бадиий тилга оид мунозаралар уюштирилиб турилди"14.

Танқид ижтимоий тафаккурни шакллантирувчи воситалардан бири бқлиб қолди, чунки танқидчиларнинг мақола ва тақризлари кқпчиликда қизиқиш уйҳотадиган бқлди. Танқид бадиий асар яратишда маслаҳатчи, ижодий ҳамкор бқла бошлади. Ижодкорларнинг изланишлари, янги жанрларни забт этишдаги уринишлари ққллаб-қувватланди.

Адабий танқиднинг шаклланиши ва ривожида ёзувчиларнинг
роли катта бқлди. Улар қзларининг адабиётга ва адабий меросга
алоқадор фикрлари билан танқиднинг тараққиётига ёрдам бердилар ва матбуотда, жумладан, "Янги Фарҳона"да Ҳамза, "Муштум"да А.Қодирий адабиёт бқлимларига раҳбарлик асносида адабий танқидга оид асарларга ҳам кенг йқл бердилар. Натижада қзбек адабий танқидчилиги тқхтовсиз қсиб, адабий-тарихий жараёнда қз мақсадига эриша борди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. XX аср бошларида адабий- танқидий фикрларнинг уйҳониш
омиллари нималарда кқринади?

2. Қзбек адабий танқидчилигининг пайдо бқлиши ва шаклла-
нишида матбуот қандай роль қйнади?

3. Жадид танқидчиларидан кимларни биласиз? Улар қарашла

рининг хусусиятларига тқхталинг.

4. Қзбек адабий танқидчилигига оид дастлабки ишларга хос хусусиятлар нималардан иборат?

5."Туркистон вилоятининг газети" қзбек адабий танқидчилигининг пайдо бқлишида қандай роль қйнайди? Унда қайси мунаққидлар фаолият ккрсатдилар?

6. Илк қзбек матбуоти адабий танқид шаклланишида қандай таҳсир ккрсатди?

7. 20-йиллардаги қзбек адабий танқидчилиги Ҳамза ва Чқлпон ижодига қандай муносабатда бқлган?

8. Қзбек адабий танқидчилигидаги икки йқналиш ҳақида нималар биласиз?

9. Қзбек адабий танқидчилигининг янги инсон образини яратишга муносабати қандай?

10. Қзбек адабий танқидчилиги адабий жараён ва унда янги жанрларнинг эгаллай борилишига қандай муносабат ккрсатди?

11. Қзбек адабий танқидчилиги маданий меросга қандай муносабатда бқлди?

Қуйидаги ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР моҳиятини англаб олинг:Ахилло, Мубоҳаса,"ТВГ" - "Туркистон вилоят газети", фанний текширишлар, Айн, театр танқидчилиги, нигилизм, сочма шеьр, футуризм, эркин вазн, сарбаст, янги инсон образи, танқидий фикрнинг уйҳониши, танқидий фикр тараққиёти, профессионал танқидчилик, маданий мерос, Алишер Навоий ижодига илк муносабат ва икки хил қараш.

МУСТАҚИЛ ҚҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР :


1. Каримов И. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. "Қзбекистон". 1999.
2. Белинский В. Адабий орзулар. Тошкент. 1987.
3. Белинский В. Соб.соч.в 9 томах. Т:1. Москва. 1976.
4. Валихқжаев.Б. Қзбек адабиёшунослиги тарихи. Тошкент. "Қзбекистон". 1994.
5. Жалолов А., Қзганбоев Ҳ. Қзбек маҳрифатпарварлик адабиёти тараққиётида вақтли матбуотнинг қрни. Тошкент: Фан. 1993.
6. Каримов Э.Туркистон адабиёти."Мулоқот",1994,9-10-сонлар.
7. Каримов Н. Маҳнавий бойликка эҳтиёж."Жаҳон адабиёти", 1998, N1 14-бет.
8. Каримов Баҳодир. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. Тошкент: 2000.
10. Сотти Ҳусайн. Танланган асарлар.Тошкент:1974.
11. Шарафиддинов О. Давра суҳбати.// Шарқ Юлдузи. 1988. 11-сон.

12. Шарафиддинов О. Чқлпонни англаш. Тошкент: "Ёзувчи" 1994.
13. Фитрат. Адабиёт қоидалари. Тошкент. 1994.
14. Қозоқбой Йқлдош. Кашф этиш эҳтиёжи. "Ёшлик" 1990, 9-сон. 34-бет.
15. Қосимов Б. Олам ичра олам бқлмоқ. Жаҳон адабиёти. 1998. 1-сон, 12-бет.
16. Қосимов Б. Излай-излай топганларим.Тошкент.1993.
17. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий- танқидий қарашлари.Тошкент. "Фан". 1978.

## 4-МАВЗУ : АБДУРАУФ ФИТРАТ - ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙ ТАН+ИДЧИЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ (2 соат)

РЕЖА: 1. Абдурауф Фитрат адабий-танқидий қарашларининг ўрганилиши.
2. Профессионал адабиёт назариётчиси ва танқидчи сифатида:
А) мумтоз адабиёт тадқиқотчиси
В) фольклоршунослик фаолияти.
3."Чиғатой гурунги"нинг ташкилотчиси ва раҳнамоси.

Абдурауф Фитрат адабий-танқидий қарашларининг ўрганилиши. Абдурауф Фитрат адабиёт осмонидаги ёруғ юлдузлардан бири бўлиб, у шоир, ёзувчи, публицист, давлат арбоби, тилшунос, шу билан бирга зукко адабиётшунос ва адабий танқидчи бўлиб, қомусий олим сифатида шуҳрат қозонди.

Фитрат Шарқ мусиқаси, шахмат ҳақида ҳам яхши тадқиқотлар ёза олган истеъдод соҳиби эди."Фитрат ўзбек адабиётшунослигининг отаси бўлган" дейди Озод Шарафиддинов. Бу фикр айни ҳақиқатдир.

Фитрат туркий тил ва адабиётнинг шаклланиш босқичлари, адабий факт ва ҳодисаларнинг талқини масаласида ўз даврининг энг кейинги маълумот ва қарашларига таянади. Унинг Муҳаммад Фуод Кўприлизода, Нажиб Осимбек, европа Шарқшуносларидан Вамбери, Томсен, Радлов, Самойлович каби олимларнинг қарашлари билан илмий мубоҳасалар олиб боргани маълум1.

Фитратнинг адабиётшунослик соҳасидаги илмий меросининг энг асосий қисми 1923-35 йилларда яратилган, бу қисқа даврда у 50дан ортиқ илмий-тадқиқот ва мақола ёзиб улгурган эди. Улар замонавий адабиётшуносликнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган бўлиб, асосан, Шарқ ва туркий адабиёт тарихи, назарияси ва адабий танқидига оид тадқиқотлар эди.

Абдурауф Фитрат 20-йилларда Шарқ халқларининг маданий мероси ва адабиётини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Чиндан ҳам "Фитрат Бартольд, Самойлович, Крачковский, Бертельслар сингари академик йўналишдаги йирик қомусий олим эди."(Ҳ.Болтабоев). У халқ бадиий меросига илмий нуқтаи назардан ёндошиб, А.Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Умар Хайём, Лутфий, Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Бедил, Бобораҳим Машраб, Турди, Нодира, Муқимий, Фурқат сингари ижодкорлар меросини йиғиш, тартибга солиш, тадқиқ этиш ишларида алоҳида ғайрат кўрсатди. +олаверса, у "Оила" (1911), "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи"(1927), "Адабиёт қоидалари" (1926), "Энг қадимий турк адабиёти"(1927), "Ўзбек классик адабиёти намуналари"(1928), "Аруз" (1936) каби ўнлаб тадқиқотларини яратиб, кенг қамровли қомусий билим соҳиби эканлигини намойиш этди. Шунга қарамай, унинг асарлари 20-30 йилларда кўп мунозараларга сабаб бўлди. Фитрат ижоди ноҳақ танқидларга учради ва бу ҳолат 1937 йилда-унинг отилганидан кейин ҳам давом этди. Шахсга сиғиниш оқибатлари тугутилгандан сўнг ҳам бу муносабат ўзгармай турди. Фақат 70-йилларга келиб, И.Султон, Э.Каримов, Х.Мирзозода кабилар унинг ижоди ҳақида ёза бошладилар, 80-йиллардагина бу жараён бир қадар изчиллаша борди. Б.+осимов, Ш.Турдиев, А.Алиев, Н.Каримов, Ҳ.Болтабоев, И./аниевлар унинг бадиий ва илмий ижодини жиддий ва кенг қамровли тадқиқ этишга киришди. Айниқса, мустақиллика эришганимиздан кейин Фитрат ижодини ўрганиш имкониятлари кенгайди. Унинг "Оила","Адабиёт қоидалари","Аруз","Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" каби асарлари, қатор илмий мақолалари, шунингдек, насрий, шеърий ва драматик асарлари қайтадан чоп этила бошланди.1996 йилда "Чин севиш" ва 2000 йилда икки томлик танланган асарлари нашр этилди.

Абдурауф Фитратнинг драматурглик маҳоратини И./аниев, адабиётшунослик фаолиятини Ҳ.Болтабоев ва У.Жўрақуловлар, ижтимоий қарашларини С.Иброҳимов, Г.Раҳимовалар номзодлик ва докторлик диссертациялар доирасида ўргандилар. Хусусан, Ҳ.Болтабоев Фитратнинг адабий-танқидий қарашларини XX аср бошларидаги ўзбек адабиётшунослиги контекстида ўрганиб, ўзбек эстетик тафаккури тараққиётида нечоғли таъсир кўрсатганлигини умумлаштиришга интилди, натижада унинг "Фитратнинг илмий мероси"(1996) монографияси дунёга келди. Шунингдек, С.Эркинов Фитратнинг навоийшунослик, Б.Дўстқораев ва Сирожиддин Аҳмадлар эса яссавийшунослик, Д.Рашидова санъатшунослик, Д.Алимова оилашунослик ва тарихшунослик, М.+утлимуродова ва С.Ёқубовлар тилшуносликка оид қарашларига бағишланган тадқиқотлар яратдилар.

Бироқ ўзбек халқининг қомусий билим даҳолари анъаналарини XX асрда давом эттирган сўнгги феноменал намояндаси бўлган Абдурауф

Фитрат ижодига хорижда қизиқиш бутун аср давомида бир лаҳза ҳам сўнгани йўқ. Унинг ижодий истеъдоди Заки Валидий Тўғон, турк Фуод Купрули ва Мехмет Сарой, япон Хисао Куматсу, америкалик Эдвард Олворт,фаранг Эллен Каррер д Энкоус, олмон Ингеборг Балдауф,рус А.Климович ва жаҳоннинг бошқа олимлари қизиқишларига ҳам сабаб бўлган.

Профессионал адабиёт назариётчиси ва танқидчи сифатида. Фитратнинг адабий танқидга муносабати 20-йиллар рус танқидчилигидаги формал мактабнинг вакиллари Эйхенбаум, В.Шкловский, В.Жирмунский кабилар изидан боришида кўринади.Уларнинг фикрича, давр сиёсатига аралашиш,бадиий асарларнинг ғоявий-мафкуравий ва ижтимоий фазилатларини ўрганиш адабиётшуносликнинг вазифасига кирмайди, у , асосан, бадиий асарнинг шаклини , шу шаклдаги гўзалликни таҳлил этиши лозим.Шу қарашларни чуқур ўзлаштирган Фитрат ўз тадқиқотларида шу концепцияга амал қилди.Чунончи,"Адабиёт қоидалари"да саньат ҳақидаги фикрларида бу ҳолни кузатиш мумкин. У "юрак, фикр ,туйғу тўлқинларини сўз, товуш, шакл, ҳарф, ҳаракат каби материаллар ёрдамида жонлантира чиқариб, бошқаларда ҳам шу тўлқинни яратмоқ ҳунарига гўзал санъат дейилади" деган таърифида бадиий асар қимматини шаклдаги маҳорат билан белгиловчи рус формал мактабининг таъсири сезилиб туради. Фитрат "санъат нима"деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилди. Унинг "Адабиёт қоидалари" қўлланмаси "санъат" сўзига умумий ёки кенг таъриф беришдан бошланади."Санъат - луғатда ҳунар демакдирким, бир нарсани яхши ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бир киши бир ишни ўзига касб қилиб олиб, шунга берилиб, яхши ишлаб чиқарадирган бўлса,шу иш унинг санъати бўлади"2.

Фитрат инсонга руҳий-маънавий таъсир кўрсатувчи, қалбини тўлқинлантирувчи санъатни "гўзал санъат" сирасига киритади. Гўзал санъатда кишиларнинг турли хил кайфиятлари акс этажаги хусусидаги фикрлари юқоридаги мулоҳазаларида яққол кўриниб турибди.Бу силсилада сўз -адабиёт, товуш -мусиқа, бўёв -рассомлик, шакл- меъморлик, ҳаракат - рақс тарзида талқин қилинади.

Фитратнинг бадиий адабиётга берган таърифи ҳам санъат таърифига ўхшайди."Адабиёт фикр- туйғуларимиздаги тўлқинларни яратмоқда" дея таъкидлайди у.

Ойбек "Адабиёт қоидалари"га ёзган тақризида Фитратнинг "жозиб, гўзал услуби"га тўғри баҳо беради,Фитратнинг камчилиги "санъат ва адабиётга бугунги кўз билан(маркcларча) қарамаганлик"да деб танқид қилади. Бу фикр адабиёт мафкуравийлаштирила бошланган ўша даврга нисбатан тўғри ҳисобланса-да, мустақиллик даври адабиёти,адабий танқиди Фитратнинг тўғри йўлдан борганлигини кўрсатиб турибди.

Бироқ 20-йилларда бу мактаб жиддий зарбага учради.Бадиий адабиётнинг моҳияти унинг ижтимоийлигида деган қарашлар ғалаба қилди.Ойбек ҳам шу позицияда туриб Фитратнинг қарашларини танқид қилган эди. Давр ҳам ўша пайтда шу сиёсатни қўллар эди3 .

Фитрат қўлланмасининг энг аҳамиятли ва назарий жиҳатдан чуқур ёзилган қисми услуб ҳақидадир."Адабий ҳаётмизнинг суст даври"(Ойбек) бўлган 20-йилларнинг ўрталарида эмас,ҳатто ҳозирги камолот даврида ҳам ўзбек адабиётшунослигининг услубшунослик деб аталган қисми жуда кам ривожланган.Бир-икки йирик ижодкорлар услубига бағишланган айрим рисолаларни ҳисобга олмаганда,кенг ва чуқур назарий умумлашмалар берадиган тадқиқотлар ниҳоятда оздир.

Фитратнинг йирик арузшунос бўлгани унинг "Адабиёт қоидалари","Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи" каби қўлланмалари ва рисолалари, "Ўзбек адабиёти намуналари" мажмуаси ҳамда "Шеър ва шоирлиқ" каби мақолаларидан маълум.Шунга қарамай, олимнинг аруз илмига бағишлаб ёзган махсус илмий рисоласи "Аруз ҳақида" номи билан 1936 йилда чоп этилган.

Бу рисола ўзбек арузи масалаларига бағишланганлиги билан диққатни тортади.У бу масалада, албатта,Алишер Навоий ва Бобур асарларига таянади, шу билан бирга уларга танқидий кўз билан ҳам қарайди.Чунки Фитратни араб ёки араб-форс арузи эмас, балки турк миллий вазнини яратишга уринишлар жабҳаси кўпроқ қизиқтирган. Шундай тамойилларни у Навоий,Бобур асарларидан излаган.

Умуман олганда, 30-йилларнинг ўрталарида шеъриятда шакл ва вазн муаммоларига бағишланган мунозараларда "арузнинг келажаги йўқ"лиги ҳақидаги башоратларга қарши Фитрат аруз вазнининг "бошини бундай сиртмоқлардан қутқариш учун" бу соҳада махсус тадқиқот яратиб, унинг туркий шеъриятдаги қонуний ўрнини тушунтириб бера олди.

Мумтоз адабиёт тадқиқотчиси. Фитрат ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини тузиш ва тартиб бериш жараёнида ўзбек адабиётининг турли даврларига оид теран ва жиддий тадқиқотлар яратди.Бунда у Аҳмад Яссавий,Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Бедил, Турди, Машраб ва бошқа кўпгина йирик шоирлар ижодини янгича идрок этди. Ўзбек адабиётини ижтимоий тараққиёт босқичлари бўйича даврлаштириш Фитратнинг катта хизматларидан биридир. Аслида у шу тадқиқотлари билан ўзбек адабиётининг илк илмий тарихини яратмоқчи бўлган эди.Бироқ сталинча қатағон бу ниятига эришмоғига имкон бермаганди.

1919 йилда Туркистон ҳукумати мухтор жумҳурият халқларининг ижодий меросини ўрганишга киришади.Туркистон ўлкаси мусулмон бюроси бу ишга раҳбарлик қилишни Н.Тўрақулов, Л.Азиззода ва А.Фитратларга топширади.Бу илмий ҳаракат дебочаси сифатида "Инсоният ҳақида Навоий қандай фикрда" деган тадқиқот яратилади. Бу воқеага қадар Фитратнинг "Ўқув","Шеър ва шоирлик" каби адабий мусоҳабалари эълон этилган бўлиб, у илмий жамоатчилик ичида ўзига хос нуфузга эга эди.

1919 йилда Бухоро компартияси нашри сифатида юзага келган ва Фитрат муҳаррирлигида чоп этила бошланган "Тонг" журналининг 2-сонида унинг "Мирзо Бедил" мақоласи босилган эди.Аслида шу мақола Фитратнинг бедилшуносликка оид илк тадқиқоти бўлиб, кейинчалик яратилган "Бедил"

бадиҳасининг хамиртуруши бўлган эди. Айниқса, рисола салафларимиз ижодига янгича нуқтаи назардан илмий ёндошувда жиддий илк қадам бўлди.

Шу пайтгача адабий ва публицистик асар сифатида баҳоланаётган "Бедил (Бир мажлисда)" илмий-фалсафий асар бўлиб, ўзбек адабиётшунослигида Бедил ижоди ҳақида яратилган тадқиқотларнинг дебочасидир. Шарқ адабиётшунослиги ривожига кўмак берган воситалардан бири навоийхонлик, бедилхонлик, машрабхонлик каби мажлислар эди.Ана шу йиғинлар шаклини сақлаган Фитрат Бедил ижоди ва фалсафаси билан ўқувчини таништиришга эришади.У шоир меросини монографик тадқиқот йўли билан эмас, балки Шариф, Ҳамид, Эгамберди, Мулло +урбон каби Москвада ўқиётган ва таътилда Бухорога келган ошналарининг ўзаро бедилхонлик суҳбати йўлида ташвиқ қилишга киришади.Суҳбат ва баҳслашув давомида Бедилнинг инсонни улуғлагани, буюклиги ҳақида фикр юритилади. "Бедил китоби катта бир денгиздирки,ҳар ким ўз идишига яраша бундан сув кўтарадур"4. Асарнинг яна бир қиммати шундаки, у бедилхонлик маросимига хос жараённи айнан ифода этади.Шу фазилати билан асрлар давомида шаклланган анъанавий бедилхонлик моҳиятини идрок этиш имкониятини таъминлайди.

Шуниси диққатга сазоворки, Фитрат суҳбат аҳллари баҳсини замон руҳида уюштиради. Шоир айтганларидан бизга хизмат қиладиган рационал мағз топади, уни даврга мувофиқ изоҳлайди.

20-йиллар ўзбек адабиётшунослигида Бедил ижодига бағишланган бу рисола шоир меросини чуқур ўрганиш борасида салмоқли тадқиқотлар майдонга келган ҳозирги кунларда ҳам ўз ўрнига эга.Фитратнинг бу асари ўзбек танқидчилигини шаклий изланишлар соҳасида ҳам бойитишга хизмат қилади.Чунки " адабий танқиднинг орқада қолаётганлигининг бош сабабларидан бири унинг социологик таҳлил методига ёпишиб борганлигида ",-деб кўрсатади О.Шарафиддинов "Адабий танқид ва янги тафаккур" мақоласида ва адабий танқидда турли хил усуллар, шакллардан фойдаланиш зарурлиги ҳақида куйиниб гапиради5.

Худди шу нуқтаи назардан қараганда Фитратнинг Бедил ҳақидаги рисоласи унинг танқидчи сифатида турли усулларни қўллай олганлигидан далолат беради: Бедил ижодини академизм усули билан эмас, балки суҳбат, аниқроғи, халқона анъана сифатида шаклланган бедилхонлик тарзида талқин этиш Фитратнинг ғоят синчков ва ижодкор танқидчи бўлганлигидан, қолаверса, XX асар бошларидаёқ янги ижодий усуллар излаш намунасини кўрсата олганлигидан далолат беради.

Ўрта асрнинг машҳур филологи Замахшарий ҳақидаги Фитрат "Муқаддиматул адаб" мақоласини "Маориф ва ўқитғувчи" журналида (1926,7-8-сонларида) эълон қилганди.Фитрат бу улуғ олимнинг ўлмас китобини қачондан бошлаб ўрганилаётганлиги, у тўғрида қайси манбаларда нималар айтилгани, унинг қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот беради.

Олим "ХУ1 асрдан сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш" (1929 "Аланга") асарида ҳали илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган

далилларни истеъмолга киритиб, қимматли мулоҳазаларни баён қилади. Бу даврда қандай шоирлар ижод этганини, адабиёт нима ҳисобига бойиганлигини тўғри кўрсатади. Унинг "Шайбонийнома" ва "Умар Хайём" мақолалари ҳам меросни ташвиқ қилишга қаратилган илк тадқиқотлардан эди.

Фитрат 1925 йилги ҳаракатлари натижасида адабиёт илмига "Наманган нусхаси" номи билан қайд этилган "+утадғу билиг"нинг қўлёзма нусхасини олиб кирди. У бу асарнинг қимматли манба эканини таъкидлайди.

Фитратшунос олим Ҳ.Болтабоев Фитратнинг адабиётшуносликка, тўғрироғи, навоийшуносликка оид илк тадқиқотлари 1912 йил охирига тўғри келади деган мулоҳазани ўртага ташлайди. Ҳақиқатан ҳам олим навоийшунослик фаолиятида ҳам ўзига хос йўлдан бора олди. У Бухоро ва Самарқанд кутубхоналарида "Девони Фоний" нусхалари борлигини аниқлайди. Шу хусусда махсус "Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам форсий девони" мақоласини ёзади.

Фитратнинг "Фарҳоду Ширин" достони тўғрисида" номли илмий-назарий тадқиқоти ҳам ўз халқчиллиги билан ажралиб туради.Олим "Фарҳод ва Ширин" ҳақида ривоят,афсона ва достонларни ўрганиб чиқади.Низомий, Деҳлавий ва Навоий достонларини қиёсий текшириб, Фарҳод образининг тадрижий тараққиётини кузатади, чуқур таҳлил қилади ва муҳим хулосага келади.Умуман олганда, Фитрат биринчилардан бўлиб, Навоий ижодини текширишга 20 асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошларидаёқ киришади ва моҳият-мазмунига кўра реалистик ўзбек навоийшунослигини бошлаб беради. Навоийни адабиётимизнинг энг улуғ намояндаси, "адабиётимизнинг бобоси" сифатида мумтоз адабиёт илми тарихи тадрижидаги ўрнини белгилаб беради.

XX асрнинг 20-йилларда адабий меросга, жумладан, А.Навоий ижодига қарашда икки йўналиш бор эди.Чунончи, Ж.Бойбўлатов маданий меросдан воз кечиш талабини кун тартибига қўйган бир шароитда Фитрат адабий меросни ёқлаб чиқди. Айни вазиятда Алишер Навоий ижоди бўйича тадқиқотлари билан изчил суратда матбуотда чиқиб турди.Бу унинг ҳақиқат томон қўйилган дадил қадами бўлди, деб ёзган адабиётшунос С.Эркинов "Фитрат -навоийшунос" деган мақоласида6.Ҳатто Фитрат "Ҳибатул-ҳақойиқ" мақоласини ёзишда А.Югнакий ҳақидаги маълумотларни Навоийдан олганлигини айтади.Эътиборга лойиқ томони шуки, Фитрат ўз бадиий асарларида ҳам Навоийга қайта-қайта мурожаат қилган. Жумладан, "Арслон" драмасида Навоий ғазалларидан фойдаланганлиги маълум.

Фитрат ишларида Навоий ижодини баҳолашда айрим нуқсонларга йўл қўйилганлигини ҳам кузатиш мумкин.У бирда Навоийни форс тилини ортиқ дараждаги ёқловчи деса, бирда темурийлар саройининг адабиёт назариётчиси деб атайди.Шу мантиқдан қаралса, С.Эркиновнинг Фитрат Навоий ижодининг халқчиллик асосларини оча олмаган деган фикри бир қадар асослидай туюлади.

Профессор Фитрат асарлари ўзбек ва шарқ адабиёти билимдони Е.Бертельс ,В.Жирмунский,А.Климович асарлари билан ёнма-ён туради, деб ёзган эди Ҳ.Болтабоев.Чиндан-да,Фитратнинг Машрабга оид тадқиқоти шоир ҳақидаги

жиддий илмий ишларнинг дастлабкиларидан эди.Рус олими П.Вяткиннинг "Фарғоналик мистик девона Машраб" мақоласи Фитрат тадқиқотининг юзага келишига туртки бўлган.

Билимдон шарқшунос олим ишида асосий эътиборни шоир шахсиятини аниқлашга, бир қанча манбаларга таяниб Бобораҳим Машраб таржимаи ҳолини илк марта илмий асосда тиклаб беришга муваффақ бўлган. Шу аснода у қаландарлик маслаги ва унинг моҳиятини ҳам ойдинлаштириб берган. Машрабнинг тарихий шахс эканлигини исбот қилиб, 1657 йилда Андижонда туғилган, дея жойни бир қадар ноаниқроқ белгилаган бўлса-да,ҳар қалай адабиётимиз тарихида Машраб ижоди мавқеини тўғри белгилаб бера олди.Бу ҳақиқатни ҳам бир неча ўн йиллар давом этиб келган баҳс-мунозараларнинг якуний хулосалари ҳам тасдиқлайди.

Фитрат замондоши А.Саъдий билан бир даврда 20-йилларда Яссавий ижодига бағишлаб қатор мақолалар ёзиб, ўзбек яссавийшунослигига асос солди.Фитрат Аҳмад Яссавий ва унинг мактабини атрофлича тадқиқ этди.Унинг тадқиқотлари исломий -назарий асосларига кўра жуда юксак бўлган.

Мунаққид Аҳмад Яссавий ижоди ҳақида фикр юритар экан, турк олими Фуод Куприлизоданинг 20-йилларнинг охирида кенг шуҳрат қозонган "Турк адабиётида илк мутасаввуфлар" китобига юксак баҳо беради. Сўнгра асосли мулоҳазалари билан унинг ижодига тўғри баҳо беришга ҳаракат қилади."Яссавий ким бўлғон?", "Ҳикматлар", "Яссавийнинг муҳити","Мафкураси" тарзида сарлавҳачаларга бўлган ҳолда Яссавий ижодига муносабатини ифодалашга киришди. Мақолада Фитрат ўз услубига содиқ қолади, у муаяйн мавзу, илмий муаммо юзасидан ўзигача билдирилган фикрлар билан мунозарага киришиб, ўз қарашларини исботлашга интилади.

Фитратнинг Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди, таълимоти ҳақидаги тадқиқотларидаги тезислари, чиқарган хулосалари илмий жиҳатдан бақувватлиги, мантиқан изчиллиги билан ажралиб туришини таъкидлаган Б.+осимовнинг "Шундай бўлса-да, Фитрат Аҳмад Яссавий асарларининг туб моҳиятига кириш учун чин дилдан интилмагандек таассурот қолдиради" деган фикрларига қўшилиш қийин. Бу масалада, бизнингча, фитратшунос олим Ҳ.Болтабоевнинг қарашлари ҳақиқатга яқинроқ: у мақоланинг икки қисмдан иборат бўлиб босилганига эътиборини қаратади, иккинчи қисмида Яссавийнинг таърифига нисбатан унинг танқиди кўпроқ. Мақоланинг иккинчи қисмидаги услубда турличалик сезилади. Бундай айри хусусиятларни шундай изоҳлаш мумкин: афтидан, Фитрат жўшқинлик билан мақоланинг бошланғич қисмини ёзиб эълон қилганидан сўнг уни танқид ва таъқиб қилишлар сезиларли даражага чиққан кўринади. Ҳатто айрим манбаларда қайд этилишича, Фитрат Яссавий ижодини " марксистик установкада туриб текширмаган" деган айблар қўйила бошланган. Фитрат буларга жавобан ёки бўлиб ўтган гаплар таъсирини ҳис қилиб мақоланинг иккинчи қисмида Яссавий ижодининг талқинида танқид ҳам қўшилган"7 .

Фитрат "Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар" мақоласида бевосита тасаввуф тарихига назар солади.Яссавий тасаввуф мактабига

мансуб йигирмадан ортиқ шоирлар ижоди ҳақида маълумот беради.Энг муҳими, тасаввуфнинг келиб чиқишини асослар экан: "Исломда тасаввуф мустамлакачи арабларнинг мустамлака аристўкратлари билан бирлашиб, айниқса, мустамлака халқини эзишларидан ва бу эзишларнинг исломий ҳам араблар таассубига таянганидан чиқғон бир акс таъсирдир.Шунинг учун тасаввуфда исломиятга қарши унсурларнинг бўлиши табиий",-деб ёзади ва унинг зўрлаб исломлаштириш сиёсатига қарши оппозицион тафаккур сифатида таърифлайди.

Бу тадқиқотлар Фитрат илмий дунёқараши қамровининг ниҳоятда кенг эканлигини кўрсатиш билан бирга реалистик ўзбек яссавийшунослигини бошлаб берганлиги жиҳатидан ҳам ғоят қимматлидир.

Албатта, Фитратнинг Яссавий ҳақидаги фикрларида камчиликлар ҳам борки, буни у ўша вақтдаёқ манба етишмаслигидан дея ўзи ҳам тўғри тан олган эди.Бироқ Яссавий ижоди ҳақидаги ҳозирги қарашларнинг асосий нуқталарини Фитрат ўз давридаёқ айтиб ўтган эди. Шунга қарамай, шўро мафкурачилари Фитратни Яссавий ижодини идеаллаш тирганликда, унинг дунёқарашидаги мистика ва бошқа жиҳатларни кўрмасликка ёки атайин хаспўшлаб, уни йўқсул адабиёт, яъни янги адабиётнинг асосчиси деб атаб, бадиий билан адабиётнинг ривожига зарба уринганликда айблаб келдилар.

Шуниси ажабланарлики, Фитрат мақоласи билан танишсангиз, бу айбларнинг ҳаммаси пуч эканлигини кўрасиз.Фитрат Яссавийнинг ўзини ҳам,ижодини ҳам яхши билганлигига ва уни илмий жиҳатдан тўғри очиб берганлигига, энг муҳими, шоир ижодининг ижтимоий-эстетик моҳиятини тўғри кўрсата олганлигига қаноат ҳосил қиласиз"8.

Фольклоршунослик фаолияти. Фитрат ўзбек фольклорининг дастлабки тадқиқотчиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам машҳур.У 1919 йил Тошкентда "Чиғатой гурунги" адабий-илмий даврасини ташкил этади, шу муносабат билан Бухоро ва Фарғонадан кўплаб халқ оғзаки ижодига оид, мусиқага оид асарларни тўплашга киришади. Жумҳурият олий ўқув юртлари учун ўзбек тилида "Адабиёт қоидалари" (1926) қўлланмасини яратади, унда ёзма адабиётга асосий манба бўлган фольклор санъати, тур ва жанрлари ҳам уларнинг ўзига хос фазилатлари ҳақида холис илмий фикрларини баён этади.Фольклорнинг ашула, эртак, достон, лапар, топишмоқ ва мақол каби жанрлари табиати, поэтикаси, ўзаро ички таъсири ва алоқасини теран таҳлил этади.

+ўлланманинг "Эл адабиёти" номли боби фольклор санъатига бағишланган. У "эл адабиёти" ҳодисаси моҳиятини таърифлайди, эл адабиётининг жанрий таркибини очиб беришга интилади. Фитрат уни ёзишда В.Маҳмуд, /ози Олим Юнусов, Элбек ва бошқаларнинг мақолаларига суянади.У "Девони луғатит турк" даги қўшиқларни ўрганиб, Алп Эртўнга ҳақидаги марсияни тиклайди. "Турк адабиёти намуналари" ва "Энг эски турк адабиёти намуналари" китобларига ўзбек фольклорига оид бир қанча асарларни киритиб чоп этди.

"Чиғатой гурунги"нинг ташкилотчиси ва раҳнамоси. Фитратнинг Тошкентдаги энг катта ишларидан бири "Чиғатой гурунги"ни йўлга қўйгани бўлди. Ўтмиш меросини ўрганиш ва ундан халқни баҳраманд этиш, авлодларни аждодларининг ўлмас руҳияти билан боғлашда бу жамият жуда катта хизмат қилганлиги маълум9. +олаверса, Фитратнинг 1918 йилдан бошланган илмий фаолияти ривожида "Чиғатой гурунги" муҳим аҳамиятга эга бўлди.Ўшанда "Иштирокиюн" газетасида "Чиғатой гурунги" аъзолари номидан шундай мурожаат босилиб чиқди:"Бизни душманимиз деб ҳисоблайдиган кимсалардан мард бўлишларини сўраймиз, чунки биз янги имло қабул қилдик.Турк дунёсини уйғотиш йўлида жонини тиккан адиблар шу муносабатда қай томонда бўлмоқликлари керак?Сизнинг тарафдами ё "Чиғатой гурунги" тарафдами?Бизнинг барча саъй-ҳаракатимиз турк дунёси учундир".

"Чиғатой гурунги" маданий-адабий ташкилот эди, унинг фаолияти асосида ислоҳотчилик ғояси ётар эди. Фитрат маданият тараққиётининг юксак чўққиси - Навоий даврини кўп жиҳатдан ибрат қилиб олди."Жамият"ини ХУ асрдаги ўзбек халқининг номи билан атади.

20-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан бундай ҳаракатларга сиёсий баҳо беришлар бошланди. 1922 йили "Чиғатой гурунги" тарқатиб юборилди. Шунга қарамай, гурунгнинг аъзолари ўз фаолиятларини янгигина вужудга келган Ўзбекистон жумҳуриятида ҳам давом эттирдилар. Улар Ўзбекистоннинг биринчи ёзувчилар ташкилотининг нашри бўлган "+изил қалам"да ташаббусни ўз қўлларига олдилар ва унинг саҳифаларида Туркистоннинг қаҳрамонлари бўлмиш Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Навоий, Бобур, Шайбонийхон ҳақида йирик мақолалар эълон қилиб, улар ижоди орқали ўз ғояларини илгари сурдилар. Чиғатой номи Туркистон маданий миллатпарварлигининг рамзига айланди ва Фитрат бошчилик қилган "Чиғатой гурунги" Туркистон миллий маданиятини барпо этиш учун курашди.

Аммо 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошларига келиб, "Чиғатойчи"ларни пантуркизм, панисломизмда айбловчилар сони орта борди.1929 йилда Ж.Бойбўлатовнинг "Ўзбек адабиётида чиғатойчилиқ" мақоласи босилди. Фитратнинг "Ўзбек адабиёти намуналари" мажмуаси муносабати билан ёзилган бу мақола бошдан охиригача унинг муаллифини "фош этиш"га қаратилган эди. Чунончи, у марксизмни инкор қилишда, ўтмишни идеаллаштришда, буржуа миллатчилиги ғояларини тарғиб ва ташвиқ этишда айбланган эди. Шу зайлда кўп асрли адабий меросимиз чиқитга чиқарилган эди. Ж.Бойбўлатов чиғатой шоирларидан ҳозирги пролетар адабиёти учун бир нарса ола билишга шубҳа билан қаради. Китобга сўзбоши ёзган Отажон Ҳошимни ҳам сўкишдан қайтмади.

Кўп ўтмай матбуотда унга жавобан мақолалар пайдо бўлди. Отажон Ҳошим "Адабий мерос ва чиғатой адабиёти" мақоласида Ж.Бойбўлатов мақоласини фельетон деб атаркан, адабий мерос ва чиғатой адабиёти каби муҳим масалаларни Бойбўлатов каби ҳал қилиш мумкин эмаслигини

таъкидлади."Чиғатой адабиёти кўп бадиий намуналар бергандир, бу адабиётнинг бир қанча санъаткор намуналари бор"лигини эътироф қилади.

Фитрат ҳам жим турмади. Ж.Бойбўлатовга жавобан "Ёпишмаган гажаклар" мақоласи билан чиқди. Мақола шунчаки ноҳақ танқидга жавобгина эмас, балки "гўзалликни, чинакам адабиётни англаш, идрок этишдан узоқ нуқтаи назарнинг - олмадан қурт қидиришнинг" (Асқад Мухтор) жамият ҳаётида тобора кучаяётганлигини теран ҳис қилиш ва унга қарши исён руҳига йўғрилган эди. Малакасизликка, Крилов калака қилган этикдўз ҳолва пишириб, ҳолвапазнинг этик тикишига ўхшаган ҳолатга қарши исён эди.Гап шундаки,Ж.Бойбўлатов Фитратнинг ўтмиш адабиёт намуналарини биттама-битта йиғиб, тозалаб, саралаб, изоҳлаб ўқувчига тақдим этишдек оғир ва шарафли ишни душманлик, зараркундалик ҳисоблаган ва буни адибнинг бутун фаолияти мисолида "исбот" қилишга уринган эди"10

Фитрат болалар орасида "Кўзим кўрмайдир" ўйини бўлганлиги ҳақида гапириб, кўзини қаттиқ боғлаб олган боланинг атрофдагиларга ҳужум қилишини Бойбўлатовга қиёслайди. "Мақолани ёзганда, сизнинг қаламингиз ҳам шул кўзи кўрмас боланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан, орада менинг китобим унутилган, жуда оз ўрин олган. . . ".

Танқидчи илмий эстетика доирасидан чиқмасликка ҳаракат қилади ва шунинг учун Бойбўлатов мақоласига жавобни, ўзи айтганидек, дардлашув шаклида ёзади, аввало, унга миннатдорчилик билдиради. Шу билан бирга "сиз адабиёт тарихининг одами эмассиз, мақолангиз эса тасодифий бир ҳодисадир" дейди. Бу эса Фитратнинг юксак дидга эга ,ўта маданиятли танқидчи эканлигини кўрсатади.

Бу мақола ўша давр танқидчилиги учун катта аҳамиятга эга бўлди.Зеро, унда Фитрат фақат Бойбўлатовга эмас, ўша даврда тараққий этаётган вульгар социологизмга ҳам зарба берган эди: " . . . Менинг сўзларимни бош-оёғини кесиб ташлаб, ўз мақсадингизга яроқлик бир ҳолга киргизиб, сўнгра эътироз қилишингиз илмий бир ҳаракат саналмайдир"11.

Фитратнинг олим сифатида мардлиги шундаки, ўз хатоларини, ҳаттоки қилмаган баъзи хатоларини ҳам тан олади. Унинг "албатта, ишларимизда янглишлар бўлиши мумкин. Янглишларимни жой-жойи билан кўрсатиш керак. Кўзни юмиб, оғизни очиб сўкишни фойдаси йўқдир" деган сўзлари тобора ўз қиёфасига эга бўлиш сари интилаётган бугунги танқидчилик учун ҳам дастуруламал вазифасини ўташи тайин.Тўғри, Фитрат ҳам ўз даври кишиси эди. Бинобарин, мақоладаги шўро даври мафкурасига дахлдор фикрларга шу жиҳатдан қараш керак.

Фитрат адабий жараённи ҳам сергаклик билан кузатди ва шу ҳақда мулоҳаза билдириб мақолалар ёзди.Унинг "Литература Средней Азии" газетасида босилиб чиққан "Муҳит муҳимлиги" мақоласи шу руҳда эди.

Кўрамизки, Фитрат ўз даврининг қомусий олими, жонкуяр, фидойи фарзанди эди, унинг ёзган асарлари Фитрат номини асрлардан асрларга олиб ўтаверади,у яратган асарлар ютуқлари ва нуқсонлари билан бизнинг тарихимиз ва фахримиздир. Шунинг учун Фитрат ижодини холис ва

ҳаққоний ўрганиш давом этаверади ва бу бизнинг бурчимизга айланиб бораверади.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1.Абдурауф Фитратнинг адабиётшунослик ва адабий танқидчилик фаолиятининг ўрганилиш тарихи ҳақида сўзланг.
2.Фитрат адабий-назарий қарашларининг аҳамияти нимада кўринади?
3.Фитратнинг адабий меросга муносабатини изоҳланг.
4."Адабиёт қоидалари" китобининг адабий жараёнда тутган ўрни ҳақида нималар биласиз?
5.Фитратнинг илми арузга оид қарашларига хос хусусиятлар нималардан иборат?
6.Фитрат ижодида баҳс жанрининг ривожи қай тарзда кечади?
7.Фитратнинг тасаввуфга ва мутасавуф шоирларга муносабатини изоҳланг.
8.Олимнинг навоийшуносликка оид қарашларининг асосини нима ташкил этади?
9.Фитрат Бедил ва бедилхонлик ҳақида нималар деган?
10."Чиғатой гурунги"ни ташкил этишидаги хизматлари нимада кўринади?
11.Фитрат фольклорни қандай тушунган?Унинг жанрий таркибига оид қандай қарашларни илгари сурган?

+уйидаги ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР моҳиятини англаб олинг: шарқшунослик, маданий мерос, адабий мерос, адаби- ётшунос, адабиёт назариётчиси, тилшунос, фольклоршунос, санъатшунос, мусиқашунос, Чиғатой гурунги, чиғатойчилик, "Ёпишмаган гажаклар", бедилхонлик, Бедил фалсафаси, формал мактаб, пантуркизм, панисломизм, "Муқадимматул адаб","+утадғу билиг", "Шайбонийнома", "Адабиёт қоидалари", "Аруз", яссавийшунослик, машрабшунослик, навоийшунослик.

Мустақил ўқиш учун адабиётлар:

1.Каримов И.Адолатли сари.Тошкент."Ўзбекистон".1998.
2.Абдурауф Фитрат.Адабиёт қоидалари.Тошкент. "Ўқитувчи".1994.
3.Абдурауф Фитрат.Аруз ҳақида.Тошкент."Ўқитувчи".1997.
4.Абдурауф Фитрат."Ёпишмаган гажаклар".- "Ёшлик".1990, 5-сон, 34-36-бетлар.
5..Абдурауф Фитрат."Ҳибатул-ҳақойиқ-ЎзАС,1997,13 июнь .
6.Абдурауф Фитрат.Имом /аззолий.-"Маърифат",1995, 25 март.

7.Абдурауф Фитрат."+утадғу билик.-ЎзАС,1997,1 ноябрь.
8.Абдурауф Фитрат.Бедил.-"Гулистон",1998,1-сон,34-бет.
9.Абдурауф Фитрат.Чин севиш.Тошкент./АСН.1996 й.
10.Абдурауф Фитрат.Танланган асарлар.2 жилдлик 1 ва 2 жилдлар. Тошкент."Маънавият",2000 й.
11.Абдурауф Фитрат.Бедил.Тошкент.1996.
12. Алиев А. Истиқлол ва адабий мерос. Тошкент. "Ўзбекистон",1997 й.
13.Алиев А. Фитрат ва унинг "Бедил" асари.-ЎзАС.1989.13.01.
14.Болтабоев Ҳ.Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва ижоди. Тошкент.1992.
15.Болтабоев Ҳ. Фитрат. Тошкент.1993.
16.Болтабоев Ҳ. Фитрат ва 20 аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги .-"Шарқ юлдузи ", !995,11-12-,178-183-бетлар.
17.Болтабоев Ҳ. Номаълум Фитрат."Ёшлик".1990,4-сон,43-37-бетлар.
18.Болтабоев Ҳ."Рисолаи Аруз"ва "Аруз ҳақида"-ЎТЛ,1995. 5-6-сонлар,9-13-бетлар.
19.Каримов.Э.А. Фитратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида.-ЎТА. 1992,3-4-сон.
20.Эркинов С. Фитрат-навоийшунос.-ЎТА, 1990,3-сон,45-47 -бетлар.
21.Эркинов С. Фитратнинг "Фарҳод ва Ширин достонига оид тадқиқоти ҳақида.-ЎТА.1993.1-сон.
22.Сирожиддин Аҳмад.Фитрат ва Яссавий.-"Санъат".1991. 8-сон.
23.Узоқ Жўрақул.Фитратнинг уч йирик асари.-"Шарқ юлдузи",1998,5-6-сонлар,20-24-бетлар.
24.Хисао Куматсу.Чиғатой гурунги.-ЎзАС.1999,21 октярь.
25.Шарафиддинов О. Адабий танқид ва янги тафаккур.-ЎзАС.2001 йил.21 октябрь.
26.Яссавий ким эди?Тошкент.1993 йил.
27./аниев И. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати./АСН.1994.
28.Фитрат, эътиқод, ижод. Бухоро.1994 йил.
29./аниев И.Фитратшунослик.Бухоро.1996.
30.+осимов Б.Маслакдошлар.Беҳбудий,Ажзий,Фитрат.Т. 1974 й.
31.+осимов Б.Фитрат.-"Шарқ юлдузи",1992,10-сон,177-180-сон.
32.+улжонов Анқабой.Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат.-"Гулистон".1996,4-сон,30-38-бетлар.

5-МАВЗУ: ЧҚЛПОННИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ.(2 соат)

РЕЖА: 1. Чқлпон адабий-танқидий меросининг қрганилиши.
2. Чқлпон адабиёт жонкуяри сифатида.
3. Моҳир театр танқидчиси.
4. Адабий портрет устаси.

Чқлпон адабий-танқидий меросининг қрганилиши.Чқлпон шоир, носир, драматург, таржимон, публиқист бқлиш билан бирга баркамол мунаққид, моҳир адабиётшунос, қзига хос қарашларга эга саньатшунос ҳам эди.

Чқлпоннинг адабий-танқидий мақолалари халқ маьнавиятини шакллантиришда, адабиёт тараққиётида катта аҳамиятга эга. Шунинг учун янги қзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги тарихини Чқлпоннинг адабий-танқидий фаолиятисиз тасаввур қилиб бқлмайди.

Ёш чқлпоншунос Н.Йқлдошев биринчи марта Чқлпон мақолаларининг рқйхатини тузиб, библиографиясини эьлон қилган эди. Унда ккрсатилишича, шоирнинг 1914-1937 йиллар мобайнида чоп этилган адабий-танқидий мақолаларининг сони 63 тадир. Шу далилнинг қзиёқ Чқлпонни мунаққид сифатида қрганиш имконини кенгайтиради.

Чқлпоннинг адабий-танқидий мероси эндигина қрганила бошланди. "Бу меросда Чқлпон босиб қтган йқлнинг муҳри ҳам бор.Бу мерос қзининг жамики фазилатлари ва қусурлари билан адабий тафаккуримиз тарихининг қимматли саҳифасини ташкил қилади"1.

Чқлпоншунос О.Шарафиддиновнинг 1991 йилда "Чқлпон" нашриётида босилиб чиққан "Чқлпон" рисоласининг бешинчи боби адибнинг мунаққидлик ва таржимонлик фаолиятига баҳишланган.Унинг 1993 йилда "Истиқлол фидоийлари" туркумида чиққан "Мустафо Чққай,Чқлпон,Отажон Ҳошим" китобчасида ҳам Чқлпоннинг мунаққидлик фаолиятини бир қадар кенгроқ таҳлил қилинган. У.Султонов эса 1993 йилда "Чқлпоннинг адабий-танқидий қарашлари" мавзуида номзодлик диссертасиясини ёқлади.

Чқлпон адабий-танқидий меросини қрганишнинг аҳамияти нимада? Бу саволнинг жавобини тубандаги ткрт нуқта орқали изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, янги қзбек адабиётини шакллантиришда 20-30- йилларда кечган ҳоят мураккаб ижодий жараёнда изчил реалистик услубнинг

устиворлигини таьминлашда (О.Шарафиддинов) Чқлпоннинг мунаққид сифатидаги фаолияти қзига хос қрин эгаллайди.

Иккинчидан, Чқлпон зукко танқидчи сифатида адабиёт ва саньатнинг амалий муаммолари билан жиддий шуҳулланган, маьнавий уйҳониш асосида адабий жараён муаммоларига жавоб излаган, шу тарзда адабиётни қз даврининг илҳор ҳоялари билан бойитган, Шарқ ва Ҳарбнинг бебаҳо тажрибасини омухталаштириш тамойилини янги қзбек адабиётига олиб кирган.

Учинчидан, ҳар бир мақола ортида Чқлпоннинг қзи қараб тургандай бқлади, унинг адабий-танқидий мероси, бу буюк адиб шахсиятининг турли қирраларини маданий савиясини, эьтиқоди ва дунёқарашини қрганишда, унинг ҳоявий- эстетик эволюқияси қандай кечганлиги ҳақида яхлит тасаввур уйҳотади.

Тқртинчидан, ёзувчининг ижтимоий ҳаётнинг баьзи қирраларига муносабатини аниқлашда, ижодий биографиясининг қоронҳу нуқталарини тқлароқ ёритишда ҳам асқотади.

Чқлпон -адабиёт жонкуяри сифатида.."Садои Туркистон" газетасининг 1914 йил 4 июнь сонида Чқлпоннинг биринчи танқидий асари - "Адабиёт надур?" деган мақоласи эьлон қилинади. Уни ёзганида Чқлпон ҳали атиги 16 ёшда эди. Мақола шаклан ихчам бқлса-да, мазмуни ҳоят теран. 16 яшар қсмирнинг адабиёт ҳақида шундай тийраклик билан фикр юритиши чиндан ҳам унинг юксак истеьдодидан далолат беради.

Уйҳониш даврида Чқлпоннинг бир қанча замондошлари "Адабиёт, саньат нима?" деган саволларга жавоб излаганлар, умуман олганда, ҳамма даврларда ҳам донишмандлар, ижодкорлар бу саволга жавоб қидирганлар, ҳамиша изланганлар. Озарбайжон, қозоқ, татар адабиётларида ҳам (ҳозир яхлит ҳолда "Туркистон адабиёти" деб юритилаётган адабий ҳодисада ҳам) бу масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилгани маьлум.

Шунинг учун ёш мунаққид, аввало, адабиётнинг ижтимоий моҳияти тқҳрисида фикр юритади. Унинг фикрича, адабиёт миллатни тараққий эттириш воситаси, унинг маьнавиятини таьминлайдиган омилдир. Шу асосда у "Адабиёт яшаса-миллат яшайди" деган қатьий хулосага келди. "Ҳа, тқхтамасдан ҳаракат қилиб турҳон вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бқлса, маишат йқлида ҳар хил қора кирлар билан кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдур. Адабиёт яшаса-миллат яшар. Адабиёти қлмаҳон ва адабиётнинг тараққиётига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, қйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бқлур".2

Чқлпон Шарқ классиклари, турк, ҳинд ёзувчиларининг асарлари билан пухта таниш эди, у мустақил ққиб- қрганиш оқибатида, қзи яшаган даврдаги маьрифатпарварлик ҳоялари таьсирида ҳоят юксак маданий савияга эга бқлганлиги учун 16 яшарлигидаёқ шу қадар теран тафаккур асосида фикр юрита олгани кишини ҳайратлантирмайққймайди.

Миллатнинг онгини равнақ топтириш учун, биринчи навбатда, уни мустамлака асоратидан халос этиш лозимлигини, бунинг учун халқ қзлигини таниган бқлиши кераклигини Чқлпон чуқур англаб етган эди. Бунинг учун адабиёт энг яхши таьсир ккрсатади деб ҳисоблар, шу сабабли қзининг бадиий асарлари, танқидий мақолаларида шу руҳнинг устиворлигига эьтибор қилади.

Чқлпон адабиётнинг образли табиатига ҳам эьтиборни қаратади, адабиётга инсон руҳияти билан боҳлиқ ҳодиса деб қарайди.

"Адабиёт чин маьноси ила қлган, сқлган қаралган, қчган, мажруҳ ярадор ккнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингиган қора балчиқларни тозалайдурҳон, қткир юрак кирларини ювадурҳон, тоза маьрифат суви, хиралашган ойналарни ёруҳ ва равшан қиладурҳон, чанг ва тупроқлар тқлган ккзларимизни артуб тозалайдурҳон булоқ суви бқлганликдан бизга ҳоят керакдур"3 Чқлпоннинг қзига хос образли қилиб ифодалаган бу фикрлари бугунги кунимиз учун ҳам, келажак учун ҳам ҳеч қачон қз қимматини йққотмайди.

"Садои Туркистон" газетасининг 1915 йил 6 февраль сонида чоп этилган "Муҳтарам ёзҳувчиларимизга" деган мақоласида Чқлпон шундай ёзади: "Муҳтарам қалам аҳллари миллий маишатни ёмон деб безмай, зоҳира бқлса ҳам тқйларда, гапхоналарда, бачабозлар мажлисида, базмларда ва шунга қхшаш миллатнинг энг танқид қиладурҳон қринларида бирга аралашиб юрмаклари керакдурки, токи комил қша одатларни китоб саҳифаларида чиройлироқ қилиб ёзгундай бқлсунлар. Миллий маишатдан безган билан безилиб, ккмилиб кетаберадилар. Онда аралашиб юрулса, ондаги сқзларни, одатларни қрганмоққа бқладурки, китоб бетларига ккчуруб ёзмоққа материалларнинг энг асллари халқ орасиндан олинур.

Оврупанинг катта-катта муҳаррирлари қшал қзларининг яхши-ёмон одатларининг орасинда юрибдилар. Сқнграққлларига қалам олиб, яхшисини яхши, ёмонини ёмон ккрсатиб ёзубдурлар"4.

Чқлпон қзбек ёзувчиларига қаратилган мурожаатида, уларни халқ ҳаётини чуқур қрганишга даьват этади. Халқ урф-одатлари, расм-русумлари қолоқлигини танқид қилиш билан чекланмасликка ундайди. Чқлпон халқ турмушининг турли қирраларини бадиий ифодалашда танқиднинг зқрайиб ёки бирёқлама бқлиб кетишига қарши чиқади. Ёзувчи фикрича, халқдаги мавжуд улкан фазилатлар ва ҳаётдаги ибратли томонлар ҳам тасвир этилиши зарур.

Мақола чуқур халқчиллик руҳи билан суҳорилган. Танқидчининг фикрича, қзбек қалам аҳли ва зиёлилари халқ ҳаётини чуқур қрганишлари керак; халқнинг жаҳолатдан қутулишига, яхши ҳаёт кечиришига яқиндан ёрдам бериши зарур. Бу масьулиятли ишни ёзувчи ва зиёлиларнинг асосий бурчи деб билади: "Бизга ккп театру, рқмон китоблари ёзмоқ керакдурким, бу қарз бир ҳовуч зиёли ёшларимиз ила аєли қалам усталарига тушадир".

Чқлпоннинг "чин адабиёт" учун курашдаги фаол хизматларини "Садои Туркистон"нинг 1915 йил 6 февраль сонида чоп этилган, "Чиҳатой гурунги" тқгарагининг фаол аьзоси бқлганлиги ва уни ҳимоя этиб ёзган мақолалари

ҳам тасдиқлаб турибди. Мақолалардан бирида адабиётнинг "тугалланиши", яьни такомиллашишига катта эьтибор бериб, бунга "адабиётга кира олмаган нарсаларни шафқатсиз суръатда майдондан ҳайдаш" билан ва бадиий асар тилини соддалаштириш орқали эришилар деб ҳисоблайди. Чқлпон "Чиҳатой гурунги"га мансуб одамлар худди шу йқлда фаолият ккрсатганларини айтади: "...У жамиятга мансуб кишилар тилни соддалаштирмак мақсадини асос қилиб ушлаганлари ҳолда қзбек адабиётининг тугалланишига ҳам катта аҳамият бердилар. Тугал-ланадурҳон адабиёт чин адабиёт бқлмоҳи керак. Шунинг учун улар адабий асарларга ҳақиқий қийматини бериб, адабиётга кира олмаҳан нарсаларни шафқатсиз cувратда майдондан ҳайдай бошладилар... "Чиҳатой гурунги" асосини маҳкам қурҳонлиҳи ва чинакам тқҳри чизҳонлиҳи учун қзи йққ кетса ҳам, қзбекнинг янги адабиётида янги, порлоқ, шарафли саҳифалар очди ва очмоқда давом этадир"5

Чқлпоннинг "Маориф ваққитувчи" журналининг 1925 йилққшма 7-8 сонида чоп этилган "Улуҳ ҳинди" мақоласи тоза фикрларга суҳорилганлиги билан фавқулодда қимматга эга. Кейинроқ унинг Р.Тагорга баҳишланган яна бир мақоласи эьлон қилинди. Чқлпон Тагор баҳонасида қзбек адабиётининг ривожи қай йқлдан бориши кераклиги ҳақида қимматли мулоҳазаларини баён қилади. "Йқлсизлик"дан қутилишнинг чорасини излайди, уни мумтоз адабиёт вакилларининг ижоди ҳам, ҳозирги адабиёт ҳам қониқтирмайди.

Шу муносабат билан ундаги бир хислатни таькидлаш қринлидир. Чқлпон ижодининг ҳассос тарҳиботчиси Озод Шарофиддинов олдинги мақолаларида Чқлпонни шу мақоласи учун танқид қилган эди, кейинги ишларида эса, у шу хатосини мардона тан олиб, мазкур мақола моҳиятини тамоман бошқача талқин этади. "Менимча, бунинг бирдан-бир сабаби шундаки, Чқлпон Уйҳониш даврининг одами бқлгани учун адабиётнинг ҳам янгича бқлишини хоҳлаган. Янги адабиёт Уйҳониш даврининг моҳиятига мос келадиган, халқ ҳаётига яқинроқ турадиган адабиёт бқлмоҳи керак", деб ҳисоблайди.

Чқлпон Р.Тагордек буюк саньаткорлар тажрибасидан келиб чиқиб, янги қзбек адабиётини яратиш масаласини ечишга ҳаракат қилади. Умуман олганда, 20-йилларда ёзилган бошқа мақолаларида ҳам бу масалага дахл қилиб қтади. Бунинг учун биринчи навбатда Шарқ билан Ҳарб саньатларини қзаро уйҳунлаштирмоқ ва мазмун билан шаклнинг уйҳунлигига эришмоқ керак деб ҳисоблайди. Чунки Р.Тагорнинг ижоди бетакрор миллий рангларга эга бқлиб, Шарқ ва Ҳарб аньаналарини бирлаштирган бир денгиз эди. Унинг шеьриятида ва романларида Ҳарққа хос шартлилик, ккҳаринкилик, донишмандлик ҳам, Ҳарбга хос психологизм, характерлар мантиҳига амал қилиш, далиллаш ҳам бор. "Юксак бадиият билан таҳлил қилинган умумбашарий муаммолар Тагор асарларига алоҳида теранлик ва қзига хос фалсафийлик бахш этдики, худди шу сифатлар уларни Чқлпон учун баҳоят жозибадор қилади"6.

Шундай қилиб, Чқлпон 20-йиллардаги бир қанча мақолаларида тилга олинган ва "Улуҳ ҳинди" мақоласида анча тқлиқ ифодаланган масала - янги қзбек адабиётини яратиш масаласи эди. Аммо Чқлпоннинг ҳаракатлари зое кетди, давр унга қулоқ солмай, чинакам саньат намуналари яратишга эмас, ҳукмрон мафкура йқлига, шу мафкура темир қолипига тушиб келаётган эди. Чқлпон адабий мерос, мумтоз ижодкорлар ҳақида ёзилган мақолаларида қзининг қтмиш ва классиклар билан фахрланувчи миллатпарвар эканлигини ҳам ккрсатди. У 1924 йилда ёзилган "500 йил" мақоласида қзбек адабиётчилари орасида биринчи бқлиб, Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини қтказиш масаласини кқтариб чиқаркан, унинг даҳо саньаткор эканлигини исботлаб беради.

Мақола Чқлпоннинг бошқа мақолалари каби "ҳажман жуда кичкина, лекин мазмунан ҳоят терандир". Унда қзбек халқи Алишер Навоий тимсолида жаҳон маданияти хазинасига жуда катта ҳисса ққшгани таькидланади. Чқлпон шу фикрини далиллаш учун машҳур турк ёзувчиси Шамсиддин Салимбек асарларига мурожаат қилади.Унинг фикрича,"қз адибларига 5-6 асрлик бир тарих ярата билган халқлар унча ккп эмасдир", шунинг учун бу қутлуҳ санани улуҳ маданий байрамдек муносиб кутиб олмоқ керак. Чқлпон маданий меросни ардоқлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бқлишда рус ва бошқа Европа халқларидан қрганишни тарҳиб қилади. "Ватандошларимиз руслар Пушкиннинг ҳар 5 йили учун ҳам катта байрамлар ясайдилар, Ҳарбда эса ундай байрамлар жуда катта тантаналар билан қтказилади". Шундан кейин Чқлпон Алишер Навоий хотирасини абадийлаштириш ҳақида аниқ таклифларни қртага ташлайди. Орадан бир қанча фурсат қтмай, Чқлпон орзу қилган, қртага ташлаган таклифларнинг ҳаммаси рқёбга чиққанлигига бугун гувоҳ бқлиб турибмиз.

Мунаққид "Увайсий", "Мирзо Улуҳбек" ва бошқа мақолаларида салафларимиз ижодий фаолиятига хос теран қирраларни нозик таҳлилларда оча олган.Унинг "Мирзо Улуҳбек" мақоласи миллатпарастлик, ватанпарварлик руҳи билан суҳорилган. Унда Чқлпон қз халқининг Улуҳбек сингари улуҳ сиймоларини етарли ардоқламаслиги тқҳрисида таассуф билан фикр юритади, уларни муносиб тақдирлаш, ҳурматини жойига ққйиш масаласига ҳамманинг диққатини тортади: "Туркистон халқи, айниқса, биз тубжой халқ қзимизнинг шу олим кишиларимизни сира эсга олмаймиз. Унинг номига биргина кичкина бқлса ҳам хотира, нишона йққ. Шаҳарларда очилган мактаблар билангина у улуҳ олимни тақдир қилдик деб айта олмаймиз. Сира, сира айта олмаймиз"7 Чқлпондаги миллий ифтихор туйҳусидан бугун ҳам қрнак олиш мумкин. Унинг бу сқзлари бугун ҳам қимматли. Биз ҳамон қзгача бой маданий меросимизни қадрлашни, авайлаб-асрашни, у билан ифтихор қилишни чуқур қрганиб ололганимиз йққ.

Чқлпоннинг 1920 йилда "Иштирокиюон" газетасида босилган "Шқро ҳукумати ва саноеь нафиса" мақоласи назарий теранлиги, қамровининг кенглиги, салмоҳи, танқидчи маҳорати жиҳатидан ажралиб туради. Бу мақола ҳақида турли қарашлар мавжуд, жумладан, О.Шарафиддиновнинг 60-

йиллардаги тадқиқотларида "Шқролар ҳукумати ва саноеь нафиса" мақоласи билан Чқлпон "советлар поэзиқиясига қтган" деган фикрларни айтган эди. Аммо кейинчалик бу фикрларидан қайтиб, Чқлпон мақолани "газетанинг топшириҳи билан муайян тазйиқ ва тадбирлар асосида ёзган бқлиши мумкин"лигини қайд этади ва ёзади: "Чқлпон саньат шқролар замонида халқники бқлиб қолганини айтаркан, менинг назаримда, бу мақолада Чқлпон жиндай "қувлик" қилаётгандай туюлади. Мақоланинг кқпгина жойи киноявий оҳангга эга, гкё муаллиф қша пайтларда марказий матбуотда кқплаб босила бошлаган "совет руҳидаги" ташвиқий мақолаларга пародия ёзгандек...".8. Шу тариқа мақоладан келтирилган парчаларни шарҳлай туриб, танқидчи мақолани киноявий оҳангда ёзилган пародия тарзида изоҳлайди. Сқнгра,"менинг бу фикрим баҳсли бқлиши мумкин", дея таькидлашни ҳам унутмайди.

Бизнингча, мақолага давр нуқтаи назаридан қараш кринлидир. Шқролар ҳукумати ҳақида яхши гаплар айтилгани учун Чқлпонни айблаш адолатдан эмас, негаки у ҳам қз даврининг фарзанди эди.

Чқлпон мунаққид сифатида қалам тебратар экан, сира ҳам тор танқидбозлик йқлидан бормади, майда гуруҳлар манфаатига хизмат қилмади, аксинча, ҳамиша адабиёт ва саньатнинг йирик масалалари, қзбек халқининг маданий тараққиёти учун курашга сафарбарлик йқлидан борди.

Албатта, Чқлпоннинг ҳамма мақолалари бир хил савияда ёзилган эмас, бугунги кунда аҳамиятини йққотганлари ҳам бор, баьзилари ҳатто қзгача талқинга муҳтож. Лекин барчасининг умумлаштирувчи бир нуқтаси бор: чунки уларнинг ҳар бирида "Чқлпон сиймосининг бирор қирраси жойланган" (О.Шарофиддинов), улар қша давр ҳақида, оз бқлса-да, маьлумот беради.

Чқлпоннинг адабиётшунос сифатидаги қизиқиш доираси фақат Қзбекистон ёхуд Шарқ билан чегараланиб қолган эмас, қзбек халқининг янги маданиятини дунёдаги бошқа халқлар маданиятидан ажралган ҳолда ривожлантириб бқлмаслигини яхши тушунарди. Шунинг учун қз халқини Европа адабиётининг энг мумтоз намуналари билан таништиришга ҳаракат қиларди.У Карло Гоққи ва унинг "Маликаи Турондот" асари ҳақида,буюк француз драматурги, классисизм оқимининг асосчиси Мольер тқҳрисида мақолалар ёздики, булар Чқлпоннинг билим ,қамрови нақадар кенг мунаққид эканлигидан далолат берарди9.

Чқлпон бир қанча адабий-танқидий мақолалари орқали қзбек китобхонини жаҳон адабиёти билан таништириш вазифасини кқзлаган. Бунда у Шарқ ва Ҳарб адабиётини яхши билишини намоён этиб, уларнинг мумтоз намояндалари ҳақида тқлқинланиб ёзган. Турк шоири Тавфиқ Фикрат, озар шоири Фузулий ҳақидаги мақолалари бунга мисол бқла олади. Тавфиқ турк шеьриятининг асосчиси бқлиб, ажойиб романтик шеьрларида маьрифатпарварлик ҳояларини, инсонпарварлик қарашларини олҳа сурган эди. Чқлпон Шарқ мамалакатларида шуҳрат қозонган Тавфиқ Фикрат лирикасининг хусусиятларини очиб беради. Мақоладан Чқлпоннинг

турк адабиётини, турк шеьриятини жуда чуқур билгани ва унга теран бир назар билан қарагани билиниб туради.

Чқлпон илҳом билан мақолалар ёзган ва бу жиҳатдан 20-йилларнинг бошида "Инқилоб" журналида босилган "Имом Фузулий" мақоласи диққатни тортади. "Бу - қзбеклар қртасида ҳам ҳоят машҳур бқлган, шеьриятда Алишер Навоий аньаналарини давом эттирган, ҳазаллари халқ қртасида ҳозиргача ардоқланиб келадиган Фузулий ҳақида қзбек адабиётшунослигида ёзилган илк мақолалар-дан биридир",- деб ёзади О.Шарафиддинов10. Ҳақиқатан ҳам бу мақола Фузулий ҳақидаги илк мақола бқлиши билан бирга портрет характерига эгалиги туфайли мазкур жанрнинг илк намунаси сифатида ҳам қадрлидир.

Чқлпон моҳир театр танқидчиси сифатида қнлаб мақолалар ёзган. Шуни қайд этиш лозимки, бу йқналишда мунаққид ижодида тақриз етакчи қринлардан бирини эгаллайди. У 20-йилларда жуда ккп тақризлар ёзади, сирасини айтганда, худди шу тақризлар мунаққид учун адабий жараёнда фаол иштирок этиш воситасига айланган эди.

Чқлпоннинг адабий - танқидий мақолаларига назар ташлар эканмиз, унинг профессионал танқидчи даражасига кктарила олганини тақризлари, мақолалари, адабий портретлари яққол тасдиқлайди. Шундай экан, чқлпоншунос О.Шарафиддиновнинг қуйидаги мулоҳазаларига ққшилиш қийин: "Чқлпон, албатта, профессионал танқидчи бқлган эмас. Шунинг учун унинг 20-йилларда ва кейинроқ яратган ҳамма танқидий мақолаларини бевосита бу жанрнинг ноёб ва бекаму-ккст намуналари деб бқлмайди"11.

Тқҳри, Чқлпоннинг ҳамма мақола, тақризлари юксак савияда ёзилган дейиш қийин, аммо аср бошларида эндигина шаклланаётган реалистик адабий танқидчиликнинг қзига хос ижод тури--алоҳида фан сифатида оёққа туриши ва ривожланишида мунаққид Чқлпоннинг ихчам тақризлари ва адабий портретлари катта аҳамиятга эга бқлганини тан олмасликнинг иложи ҳам йққ. Чқлпон танқидчиликнинг тақриз, мақола ва адабий портрет сингари жанрларининг юзага келиши, қарор топиши ва ривожланишида алоҳида хизмат ккрсатди, шунинг қзиёқ "профессионал" танқидчи дейишга тқла асос бқла олади. Фикримизни Чқлпоннинг драматик асарларга ёзилган тақризларига муносабат жараёнида далиллашга ҳаракат қиламиз.

Чқлпон адабий-танқидий қарашларини турли шаклларда намоён этишга, жанрий ранг-барангликка интилди. Бу жиҳатдан, айниқса, унинг тақриз жанридаги ижоди эьтиборни тортади. Унинг аксарият тақризлари қзбек театрида саҳналаштирилган драматик асарларга баҳишланганлиги билан ажралиб туради. Бу тақризларда Чқлпон профессионал театр танқидчиси сифатида ккринади - у драматик асар яратишнинг барча сиру-асрорларини ҳам, уни саҳнада мужассамлаштиришнинг машаққатларини ҳам яхши билишини намойиш этади. Уларда спектаклнинг ютуқлари ва камчиликлари тқҳрисида кишини ишонтирадиган мулоҳазалар юритилган.

Чқлпон 20-йилларнинг бошларида Фитратнинг "Чин севиш" ва "Або Муслим" драмаларига тақриз ёзди. Буларда икки муаммо: 1) асарнинг

бадиий- эстетик қиммати ва 2) саҳна ижодиётининг аҳволига муносабат кқзга яққол ташланади. Чунончи, танқидчи Фитратнинг "Чин севиш" драмаси ҳақида ёзар экан, муаллиф ижодини баҳолашда фахру фазл усулидан фойдаланиб, қуйидаги фикрларни билдирди: "Яқинда қзбек саҳнаси улуҳ ва улуҳлиги қадар юксак ва гқзал бир томоша ккрди.. Танқид ва тақриз қилишни мен бажара олмайман. Бироқ бу .... тқҳрида ёзмоқлик менга тушганлигидан ккп чуқур бқлмаган қарашни ёзиб кетаман"12.

У драматург шаьнига муболаҳали мадҳия битмайди, лекин асар томошабинлар дидини қстириши, бу театрнинг катта ютуҳи эканини таькидлайди: "томошачи халқимиз буюк армонли зариф адабий асарларга ҳам тушуниб келадир. Бу қзбек саҳнасининг зкр бингиши, шундай ҳурурланув керак".

Чқлпон драмадаги образларни таҳлил қилар экан,уларнинг саҳнада қйналишига алоҳида эьтибор қилади. Нуриддин ролини Уйҳур яхши қйнаганини таькидлаш билан бирга, сқнгги парданинг руҳсиз чиққанидан ачинади. "Қзбек саҳнаси ёшдир. Унинг учун мундай зкр нарсалар балки оҳир бқлур эди", -деб ёзади.

Қзбек саҳнасида ҳали яхши асарлар ққйилишига Чқлпон ишонади. Фитратнинг "Ҳинд ихтилолчилари" ёзиб тугатилганидан хабардорлигини, уни ҳам саҳнада ккришни орзу қилади. "Саҳнамиз, жонлана, юксала..." деб ёзади келажакка ишонч билан қараб.

Мунаққид Фитратнинг иккинчи асари "Або Муслим" ҳақида анча дадил фикр юритади. У "Томошабинга аралашгувчи қаҳрамонларнинг ккпчилиги, ҳам тарихнинг энг чувалган давридан олиниб ёзилҳони учун томошанинг сқнггига унинг натижасини тқла ккрсататурҳон бир ккриниш ортдирилҳон. Бу ккриниш хийла муваффақиятлик тузилган",- деб ёзади. Чқлпон томошада Фитратга хос "сқз усталиҳи хийла кучлик" эканига эьтибор бериб, бу жиҳатдан томошанинг" катта бир адабий аҳамиятга молик" эканини таькидлайди.

Чқлпон Ҳ.Зафарийнинг "Ҳалима" мусиқали драмасини ҳам кенг таҳлил қилади. 1922 йилда "Намозбозлар ҳаёти", "Хиёнаткорлар жазоси", "Эр-хотин", "Аршин мол олон" ҳақида бир йқла тқртта мақола ёзди. Шунингдек,Чқлпон қзбек саҳнасида ққйилган "Гуноҳ", "Узун қулоқ бобо", "Коваи оҳангарон" каби асарларни ҳам диққатдан қочирмади - улар ҳақида тақризлар ёзиб, ютуқ ва камчиликларини атрофлича баҳолади. Буларнинг бари Чқлпоннинг 20-йилларда адабиётимизнинг энг фаол ва жонкуяр адибларидан бири бқлганини ва унинг замондош драматургларнинг ижодига ниҳоятда ҳурмат ҳамда адолат билан ёндошганини ккрсатади.

Чқлпон портрет устаси. Қзбек танқидчилиги Чқлпон мақолалари билан бошланган деган фикрни О.Шарафиддинов қртага ташлайди, унга ққшимча қилиб, яна шуни айтиш мумкинки, Чқлпон аср бошларида адабий танқидчиликда тақриз ва адабий портрет жанрларини ҳам бошлаб берган, ривожлантирган мунаққид сифатида ккринади. Бу мулоҳазамизни унинг тақризлари ҳамда ихчам адабий портретлари исботлай олади.

Унинг "Ашулага ишқибоз" деган портрети ққшиқчи Ҳ.Носировага баҳишланган бқлиб, жанр нуқтаи назаридан ҳозир биз тушунадиган адабий портрет даражасида бқлмагани боис уни портрет - мақола деб айтиш қринлироқдир. Чқлпон истеьдодли ёш хонанда Ҳ.Носированинг ққшиқчиликдаги маҳорати ҳақида теран бир самимият билан завқланиб ҳикоя қилар экан, уни порлоқ истиқбол кутаётганини башорат қилади. Чиндан-да Чқлпоннинг башорати тқла амалга ошди, кейинчалик Ҳ.Носирова қзбек саньатининг порлоқ юлдузларидан бири бқлиб танилди. Портрет-мақоладаги давр билан боғлиқ хато фикрларга замона зайли асорати деб қараш қринлироқ бқлур эди.

Бетакрор истеьдод эгаси Чқлпон мунаққид сифатида янги қсиб келаётган ҳар бир талантни ққллаб-қувватлашни, раҳбатлантиришни қзининг бурчи деб билади. Айниқса, қзбек аёлларидан етишиб чиққан саньаткорлар Чқлпонга завқ, мамнуният бахш этар, улар тқҳрисида тқлиб-тошиб мақолалар ёзарди. Бу жиҳатдан унинг "Турсуной саҳнада" портрет мақоласи эьтиборлидир. "Адиб Фитратнинг содда, қийматли бир асари бқлҳон "Арслон" да Турсуной кичкина бир рқлни қйнар эди. Турсунойнинг қудрати ва қуввати қша кичкина рқлни ҳам улканлар қаторига чиқарди, бир ккриниб қтатургон Зайнабни бир умр унутилмас тасвирга айлантирди", дея унинг маҳоратини баҳолайди.13.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Чқлпон қзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида теран ва ҳаққоний фикрлайдиган қткир мулоҳазали мунаққидлардан бири сифатида айрича қрингa эга. Унинг бу соҳадаги мероси асрлар оша миллат равнақига хизмат қилаверади. Энг муҳими шуки, Чқлпон қз халқига қайтарилди, шунинг учун ҳам ,"Биз маьнавий қадриятларни тиклашни қзликни англашнинг қсишидан,халқнинг маьнавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий,табиий жараён деб ҳисоблаймиз "дейди Президентимиз15

## МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Чқлпоннинг мунаққидлик фаолиятининг қрганилиши тарихи ҳақида сқзланг.
2. "Адабиёт надур" мақоласи нимадан баҳс этади?
3. Чқлпон адабий танқидчиликнинг қандай жанрларида иш ккрди?
4. Чқлпоннинг қзбек мумтоз адабиётига муносабатини изоҳланг.
5. Мунаққиднинг Шарқ ва Ҳарб адабиётларига муносабати хусусида сқзланг.
6. Чқлпон театр танқидчиси сифатида қандай тақриз ва мақолалар ёзган? Уларда қандай масалалар асосланган?
7. Олимнинг Абдурауф Фитрат ижодига муносабатини изоҳланг.
8. Портрет-мақолалари кимларга баҳишланган? Моҳиятига тқхталинг.

9.. Чқлпон мақолаларининг аҳамияти нимада ккринади?

Қуйидаги ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР моҳиятини англаб олинг: "Садои Туркистон", Туркистон адабиёти, Чиҳатой гурунги, тақриз, адабий-танқидий мақола, мақола-портрет, Тавфиқ Фикрат, Р.Тхакур, Мольер, Карло Гоққи, Фузулий, Або Муслим, Уйҳун, Ҳалима Носирова, Фитрат, Лутфулла Нарзуллаев, адабиёт яшаса миллат яшайди, Шарқ адабиёти, Ҳарб адабиёти, янги адабиёт.

МУСТАҚИЛ ққИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР :

1.Каримов И. Қзбекистон XX1 аср бқсаҳасида.Тошкент."Қзбекистон",1997.
2. Алиев А. Истиқлол ва адабий мерос. Тошкент.1999.
3 Ёқубов Ҳ. Танқид ва адабиётшунослик тарихига бир назар. Китобда: Адабиётимизнинг ярим асри. 1-китоб. Тошкент. 1967
4 . Жалолов А. XIX аср охири XX аср бошларидаги қзбек адабиёти. Тошкент . "Фан" 1991.
5. Жалолов А. Қзганбоев. Ҳ. Қзбек маьрифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг қрни.Тошкент, 1993 й.
6 . Миллий уйҳониш. Тқплам. Тошкент . 1993 .
7 . Чқлпон. Адабиёт надур? Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент. 1993 .
8. Чқлпоннинг бадиий олами. Тошкент . 1994.
9 Шарафиддинов О. Чқлпон. Тошкент."Чқлпон" нашриёти. 1991.
10 Шарафиддинов О. М.Чққай. Чқлпон. О.Ҳошим. "Истиқлол фидойилари" сериясида. 1993 й.
11.Каримов Н.Истиқлолни уйҳотган шоир. "Чқлпон". Тошкент. 2000

## 6-МАВЗУ: ҚЗБЕК АДАБИЙ ТАН+ИДЧИЛИГИ МАФКУРАВИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ( 1925-1950 йиллар). (4соат)

РЕЖА: 1. 30-йиллар адабий танқидчилигининг цзига хос хусусиятлари.
2. Адабиётда янги инсон тасвири учун кураш ва унинг етук бадиий асарлар яратилиши йцлидаги ҳовга айланиши.
3. Иккинчи жаҳон уруши йилларида адабий танқиднинг аҳволи.

4. Урушдан кейинги давр цзбек танқидчилиги.
5. Адабиётда замонавийлик учун кураш.
6. Адабий танқидчиликда ҳоявийлик ва бадиийлик масалалари.
7. Ижобий қаҳрамон муаммосига муносабат.
8.Адабий танқиднинг бадиий конфликт муаммосига муносабати.
9.Адабий танқидчиликда типиклик муаммоси.

30-йиллар адабий танқидчилигининг қзига хос хусусиятлари. Адабиётни мафкуравийлаштириш 20-йилларнинг црталарида бошланган бцлса-да,аслида Лениннинг "Партия ташкилоти ва партия адабиёти" мақоласи таҳсирида анча илгари авж ола бошлаган эди. Бу ҳолат цзбек адабий танқидчилигида ҳам цзини кцрсата борди. А.Саҳдий биринчилардан бцлиб, адабий танқидни давр мафкурасига боҳлашга уриниб, Ҳамза тцҳрисида ёзганида, уни "инқилобий руҳдаги талант" деб баҳолаши билан бу соҳада намуна кцрсатган эди. Адабиётни мафкуравийлаш-тиришда, айниқса, "Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати" (1925), "Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида" (1932) ги икки қарори муҳим дастур вазифасини бажарди.Бу ҳужжатларда янги типдаги адабиётни вужудга келтириш масаласи кун тартибига қцйилди.Уларда ҳоявийлик бадиий ижоднинг байроҳидир деган фикр асарни, ижодкор фаолиятини баҳолашда асосий мезонга айлантирилди.

Бу йиллардаги адабий танқидда бир жиҳатни кцриш мумкин: адабиётга ёш, янги ижодкорлардан М.Шайхзода, Ойбек, Ҳ.Олимжон, У.Носир, А.Умарий, Уйҳун кабилар кириб келдилар. 30-йилларда қатор таҳсирчан асарлар яратилди, "Кеча ва кундуз", "Сароб", "Қуллар", "Душман", "Қутлуҳ қон" каби бир неча романлар ёзилди. Достончиликда янги бир тцлқин пайдо бцлди:"Цч", "Дилбар - давр қизи","Навоий", (Ойбек) "Зайнаб ва Омон", "Ойгул билан Бахтиёр" (Ҳ.Олимжон) , "Норбцта" ва "Нахшон"(У.Носир) шу силсилани ташкил этди, кичик насрда А.Қаҳҳор ҳикоячиликнинг етук намуналарини ярата бошлади.

Драматургияда илк марта биографик жанрга асос солинди ва Ҳамза ҳаёти бунга материал бцлиб хизмат қилди. (Амин Умарий ва Яшиннинг "Ҳамза" драмаси).

Цзбекистонда болалар адабиётининг ривожи ҳам 30-йилларнинг характерли хусусиятидир.

Кичик адабий тцгараклар тарқатилиб, Цзбекистон ёзувчилар уюшмаси ташкил этилди. 1934 йил 7-11 мартда унинг 1-сҳезди бцлиб цтди. Сҳездда ташкилот комитетининг раиси Р.Мажидий раҳбарлик қилди.

1934 йилнинг августида бцлиб цтган Бутуниттифоқ ёзувчилар сҳездида узил-кесил совет адабиётининг етакчи ижодий методи социалистик реализм эканлиги тасдиқланди."Литературний критик"журнали барча республикалар адабий танқидчилигига "назарий ва амалий билим берувчи йцлчи юлдузлик"вазифасини цтай бошлади. Журналнинг, хусусан, адабий

танқидчиликни вульгар социологизм хасталикларидан қутқариб олиш йцлидаги изланишлари алоҳида диққатга сазовор бцлса-да, янги метод ижодий тамойилларидан халқчиллик ва синфийлик табиатига оид масалалардаги қарашлари хато эди.

30-йилларда сосреализм ҳақида айтилган рус танқидчилигидаги фикрлар цзбек танқидчилигига айнан кцчириб цтказила бошланди. А.В.Луначарскийнинг тадқиқотлари таҳсири О.Ҳошимовнинг "Цзбек шцро адабиётининг бир неча асосий ижодий масалалари", Р.Мажидийнинг "Большевизмнинг буюк санҳати учун" Ҳ.Олимжоннинг "Ёзувчининг савиясини кцтарайлик", "Социалистик реализмни эгаллаш йцлида", А.Қодирийнинг "Классиклардан црганиш-ривожимиз гарови", Ойбекнинг "Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши цт очайлик", "Социалистик лирика учун", "Сцнгги йиллар цзбек поэзияси", "Цзбек поэзиясида тил" сингари мақолаларида сезиларли даражада эса-да,ҳар қалай бу мақолалар профессионал савияда ёзилганлиги билан цша даврнинг цзига хос хусусияти - профессионал танқидчилар етишиб чиқаётганлигини кцрсатиши билан ҳам муҳимдир. Бу мақолаларда адабиётнинг синфийлиги, ҳоявийлиги ва партиявийлиги масалалари сцз санҳатининг цзига хослигидан келиб чиқиб таҳлил қилинди, бадиийлик мезони эса шакл ва мазмун, типиклик ва индивидуаллик, характер ва шароит сингари омилларнинг диалектик бирликда намоён бцлиши деб тушунтирилди.

Шу жараёнда цзбек танқидчилиги ва адабиётшуносларининг сафи И.Султонов, Ҳ.Ёқубов, Саидҳани Валиев, Буюк Каримий, Ю.Султонов сингари қатор истеҳдодли ёшлар ҳисобига анча кенгайди. Назарий жиҳатдан бақувват фикр юритиш иқтидорига эгаликлари билан И.Султон ва Ҳ.Ёқубовлар тезда эл назарига туша бошладилар.Айниқса, Ҳ.Ёқубов 30-йилларнинг биринчи ярмидаёқ "Ҳафур Ҳуломнинг ҳажвий ҳикоялари", З.Саид ва Н.Сафаровларнинг "Тарих тилга кирди" драмаси, А.Фадеевнинг "Тор-мор" асари таржимасига оид чиройли тақризлари, "Уйҳун ижодиёти", "Ҳафур Ҳулом ижодиёти","Ҳамид Олимжоннинг ижодий йцли" сингари пишиқ илмий ишлари билан таниқли адабиётшунослар сафидан мустаҳкам црин эгаллаган эди.

Ойбекнинг шеҳрият ва И.Султоннинг пьесаларга доир, С.Валиевнинг, А.Қаҳҳор ва А.Қодирийларнинг насрга доир мақолаларида цзбек адабиётидаги баҳзи бир натуралистик ва формалистик йцналишлар чинакам бадииятга зид ҳодисалар деб топилди. Лекин шунда ҳам ҳали бу давр адабий танқидчилигида бадиий сцз санҳатининг цзига хос жиҳатларига баҳзан камроқ эҳтибор бериш ва баҳзан эса вульгар социологизмнинг янгича кцринишларига йцл қцйиш ҳолатлари сезилиб турарди.

30-йиллар профессионал танқидчилигининг дастлабки даврларида иттифоқ миқёсида сезилиб турадиган биринчи камчилик- унинг ниҳоятда пассивлигида намоён бцлаётган эди. Бу ҳақда пленумда сцзлаган нутқида М.Горький қизҳин фикр билдирган эди: "Танқидчилик ҳақиқатдан ҳам, бизга кам ёрдам беради, асосан, асарларимиздан камчиликлар ахтариш билан шуҳулланади, бу камчиликларнинг манбаини, уларнинг келиб чиқиш

сабабларини жуда ёмон тушунади. Танқидчилик тил билан кам шуҳулланади ёки деярли ва мутлақо шуҳулланмайди, жумлаларнинг тцҳри тузилганлигини, асарнинг архитек тоникасини, материалларнинг тцҳри жойлаштирилиши в.ҳ. ларни бизга кцрсатиб бермайди...

Танқидчилик ниманидир цргатиши керак, у ҳар ҳолда, адабиёт билан бирга қадам ташлаётгани йцқ, модомики,биз воқеликдан орқада қолаётган эканмиз, танқидчилик ҳам биздан орқада қолиб кетмоқда ва бизни асосан мафкуравий савод жиҳатидан саваламоқда, албатта, тцҳри, бироқ танқидчиликнинг цзи бирмунча заиф бцлганлиги туфайли бу иши ҳамма вақт ҳам етарлича ишонтирарли даражада бцлмаётир"1.

Пленумда адабий танқидчилик савиясини цстириш йцлидаги қатор чора-тадбирлар ҳақида ҳам фикр юритилган эди. Пленум қарорлари бутуниттифоқ танқидчилиги қатори цзбек танқидчилигига ҳам цзининг ижобий таҳсирини кцрсата борди. Республика матбуотида танқидий чиқишларнинг кцпайишидан ташқари, замонавий адабий жараёнда фаол иштирок этаётган ёзувчиларнинг ижодига баҳишланган илмий тцпламлар яратишга киришилди. Шулардан биринчиси Ҳ.Ҳулом, Ҳ.Олимжон ва Ҳайратийларнинг ижодий йцли ва Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг хусусиятларини таҳлил этувчи мақолалар тцплами - "Ижодий цсиш йцлида" эди.

30-йиллар адабий танқидчилигининг тараққиёт йцллари ҳақида фикр юритар эканмиз, танқиднинг болалар адабиётига муносабатини муҳокамаси ҳам унинг умумий савиясини кцп жиҳатдан тайин этишга имкон беради. Газета саҳифаларида "Болалар адабиётига диққат қилингиз" сарлавҳали мақолалар туркуми босила бошланди. Бу жиҳатдан, айниқса, Ҳ.Ёқубовнинг "Болалар адабиётининг сифатини кцтарайлик", Ш.Сулаймоннинг "Болалар адабиёти тцҳрисида", З.Диёрнинг "Болалар китоби ҳақида", Ю.Латифнинг "Зафарнинг ижоди ҳақида" каби мақолалари муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётда янги инсон тасвири учун кураш ва унинг етук бадиий асарлар яратиш йқлидаги ғовга айланиши. 30-йиллар адабий танқидчилигига хос энг катта нуқсонлардан бири цша даврда адабиётда "янги инсон" учун олиб борган курашидир. Чунончи, К.Триҳулов "Нафис адабиёт жабҳамизни соҳломлаш йцлида" мақоласида озодликка чиққан цзбек хотин-қизлари, қизил аскар қиёфасини яратишга даҳват этса, С.Ҳусайн большевиклар образини яратишга чақирди, Ойбек эса ҳамкасб дцстларини ишчи туйҳуларини тараннум этишга чорлади. Албатта, цз даври учун катта аҳамиятга эга бу мақолалар қай жиҳатлари билан бугун бирмунча эскирди. Шунга қарамай, Ойбек цз мақолаларида қуруқ техникапарастлик, конструктивизм сингари иллатлар билан боҳлиқ камчиликларга чек қцйиш пайти келганлигини уқтиради. У Ҳ.Ҳуломнинг "Кцкан" поэмаси ҳақида гапирар экан, асар сюжетида "тирик чизгилар" етишмаслигини, "схематизм, юзакичилик" мавжудлигини алоҳида эслатиб цтадики, буларнинг ҳаммаси масалага маҳорат нуқтаи назаридан туриб ёндоша олиш натижалари эди.

Ойбек фикрларининг тцҳрилигини давр ҳам кцрсатиб турибдики: "Кцкан" бугун Ҳ.Ҳулом ижодидаги цткинчи бир асар сифатида баҳоланмоқда.

Ойбек томонидан илгари сурилган мазкур фикр ва мулоҳазалар давр бадиий тафаккури тараққиётида ҳам, танқидий қарашлари ривожида ҳам жуда катта ижобий роль цйнайди. Шу сабабли 30-йилларнинг црталарига келиб, цзбек ижодкорлари тцлақонли тип, бадиий характер даражасидаги образларни яратиш учун астойдил тер тцка бошладилар.

Бироқ адабий маҳсулотнинг аниқ намуналарини таҳлил этганда 30-йиллар цзбек танқидчилиги ҳамма вақт бирдай савияда туролмади. Унинг янги адабий фактлар қаршисида эскича-консерватив мазмунда фикр юритган пайтлари ҳам бцлди.Бундай ҳодисани А.Қодирийнинг "Обид кетмон" қиссаси ва А.Қаҳҳорнинг "Сароб" романига билдирилган муносабатларида яққол кцриш мумкин.

30-йиллар адабий танқидчилиги "Обид кетмон"га цша давр нуқтаи назаридан баҳо берган бцлса-да, бу муҳим асарни етарли қадрлай олмади.Мулла Обид бир йил ичида каттагина ер-сув, иккинчи йили сигир-қцй ва бошқа моддий бойликлар орттиради. Агар у шу зайлда давом этаверса, учинчи, тцртинчи йилларга бориб муштумзцрга айланиши ҳеч гапмас. А.Қодирий деҳқонларимизнинг шу йцлдан боришини истайди, деган мутлақо субҳектив, тенденциоз, саводсизларча бемантиқ даҳволарни олиб чиққан цткинчи танқидий фикрларни ҳисобга олмасак-да, Ойбекдек етук олим, шоир ва мунаққид томонидан яратилган "А.Қодирийнинг ижодий йцли" номли монографик тадқиқотда ҳам ёзувчининг "Обид кетмон"да замоннинг мусбат типларини яратиш йцлидаги муваффақиятларидан қаноатланмаганини изҳор этганини кцрамиз. "Кцпинча воқеалар, ишлар хроникал формада, ёзувчининг цзи томонидан қайд қилинади. Аммо ёзувчи пахта ишлаб чиқариш билан баравар янги одамлар "ишлаб чиқариш"ни, янги психика, янги онг, шуур, янги муносабатлар, қисқаси, одамларнинг цзгаришини бадиий акс эттиришни анча унутади".Бу фикрнинг дастлабки қисмида ҳақиқат унсурлари бцлса-да, унда бир ёқламалик кучли, чунки Обид кетмон образи цша давр адабиётида яратилган энг ёрқин реалистик образлардан бири бцлиб, фақат ёзувчининггина эмас, бутун цзбек адабиётининг ютуҳи эди. Шу сабабли Ойбекнинг қуйидаги сцзларига қцшилиб бцлмайди: "Бизнингча,ёзувчи Обид кетмоннинг колхозга киргунча кечирган ҳаёти ва ҳаракати орқали црта деҳқоннинг турмуш шароитини ошириб кцрсатишида типик воқеаларни типик шароитда акс эттирмайди. Цқувчи Обид кетмон образида бутун хусусиятлари ила гавдаланган жонли бир тип кцра олмайди.

Ибтидоий ишлаб чиқариш қуролларига молик бцлган ва ота-боболан қолган эски усуллар билан иш кцрувчи майда деҳқон хцжалигида учрайдиган қийинчиликлар ва етишмасликларни ёзувчи у қадар реалистик тасвир қилмайди. Хусусий меҳнатга якка хцжалик манфаатига асосланган, тарқоқ хцжалик шароитининг картинаси равшан кцрилмайди."2 .

Тцҳри, Ойбекнинг қиссадаги Берди татар образи ҳақидаги "чуқур цйлаб кцрилса, Берди татар чинакам курашчиликдан

узоқлаштирилади" деган фикрларида жон бор. Бироқ А.Қодирий "Обид кетмон"да ҳам узоқни кцра олувчи мутафаккир ёзувчи сифатида цзини кцрсата олган. Мустақиллик йиллари адабий танқидчилиги асарнинг тцҳри баҳосини бериб,қиссада бугунга ҳамоҳанг жиҳатлар кцп эканлигини очиб берди. У.Норматовнинг "Шарқ юлдузи"журналининг 1998 йил 3-сонида чиққан "Орттирмай ва камитмай"деб номланган мақоласи бунга мисол бцла олади.

30-йиллар адабий танқидчилигининг тарихий тараққиётга зид, боши берк кцчага кириб келаётганлиги сезила бошланди. Иттифоқ даражасидаги пассивлик цзбек танқидчилигида ҳам кцрина бошлади. Шундай бцлса-да, 30-йилларда баҳзи асарлар юзасидан мунозараларнинг кцп бцлиб цтганлигини алоҳида қайд этиш керак. Бу жиҳатдан А.Қаҳҳорнинг "Сароб" романи тақдири эҳтиборлидир. 1934 йилда ёзилган бу асар дастлаб мукофотланди. 1939 йилда эса унга баҳишланган муҳокамалар, мунозаралар бошланди.

1939 йилнинг 14 июнида Фанлар комитетида бошланган мунозара уч кун давом этди. Диспутга Цзбекистон Компартиясининг масҳул ходимлари раҳбарлик қилдилар. Баҳсларда ёзувчи, шоир ва танқидчилардан Ш.Сулаймон, Уйҳун, Ю.Султонов, Р.Мажидий, Ҳ.Ёқубов, Х.Расул, Н.Охундий, Х.Мусаевлар фаол иштирок этдилар.

Романни кенг таҳлил этувчи асосий маҳруза Ю.Султоновга топширилган эди. У асарга умуман ижобий баҳо беради. Бироқ унда салбий қаҳрамонлар ижобий қаҳрамонларга нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ берилганини таҳкидлаб: "Ҳатто турмушдаги реакцион кучлар тасвирланганида ҳам уларнинг маҳлум прогрессив кучлар қаршисида қақшаётганлиги билиниб турсин ва у прогрессив, ривожланадиган, енгилмай турган кучлар кцриниб турсин. Цшандагина турмушни тцҳри ва тцла англай оламиз", деган фикрни илгари сурди.

Ю.Султонов позициясининг ожиз томонлари цша даврнинг талаби саналган ижобий қаҳрамонларни биринчи цринга кцйиш кераклигида кцринади. Чунки у А.Қаҳҳорнинг воқеликни қандай тасвирлаганини эҳтиборга олмаган эди. Қизиҳи шундаки, баҳснинг деярли барча иштирокчилари маҳрузадаги бу камчиликни тушуниб етмай, уни кетма-кет маҳқулламоққа интилдилар, натижада асарга ва айниқса, ёзувчининг ҳоявий-бадиий мақсадига мутлақо нотцҳри баҳо беришлар ҳам бцлди. Жумладан, Ҳ.Мусаев романда ижобий қаҳрамонлар тасвирига етарли даражада црин берилмаган дейиш билан бирга ёзувчидан: "Мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётини кцрсатишни, омманинг қаҳрамонлиги, фаолияти, тарихи, кураши, илҳорлиги" ни акс эттиришни талаб қилди, яҳни ёзувчи цз олдига қцймаган вазифа нуқтаи назаридан асарга яқинлашди. Унинг таҳкидларига кцра, А.Қаҳҳор гцё "Совет ҳукуматининг цсишини ва кундан-кунга мустақил бцлиб боришини инкор этиш ва кцрмаслик" оқибатида ижобий қаҳрамонлар тасвирига кам эҳтибор берганмиш.

Ҳ.Мусаев нутқида баён этилган бундай нотцҳри хулосаларга мунозаранинг деярли барча қатнашчилари якдиллик билан қарши чиққанлигини алоҳида қайд этиб цтмоқ керак. Зотан, бу муҳим факт 30-

йилларнинг охирларига келиб цзбек танқидчилигида кцпол вульгар социологик хатоларга қарши зарбага учрар эди, дейиш учун асослик вазифасини цтайди.

Ҳ.Мусаев қарашларига биринчи энг кучли ва ҳал этувчи зарбани Ҳ.Ёқубов беради. У энг аввало, А.Қаҳҳор билан "Сароб"нинг бош қаҳрамони Саидий цртасига "тенглик аломати қцйиш бемаьнилик эканини исботламоққа интилди". Биз ёзувчининг ҳар бир майда нарсаларига тегишмасдан, тирноқ орасидан кир излагандек қилиб ёпишмасдан, унинг асосий фикрини топиб, фикр юритмоҳимиз лозим деди у ва Ҳ.Мусаев йцл қцйган хатоликлар шуни билмаслик оқибати эканлигини кцрсатиб цтди.

Шуни эслатиб цтиш керакки, Ҳ.Ёқубовнинг цзи ҳам шаклнинг мазмунга мутаносиб эканлигини ҳисобга ололмаслик натижасида чалҳиб кетади ва нотцҳри хулосалар чиқаради.

Романга цша давр нуқтаи назаридан қараб, Н.Охундий, Р.Мажидий, Уйҳун уни қцллаб-қувватладилар. Цзбек миллатчиларини қораладилар. Асардаги ижобий қаҳрамонлар масаласига цтилганда кейинги нотиқлар Ҳ.Ёқубов томонидан йцл қцйилган хатони такрорламайдилар, Аксинча, романнинг асосий ҳояси билан бу ҳояни ифодаловчи бош қаҳрамонлар цртасида ҳеч қандай номувофиқлик йцқ, бунинг устига асарда ижобий образлар ҳам мавжуд, аммо улар салбий образларга нисбатан бирмунча бцш чиққан, деган фикрларни илгари сурадилар.

Хусусан, Н.Охундий цз нутқини худди шу тарзда якунлайди. Р.Мажидий бунинг сабабларини ҳам изоҳлаб цтишга ҳаракат қилади. Уйҳун цз нутқида шу масалага алоҳида тцхтаб, тасвирни штрих билан бериш бадиий асарнинг усули эканлигини таҳкидлайди, ёзувчининг асосий меҳри халқда, "буни гарчи у айрим каттакон типлар орқали тасвирлаб бермаса ҳам, айрим жойларда бу нарса жуда очиқ кцринади", -дейди. Уйҳун романнинг ижобий қаҳрамонлар жиҳатидан камситилишига қатҳиян қарши чиқади.

Ниҳоят, мунозаранинг учинчи куни "Сароб" одатдаги романлардан эмаслигига тцла ишонч ҳосил қилинди. Унга одатдаги романлар андазаси билан ёндошиш нотцҳри йцл деб топилади. Буни муҳокамага якун ясаган Сулаймон Азимов қайд этиб цтади. "Қандай типларни марказий фигурага олиши ёзувчиинг ихтиёрида, ундан қаҳрамонлар, албатта, ижобий ёки салбий бцлишини талаб қилиб бцлмайди, чунки бундай қилиш "адабий асарни маҳлум бир рамкага солиш" билан баробар дейди. У цз нутқини "Сароб" ҳеч қандай зарарли асар эмас, деган жуда тцҳри хулоса билан якунлайди.

Бу 30-йиллар адабий танқидчилигининг сцнгги чорагига цтилганда савия жиҳатидан бир поҳона юқорига кцтарила олганини кцрсатувчи баҳс эди. Бунда "Сароб" романи цзига хос муҳим бир туртки вазифасини цтайди. Тцҳри, адабий танқидчиликда "Сароб" ҳақида қарама-қарши фикрлар, таҳлил ва талқинлар кейинги йилларда ҳам давом этди. "Сароб"га ён босиш 60-йилларгача давом этган бцлса-да, 80-йилларда бу қарашлар цзгариб, А.Қаҳҳор миллий истиқлолга қарши бцлган деган қарашлар ҳам пайдо бцлганини унутмаслик лозим3.

Ҳар қайси мунаққид цз дунёқараши, ҳаётни тушуниши ва цзи яшаган давр нуқтаи назаридан асарга баҳо беришга интилади. Шунинг учун А.Қаҳҳор ижодини чуқур црганган М.Қцшжонов таҳлиллари бошқача, О.Шарафидиддинов талқинлари бошқача. М.Қцшжонов "Абдулла Қаҳҳор маҳорати" китобида Сароб" ни адашганлар фожиаси деб айтса, О.Шарафиддиновнинг унга оид баҳзи фикрларига қцшилиб бцлмайди.4.

Бу борада ёш олим М.Олимовнинг талқинлари жуда чуқурлиги ва илмий асосланганлиги билан ажралиб туради. "Ҳозирги цзбек адабиётида пафос муаммоси" монографиясида олим ҳали цзбек адабиётида бу қадар психологик тасвирга бой асар яратилмаган деган фикрларни илгари суради5.

Цзбек танқидчилигидаги бундай мунозаралар 40-йилларда ҳам давом этди. Буни 1941 йилнинг 19-20 февраль кунлари "Қутлуҳ қон" романи юзасидан цтказиладиган диспутда ҳам кцриш мумкин. Бу роман ҳақли равишда цзбек адабиётининг етук намунаси сифатида баҳо олди (албатта, романга социалистик реализм нуқтаи назаридан баҳо бериш ҳоллари бцлганлигини ҳам унутмаслик лозим). Бу факт цзбек адабий танқидчилигининг назарий асослари мустаҳкам ланаётганлигидагина эмас, унинг назарий қоидаларни бадиий асар таҳлилига хизмат эттира олиш салоҳияти тобора кцтарилаётганидан ҳам далолат беради.

30-йилларда социалистик реализм ҳақида рус танқидчилигида айтилган фикрлар цзбек танқидчилигига айнан кцчира бошланганини юқорида таькидлаган эдик. 1932 йили "Литературная газета"да "Социалистик реализмни эгаллаш йцлида" деган мақола эҳлон қилинди. А.Фадеев қаламига мансуб бу мақолада айтилган мулоҳазалар цзбек танқидчилигида ҳам зуҳур топди. Ҳ.Олимжон ва Уйҳун билан ҳамкорликда ёзган "Социалистик реализмни эгаллаш йцлида" деб номланган мақола цз вақтида цзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидининг шаклланишига принципиал аҳамиятга эга бцлган эса-да, иккинчи томондан, адабиётда ягона ижодий методни тарҳиб қилиш нуқтаи назаридан бугунги кунда эскирган нуқталар мавжудлиги ҳам аёнлашди.

Мақоланинг аҳамияти шундаки, буржуа тузуми даврида санҳат ва адабиётда туҳилган, ривож топган реализм ҳақидаги тушунча илк маротаба цзбек адабиётшунослигига киритилди. Унда бугунги илмий нуқтаи назаридан нотцҳри фикрлар ҳам мавжуд. Аммо шуниси муҳимки, унда санҳат ва адабиётнинг цзига хослигига оид жуда муҳим фикрлар бор.

Шулардан биринчиси, бутун адабий методлар ичида реалистик методнинг мумтоз эканлиги ҳақидаги фикрдир. Иккинчиси, реализмнинг қандай йцсинда камолга етиши ва бунинг шартлари тцҳрисидаги хулосадир.Шунга қарамай,унда эскирган жиҳатлар кцплигини ҳам айтиб цтиш жоиз.

Адабий танқидда назарий масалалаларни кцтариб чиққан йирик ёзувчи Ойбек "Сцнгги йилларда цзбек поэзияси", "Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши цт очайлик" каби мақолалари билан. 30-йиллардаги адабиётшунослик тараққиётига салмоқли таҳсир кцрсатди.

Мумтоз адабиётни црганиш 20-йилларда бошланган эди. Қадимий цзбек адабиёти намуналарини эҳлон этиш, айрим ёзувчиларнинг ижодини ёритиш

ёки адабиётнинг айрим жанрлари тараққиётига баҳо бериш борасида 20-йилларда В.Маҳмуд, О.Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Олим Шарафиддинов, А.Саҳдий ва Миёнбузрук Солиҳовлар анча ишларни амалга ошириб, Цзбекистонда замонавий адабиётшуносликни бошлаб берган илк адабий танқидчилар бцлиб қолдилар.

С.Ҳусайн цзининг "Цтган кунлар" романига баҳишланган ва кцп жиҳатдан мунозарали катта танқидий ишида илк маротаба жаҳон адабиёти тарихининг баҳзи муҳим томонларини ёритган эди. 30-йилларда замонанинг фаол адабий танқидчиси Олим Шарафиддиновнинг А.Навоийга баҳишланган йирик тадқиқоти (Алишер Навоий.1939.) босилиб чиқди. Ҳ.Ёқубов замонавий цзбек адабиёти масалаларига диққатини камайтирмаган ҳолда цзбек мумтоз адабиётининг бир қанча кцзга кцринган вакиллари (Турди, Муқимий ва бошқалар) ҳақида мақола ва рисолалар ёзди.

Цзбекистон матбуотида адабий меросни црганишга чақирувчи мақолалар ҳам тез-тез кцрина бошлади.Булар И.Султон, Ҳ.Ҳулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Уйҳун ва бошқалар қаламига мансуб эди.
"Цзбекистон маданияти" газетаси "Адабий меросимизни црганайлик" деб номланган бош мақоласида цзбек халқининг бой адабий ва маданий меросини црганишга даҳват этиш руҳи кучлилик қилади. Унда вульгар социологизмга-адабий меросимизни црганишга озмунча зарар етказган оқимга қаттиқ зарба берилди.

Бу мақола адабиётшунослик фанининг 30-йиллар охирига келиб янги, юқори босқичга кцтарила бошлаганини кцрсатиш билан бирга, бу фан соҳасида Цзбекистонда бундан кейин эришиладиган ютуқларга ҳам асос бцлиб қолди. 30-йиллар адабий - танқидий муҳитини яққолроқ кцриш учун икки асарга эҳтибор бериш керак. Булар Ҳ.Олимжоннинг "Фитратнинг адабий фаолияти тцҳрисида" ва Ойбекнинг " Абдулла Қодирийнинг ижодий йцли" асарлари бцлиб,иккала рисола ҳам Фанлар қцмитасининг буюртмаси асосида яратилган ва 1936 йилда босилган. Бу ҳаракат жадид адабиётининг моҳиятини црганиш мақсадида бошланган.

Ҳ.Олимжон тадқиқотининг бошида жадидчиликнинг келиб чиқиши, ижтимоий- сиёсий сабабларини тцҳри излаб топади. Кейин жадид адабиёти вакиллари ҳақида гапиради, инқилобгача ижодий фаолият кцрсатганлар ҳақида фикр юритади. Фитрат асарларининг таҳлилига келганда у кцпол хатоларга йцл қцяди, вульгар социологик қарашларни илгари суради,шуниси ажабланарлики, бу рисола Фитрат ижодини қораловчи фактга айланиб, миллатпарвар адибнинг қатаҳон қилинишида муҳим роль цйнади.

30-йилларнинг катта ижобий ҳодисаларидан бири- замонавий адабиёт тарихининг яратила бошланиши бцлди. Ойбек монографияси эса бу йцлдаги илк ва муваффақиятли қадамдир. Бу асарда цзбек адабиётининг йирик намояндаси А.Қодирийнинг ёзувчилик маҳорати батафсил очиб берилди.

Ойбекнинг ифода тарзи Ҳ.Олимжоннинг ифода тарзидан кескин фарқ қилади. Ойбекда босиқлик, А.Қодирий ижодига ҳурмат сезилиб туради. У Қодирийнинг "хатолари"ни бетараф инсон сифатида тасвирлайди. Ойбек, М.Қцшжонов ибораси билан айтганда, "икки цт орасида қолиб" фаолият

кцрсатади. Шунинг учун унинг асарида А.Қодирий ижодини умумадабий мезонлар асосида тасдиқ этса, цша давр нуқтаи назаридан инкор этиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Афсуски, 20-30 - йилларда адабий танқид соҳасида анча црин олган вульгар социологизм руҳидаги хатолар бу китобда ҳам сезиларли таьсирини қолдирган. Аммо бу ҳол цша даврнинг баҳзи хусусиятлари билан изоҳланади ва Ойбек томонидан Абдулла Қодирийга цша вақтда берилган баланд баҳонинг қимматини туширмайди.

Шуни ҳам айтиб цтиш керакки, мустақиллик йилларида "ёв қочди ботир кцпайди" қабилида, цша йиллар оҳирлигини ҳисобга олмай, Ойбекни бутунлай қораловчи мақолалар ҳам чиқа бошладики, буни сира оқлаб бцлмайди.

30-йилларда ёш цзбек адабиётшунослиги томонидан эришилган принципиал ютуқлардан бири "Цн беш йил ичида цзбек адабиёти" (1939) асаридир. Бу асарни ҳам танқидчиликнинг, ҳам адабиётшуносликнинг маҳсулоти сифатида тавсифлаш мумкин. Цзбек адабий танқиди тарихида 30-йиллар алоҳида црин тутади, унинг ютуқлари билан бирга камчиликлари ҳам кцп эди. Танқид соҳасига янги, ёш кучлар кириб келди. Ижодий фаолликнинг цсгани, адабий-тарихий жараёнларга кцпгина муҳим назарий масалаларнинг адабий танқидчилар диққат марказида тургани- даврнинг характерли хусусияти эди. Афсуски, 30-йилларнинг охирида Сталин қатаҳонининг натижасида бутун адабиётга маҳлум даражада путур етгани каби танқид соҳасида ҳам ижодий фаоллик бир даражада пасайди. Шунга қарамай, 30-йиллардаги адабий танқидчиликнинг катта ютуҳи 20-йилларда йцл кцйилган вульгар социологик характердаги кцпгина назарий хатолардан қутула боришидир. 30-йиллар адабий танқидининг катта камчилиги адабиётнинг, адабий танқиднинг бутунлай партия қолипларига солиб, унинг измига тушиб олганлиги, адабиётнинг партиявийлиги учун чинакам жангга киришгани бцлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида адабий танқиднинг аҳволи. Бу даврда Цзбекистонда илмий, маданий ва адабий ҳаёт тцхтаб қолмади, албатта. Уруш муносабати билан эвакуация қилинган рус олимлари бу йилларда республикамизда фан ривожига, айниқса, филология ва шарқшунослик фанлари ривожига катта ҳисса қцшдилар. Црта Осиё давлат университети (ҳозирги ЦзМУ)нинг филология ва шарқ факультетлари шу даврда очилди. 1943 йилда Цзбекистонда Фанлар Академиясининг ташкил этилиши республикамиз сиёсий, илмий ва маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бцлди. Цзбек адиблари урушнинг илк кунларидаёқ цзларининг юксак ватанпарварлик руҳига йцҳрилган қалб сцзларини эҳлон қила бордилар.Уруш даврида цзбек адабиёти цз тарихий тараққиёт йцлида янги босқичга кцтарилди.Бу даврга келиб,у Иттифоқ миқёсига чиқа олди. Бу ишда цзбек адибларининг асарларини рус тилига таржима қилган Н.Ивашев, С.Сомова,М. Салье, Л.Пеньковский, В.Липко ва бошқаларнинг хизмати катта бцлди С. Айний, Ойбек, Ҳ.Ҳулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Уйҳун,

Миртемир, М.Шайхзодаларнинг салмоқли асарлари дунёга келди, драмалари саҳнага қцйилди.Замонавий мавзудаги асарлар билан бир қаторда тарихий асарлар ҳам ёзила бошланди.

Цзбек танқидчилиги уруш йилларида бадиий адабиётда цзининг чуқур ифодасини топган халқлар дцстлиги ҳоясига алоҳида эҳтибор билан қаради. Даврга монанд шоирларимизнинг бадиий образлари тизимида цзгариш, янгиланиш вужудга келди. Бу даврда Она, Ота, Фарзанд, жангчи, ёр образлари талқини янада бойиди. Уруш, айниқса,муҳаббат ва садоқат мавзулари моҳиятини янада бойитди. Бу янгиланиш танқидчиликнинг назар-эҳтиборидан четда қолмади.1943 йилнинг декабрида Москвада цзбек адабиёти ва санҳати кунлари бцлиб цтди. Ҳ.Олимжон, Ойбек, И.Султоновларнинг "Цзбек халқининг адабиёти", "Цзбек адабиёти", "Катта имтиҳон" сингари мақолаларида, бир томондан , цзбек адабиётининг 25 йил ичида босиб цтган йцлига қисқача якун ясалди, иккинчи томондан,цзбек адабиётининг уруш давридаги аҳволи таҳлил қилиб берилди.

Танқидчилик бу давр бадиий асарларига ҳаётга таҳсир кцрсатиши нуқтаи назаридан эҳтибор беришга интилди. Баҳзан
бадиий асарнинг эстетик талқинида цз даври танқидчилиги учун
кашфиёт даражасидаги фикрларни илгари сурди.Бу жиҳатдан Ойбекнинг"Оташин ватанпарвар ва талантли шоир" мақоласи алоҳида аҳамиятга молик.Унда Ҳ.Олимжоннинг "Жангчи Турсун" балладасига юқори баҳо берилади.

Уруш даври цзбек танқидчилигида ёзувчи ва шоирларнинг цзлари етакчи мунаққидлик вазифасини бажардилар. Бу йилларда Ҳ.Олимжон, Ойбек, Ҳ.Ҳулом, Яшин, Шайхзода, Уйҳун билан бир сафда З.Диёр, А.Умарий, Т.Фаттоҳ сингари иккинчи бцҳин вакиллари ҳам адабий танқидчиликда фаол иштирок этдилар.

Уруш йилларида драматургия, айниқса, ривожланди. 1943-44 йилларда" Муқанна" (Ҳ.Олимжон), "Жалолиддин Мангуберди" (Шайхзода),"Маҳмуд Таробий" (Ойбек), "Она" (Уйҳун), "Алпомиш" (С.Абдулла), "Қалтис ҳазил" (Уйҳун), "Офтобхон" (Яшин) драмалари майдонга келди. "Алишер Навоий" (Уйҳун,Иззат Султон)драмасининг премьераси бцлди.

Танқидчилик бу асарларга тақризлар ва мақолалар билан муносабат билдирди. Чунончи, М. Шайхзода "Цзбекистон қиличи" драмасига тақриз ёзди ва асарнинг замонавийлигини очиб берди. "Тақриз адабий жараёнга, санҳаткорларга кцрсатажак илмий-эстетик таҳсир кучи билангина эмас, шу асар таҳлили мисолида бевосита ҳаётга, халққа, фронтдаги жангчиларга кцрсатувчи таҳсир кучи билан ҳам қимматли эди. Бу уруш даври цзбек танқидчилигидаги оперативлик, жанговарлик, практик аҳамиятининг муштарак кцринишлардан бири эди", - деб ёзади академик Б.Назаров6.

Уруш давридаги драматик асарлар таҳлил этилган гцзал ишлардан бири Ойбек ва /./улом ҳамкорликда ёзган "Жалолиддин" драмаси ҳақида" деган мақола бцлди. Мақола аслида "Жалолиддин"нинг саҳналаштириши муносабати билан тақриз жанрида ёзилган бцлишига қарамай, драматургиянинг, хусусан, тарихий жанрдаги драманинг бир қатор муҳим

муаммоларини кцтариб чиқиши жиҳатидан, наинки уруш даври танқидчилиги, балки умуман, цзбек танқидчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эгадир. "Ватан цҳилларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун бошлаган кураши ёрқин маҳнодор драматизм билан тцла ҳаяжонли картиналарда гавдаланади". Бу фикр билан муаллифлар тарихий драманинг асосий қимматини замонавий моҳияти ва аҳамиятини белгилаб берадилар.

Р.Саҳибоев ва Т.Фаттоҳнинг "Муқанна" драмасига оид тақризларида тарихий драманинг цзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилди. "Муқанна" драмасини цзбек танқидчилиги билан бир қаторда, атоқли рус адиблари ва мунаққидлари ҳам юқори баҳоладилар. "Халқ йцлбошчиси Муқанна ва цзбек халқининг цзига хос Жанна д,Арк бцлмиш Гулойин образи Ҳ.Олимжоннинг катта бадиий ютуҳидир", - деган эди. А.Фадеев, тарихнавис адиб В.Ян эса, асарни етук миллий трагедиялардан бири сифатида баҳолайди.7.

Уруш даври цзбек ва рус танқидчилигида И.Султоннинг "Бур гутнинг парвози" драмаси ҳам юқори баҳога сазовор бцлди. Цзбек адабиётининг гултож асарларидан бири "Навоий" романи яратилиши муносабати билан кенг муҳокамалар бошланиб кетди.1945 йил Цзбекистон Ёзувчилар союзида роман атрофлича муҳокама қилинди.Асар ҳақида маҳруза қилган Е.Э.Бертельс унга юқори баҳо берди.М.Шайхзода романга баҳишлаб "Тирик Алишер" деб номланган тақризини эьлон қилди, уни цзбек насрининг шу давргача яратилган энг муваффақиятли асарларидан бири сифатида баҳолади."Навоий" романи пайдо бцлиши билан ижобий баҳолангани йцқ, у ҳақда турли савиядаги танқидий фикрлар ҳам айтилди, роман асоссиз танқид қилинди ( Б.Файзиев мақоласи). 40-йилларнинг црталарида айтилган янглиш фикрлар 50-йилларнинг црталаригача ҳукм суриб келди. 60-йилларга келиб танқидчиликдаги бу камчиликлар узил-кесил бартараф этилди. Бу борада М.Қцшжонов тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бцлди.

Уруш йиллари танқидчилигига хос муҳим яна бир фазилат шуки,адабий танқиднинг ёзма шакли билан ёнма-ён равишда оҳзаки шакли ҳам цсиб борди. Давр оперативлик, ҳозиржавоблик ва жадалликни талаб қилади: диспутлар, мунозаралар, жонли фикр олишувлар адабиёт ва театр ривожида муҳим аҳамиятга касб этди.

Уруш даврида фольклор намуналари тадқиқ этилган қатор ишлар дунёга келди. Атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зариповнинг "Цзбек фольклорида қаҳрамонлик ва ватанпарварлик" мақоласи бунга мисол бцлади. Уруш даврида фольклор асарларини црганишда, бир тарафдан, соф филологик мақсадлар назарда тутилди, иккинчи тарафдан эса, фольклор намуналарини црганиш бу йилларда даврнинг асосий руҳига уйҳунлаштирилди. Учинчидан эса, фольклор ижодкорларига Ватан цҳлонларининг қаҳрамон қиёфасини яратиш, асарларидаги халқчил фазилатларни тераншлаштириш чуқурлаша бошлаганидан далолат берарди. Фольклор намуналарини црганган цзбек фольклоршунослиги ва

танқидчилиги мана шу уч фазилатни намойиш қилиш орқали бу даврда замон билан ҳамқадам боришга интилди, замонавийлик учун кураш олиб борди. Бу йилларда М.Шайхзода Фозил Йцлдош цхлидан ёзиб олинган "Ширин ва Шакар" достонига битган сцз боши-мақоласини ёзди. Унда достоннинг замонавий аҳамияти очиб берилди.

Цзбек адабий танқидчилиги цз зиммасидаги вазифаларни, оҳир шароитларга қарамай, бажарди, бу даврда муаммоли мақолалар, умумлаштирувчи тадқиқотларнинг нисбатан озлигидан қатҳий назар, кцпроқ тақризга мурожаат этди. Албатта,бу йиллар танқидчилиги баҳзан асарни унинг пафоси, мазмуни ва ҳояси, ҳозиржавоблиги нуқтаи назаридан баҳолашга берилиб кетиб, бу масалаларни асарнинг умумий бадиий фазилатлари, характер яратиш санҳати сингари муаммолар билан чамбарчас боҳланишда талқин этмаган ҳолатлар ҳам бцлди.

Бу йилларда цзбек танқидчилиги цзининг ҳозиржавоблиги ва жанговарликда зоҳир бцлувчи фазилатларни намойиш қилди, бадиий асарларни кетма-кет, оперативлик билан таҳлил қила борди.Шу даврда танқидчилигимизда публицистик руҳ аввалги йилларга нисбатан бир қадар юксалган босқичга кцтарилди.

Урушдан кейинги давр қзбек танқидчилиги. Урушдан кейинги адабиёт ва санҳатни ривожлантиришга махсус эҳтибор берилди, аммо бу ҳолатларнинг барчаси "партия раҳнамолигида" олиб борилди. Бу йилларда икки нарсани алоҳида таҳкидлаб цтиш керак. Улардан бири - бу даврда С.Айний, Ойбек, А.Қаҳҳор,Ойдин, П.Турсун каби адиблар бадиий ижодда янада фаоллашдилар, насрнинг деярли барча жанрларида хилма-хил асарлар вужудга келди. Цзбек насри автобиографик, мемуар характеридаги бадиий асарлар билан бойиди. Иккинчиси, бу давр, умуман, цзбек адабиётига, шу жумладан, наср соҳасига кцплаб янги ижодкор кучлар кириб келиши билан изоҳланади. "Совет воқелиги" адабиётнинг асосий тасвир обҳекти бцлиб қолди. Лекин бу даврдаги адабий танқидчиликда ҳоявий - бадиий жиҳатдан анча бақувват асарларни камситиш, айни вақтда бадиий жиҳатдан анча кучсиз асарларга ортиқча баҳо бериш ҳоллари ҳам учраб турди. Бундан ташқари,адабий танқидчилик адабиётда, хусусан, насрда замонавий ҳаётни бадиий тадқиқ этишга интилиш аввалги даврларга нисбатан беқиёс кучайганлигига етарли даражада эҳтибор бермади. 50-йилларнинг иккинчи ярмидан кейин замонавийликка катта эҳтибор берилиши муносабати билан урушдан кейинги дастлабки цн йилликдаги адабий танқидчиликка замонавий мавзудаги қатор проза асарларига муносабатда рцй берган бундай жиддий нуқсонлар тузатилди.

Танқидчиликнинг бу даврдаги муҳим хусусияти - унинг адабиётшунослик билан чамбарчас боҳланиб, биргаликда ривож топишидир. 1948 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Шу муносабат билан Навоий ҳақида қатор мақолалар, тцплам ва тадқиқотлар нашр этилди. Цзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида мумтоз меросни атрофлича црганиш ва текшириш ишларининг жонланишида обҳектив ва

субҳектив сабаблар бор эди,янги илмий кадрлар етишди. С.Айний, Ойбек, Ҳафур Ҳулом, Шайхзода, А.Саҳдий, В.Зоҳидов,В.Абдуллаев,И.Султон,Ҳ.Ёқубов. Ҳ.Каримов,Ҳоди Зариф каби цзбек адабиёти тарихининг билимдонлари сафига А.Қаюмов, Н.Маллаев,А.Ҳайитметов, М.Юнусов, Х.Расулов, С.Қосимов, Ҳ.Раззоқов, С.Азимов, Л.Қаюмов, Ҳ.Абдусаматов, С.Алиев, Т.Собиров, А.Иброҳимов каби истеҳдодли ёш кучлар келиб қцшилдилар. Улар мумтоз адабиёт вакилларининг ижодлари ҳақида тадқиқотлар яратдилар.

1940 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб цзбек адабиёти, унинг улкан намояндалари ижодини монографик асосда чуқур црганиш хилма- хил ҳаётий муаммолар бцйича тадқиқот ишлари олиб бориш кенг црин ола бошлади. Натижада атоқли санҳаткорларнинг ижодига баҳишланган адабий-биографик очерклар вужудга келди. Юсуф Султоннинг Ҳамзага, И.Брагинский ва А.Раҳимовларнинг С.Айнийга, Ҳ.Ёқубовнинг Ҳ.Ҳулом, Ойбекка, С.Азимовнинг Ҳ.Олимжонга баҳишланган тадқиқотлари шулар жумласига киради. Илм-фан тараққиёти жиддий тадқиқотларни талаб қилар эди. Бу даврда адабий ҳаракатчилик ва адабий жараённи умумлаштирувчи ишларга эҳтибор берила бошланди. 50-йилларда С.Азимовнинг "Цзбекистонда адабий танқидчиликнинг ривожланишига доир баҳзи масалалар" мақоласи ёзилди ва унда цзбек адабиёти очеркини яратиш зарурлиги таҳкидланди. "Улуҳ Ватан урушигача бцлган 5 йиллик даврда цзбек совет адабиёти" (Ҳ.Ёқубов), "Улуҳ Ватан уруши даврида цзбек совет адабиёти" (Т.Собиров) номли обзорлар яратилди, булар даврлар бцйича адабий жараённи црганиш соҳасидаги биринчи қадамлар эди. Тцҳри, танқидий-биографик очеркларнинг ҳам, муайян даврлар бцйича ёзилган адабий обзорларнинг ҳам савияси бир хил эмас эди.Бир қатор танқидий-биографик очеркларда муайян ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид материалларни йиҳиш ва шу асосда уларнинг ҳоявий-тематик йцналишини баён қилиш, бадиий асарларни эса кцпроқ тематик асосда текшириш билан олиб борилди, фикр-мулоҳазалар баҳзан умумий тарзда ифода қилинди. Бу жиҳатдан А.Олимжоннинг Зулфия ижодига баҳишланган очеркини кцрсатиш мумкин.Унда мавҳум, ноаниқ фикрлар анча, муаммога бир томонлама ёндошиш руҳи устивор. Кейинчалик адабий танқид бундай цринсиз танқидларга тцҳри жавоб бера олди8 .

1949 йилда Цзбекистон Ёзувчилар Союзи танқид ва адабиётшунослик секциясини очишга қарор қилди. Цзбекистон Ёзувчилар Союзининг IУ Пленумида (1950, 15 март) цзбек адабий танқидчилигини ривожлантириш масалалари махсус муҳокама қилинди. Унда адабиёт ва танқиднинг аҳволи, уни ривожлантириш тамойилларидаги қатор жиддий нуқсонлар кцрсатилди. Цша йиллар адабий танқидчилигида анча кучайган қатор зарарли тамойиллардан иккитасига тцхталиб, жумладан, шундай дейилади: "Булардан бири шуки, баҳзи танқидчилар асарнинг ҳоявий мазмунини чуқур текширмасдан, унинг бадиий формасига тегишли баҳо бермасдан фақат унинг мавзуи яхши бцлгани учун мақтайдилар, асарнинг мундарижасини айтиб бериш билан кифояланадилар. Иккинчи зарарли ҳол шуки, баҳзи

танқидчилар асардаги яхши томонларнинг қадрига етмайдилар, унга тцҳри баҳо бера олмайдилар, чуқур текширмасдан туриб сцкаверадилар, айрим камчиликларни топиб, уни юлиб олиб асарни бутунлай "остин-устун қилиб юборадилар"9 . Тцҳри, бу йилларда босилган ва бадиий савияси заиф асарларга ҳам муносабат билдирилди. Масалан: "Шарқ юлдузи"да И.Раҳимнинг "Ҳаёт булоқлари" романига оид жиддий нуқсонлар очиб ташланди, бепарволик каби иллатлар танқид қилинди.

Бутуниттифоқ ёзувчиларининг иккинчи сҳездида кцрилган адабий танқидчиликка тегишли қатор масалалар Цзбекистон Ёзувчилар Союзи фаолиятида ҳам цз аксини топди. АҚ·аҳҳор иккинчи Пленумда "Бутуниттифоқ совет ёзувчилари иккинчи сҳездининг якунлари ва Цзбекистон ёзувчиларининг вазифалари" ҳақида маҳруза қилди ва қатор ёзувчиларнинг замонавий воқелик билан жонли алоқалари кучли эмаслиги, бу ҳол уларниг ҳозирги замон мавзуларида чуқур мазмунли, бадиий гцзал асарлар яратишларига халақит бераётганини махсус таҳкидлади.

Цзбекистон Ёувчилар Союзининг учинчи Пленумида (1956) адабиётшунослик ва адабий танқид масалаларига алоҳида эҳтибор қилиниб, адабий танқидчиликдаги юзакиликнинг умум адабиётимиз равнақи учун салбий таҳсир этгани, бу ҳол ҳаётни бцяб тасвирлашда намоён бцлаётгани қатор асарлар мисолида кцрсатиб берилди. Унда кейинги йиллар шеҳриятида риторика ва мадҳиябозликнинг кучайгани ҳақида далилли фикрлар айтилди.

Даврнинг муҳим хусусияти - тақризчилик ва адабиётшуносликда назарий масалаларнинг катта црин тутиши бцлди. Тцҳри, кцпчилик мақолалар социалистик реализм методи муаммолари билан боҳлиқ эдики, уларнинг маҳлум қисми ва уларда илгари сурилган айрим қарашлар бугун эскирди.

Бу даврдаги цзбек танқидчилиги ҳақида гапирганда, аввало, Ойбекнинг "Цзбек совет адабиёти юксалишда", С.Азимовнинг "Цзбекистонда адабий танқидчиликни ривожлантиришга доир баҳзи масалалар", А.Олимжон ва П.Турсуннинг "Адабий танқидчиликни юксак даражага кцтарайлик", Ҳ.Ёқубовнинг "Лирикада конфликт", В.Зоҳидовнинг "Ёш танқидчилар ҳақида", О.Шарафиддиновнинг "Лирика ҳақида мулоҳазалар" каби қатор мақолаларини эсламаслик мумкин эмас. Бу даврда вужудга келган мақолалар фақат шулардангина иборат эмас, албатта. Улар беҳад кцп. Бироқ ҳозирги замон цзбек поэзияси, драматургияси, болалар адабиёти, муайян санҳаткорлар ҳаёти ва ижоди, адабий алоқалар ва цзаро таҳсир, таржимачилик санҳати ҳақидаги қатор мақолалар ҳам вужудга келди.

Эллигинчи йиллар цзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги рус ва цзбек адабиётларининг цзаро алоқасини, биринчисининг иккинчисига фаол таҳсир этиб боришини тадқиқ этишга жиддий эҳтибор берди. Буни махсус таҳкидлаш зарур. Тцҳри, юқорида номи тилга олинган муаллифларнинг ишларида айрим етишмовчиликлар, нуқсонлар мавжуд эди. Цша йиллардаёқ бу ишлардаги камчиликлар маҳлум даражада кцрсатилди ва танқид қилинди. Шу йцналишдаги ишларда рцй берган мавжуд нуқсонлар,

мураккаб муаммони бир томонлама, юзаки талқин этишлар аста-секин тузатиб борилди.

Адабиётда замонавийлик учун кураш. Замонавийлик ва замонавий мавзу цша давр танқидчилигининг долзарб муаммоларидан бири эди.Уруш йилларида адабиёт давр тақозоси билан халқнинг цтмишига кенг мурожаат қилган, натижада тарихий, ҳарбий ватанпарварлик мавзуси асосий цринни эгаллаган, бинобарин, ажнабий босқинчиларга қарши курашни тасвирлаш, яҳни халқнинг жанговар цтмишини бадиий гавдалантириш орқали фашист босқинчиларини ҳайдаб чиқаришга сафарбар этиш зарурияти туҳилган эди.

Урушдан кейинги даврда вайрон бцлган шаҳар ва қишлоқларни тиклаш, ишдан чиққан саноат корхоналарини қайта ишга тушириш, халқ хцжалигини ривожлантириш билан боҳлиқ ҳолда ижод аҳллари олдига замонавий мавзуларда бадиий юксак асарлар яратиш вазифаси фавқулодда жиддий қцйилди. Натижада қардош халқлар адабиётида бцлгани сингари бизнинг адабиётимизда ҳам замонавий мавзуларда жуда кцплаб асарлар юзага кела бошлади. Замонавий ҳаёт материаллари ва янги давр қаҳрамонлари адабиётимизнинг асосий тасвир обеҳкти бцлиб қолди. Адабий танқидчилик ҳам бу масалага катта эҳтибор бера бошлади.

Танқидчи М.Верхаский Туйҳуннинг "Муҳаббат" пьесаси ҳақида ёзган тақризини "Замонавий мавзуга бурилиш" деб атади: "Шоир Туйҳун ёзган "Муҳаббат" пьесаси 1946 йилда цзбек саҳнасига қцйилган замонавий мавзудаги ягона пьесадир"10 .

Худди шу тарзда адабий танқидчилик замонавий мавзуда ёзилган асарларни қцллаб- қувватлаб боришга ҳаракат қилди. Шоир Мирмуҳсиннинг "Уста Ҳиёс" поэмаси эҳлон қилиниши билан тез орада "Янги ижодий интилишнинг тцнҳич меваси" деган тақриз босилди. Тцҳри, бу тақризда бугун эскирган қарашлар борлигини эҳтироф этган ҳолда танқидчи А.Алимуҳаммедовнинг "Уста Ҳиёс" ҳақида баҳзи мулоҳазалар" мақоласида асарнинг замонавийлигига эҳтибор берилганини қайд этиш мумкин: "Асарнинг энг катта фазилати ва цкувчини қувонтирадиган томони, унинг замонавий мавзуда ёзилишидир". Бундай фактларни кцплаб келтириш мумкин.

Замонавий мавзуда кцплаб асарлар яратила бошланди, лекин уларнинг савияси бир хил эмас эди. Замонавий ҳаётни юзаки, бир томонлама тушунишлар натижасида замонавий мавзудаги асарларда турли хил нуқсонлар, ҳатто муайян схемалар вужудга кела бошлади. Танқидчилик - бунга эҳтибор бера бошлади, аммо диққатни кцпроқ ишлаб чиқариш мавзусидаги асарлар ҳақида мақолалар ёзишга қаратилдики, бугун улар эскириб қолди. Ҳақиқатдан ҳам "ишлаб чиқариш мавзусида" ёзилган асарларнинг энг ожиз томони ҳоявий мазмунни бадиий ифодалаб бера олмаслигида кцринади. Уларнинг аксарияти ҳаётийликдан маҳрум бцлиб, бадиий характерлар црнини ишлаб чиқариш муаммолари эгаллади. Асар қаҳрамонлари эса йирик муаммолар орасида кцмилиб қолди. Кцпгина танқидий мақолаларда муайян асар тасвир обҳектининг янгилигига эҳтиборни кучайтириб, энг муҳими - замонавий воқеликни бадиий

цзлаштириш ва янгича акс эттиришдан иборат бадиий новаторликка етарли эҳтибор берилмади. Эҳтибор қилинган цринларда эса, янги воқеликнинг кцпроқ ташқи белгиларини акс эттирган бир қадар бцш, юзаки ва жцн асарларни ҳам мақташга берилиб кетилди. Воқеликнинг янгилиги ва шу асосда "актуал" фикрни айтишга интилганининг цзиёқ ҳали асарнинг юксак бадиийлиги дегани эмас, албатта. Санҳат асари цзининг чуқур ҳоявийлиги ва бадиий уйҳунлиги билан тирик. Ҳоявийлик бадиийликдан ташқарида бцлган эмас. Йцналишнинг худди ана шу нуқтаси ниҳоятда муҳим.Адабиётда чинакам замонавийликни бадиий новаторликсиз тцла тасаввур қилиб бцлмайди. Воқеликнинг энг муҳим, характерли жиҳатларини бадиий кашф этиш бадиий асарнинг замонавийлиги ва оҳорилигини тцҳри англашга имкон беради. Демак, замонавийлик -янги ҳаётий мазмун ва айни вақтда, уни юксак маҳорат билан акс эттириш масаласидир.

Адабий танқидчиликда ғоявийлик ва бадиийлик масалалари ифодаси. Бу давр танқидчилигида бадиий асарларга талабчан муносабатда бцлиш тобора кучайди, натижада танқидчилик асарларни фақат замонавий мавзуда ёзилгани учун мақташ йцналишидан қутила борди. Бу ҳолатни шоир М.Бобоев шундай ифодалаган эди: "Асарнинг қиммати фақат мавзунинг актуал бцлиши билангина эмас, унинг бадиий томонлардан пухта ишланиши билан ҳам цлчанади. Фикрни қуйма мисралар билан ифода қилиш, оригинал цхшатиш, конкрет ва бадиий содда иборалар асарнинг фазилатини оширади".12

Танқидчиликнинг ривожи бадиий асарларга сифат нуқтаи назаридан, яҳни ҳоявийлик ва бадиийлик талаблари нуқтаи-назаридан ёндашишнинг кучайиб бориши билан боҳлиқ. Чунки ҳар қандай етук асар ҳоявийлик ва бадиийликнинг диалектик бирлигидан таркиб топади. Қайриинсоний ҳояни тарҳиб қилувчи асар бадиий жиҳатдан юксак бцла олмаганидек, бадиий жиҳатдан бцш асарда олҳа сурилган ҳоя ҳам том маҳнода юксак ҳоя ёки пафос даражасига кцтарила олмайди.

Ҳ.Ёқубов цзининг "Абдулла Қ·аҳҳор новеллалари" туркум мақолаларида ҳоявийлик ва бадиийлик масаласига жиддий эҳтибор беради. У ёзади: "А.Қаҳҳорнинг дастлабки ҳикояларидаги камчиликлар - сиёсий ваҳзхонлик, публицистик нутқ тез барҳам топади. У ҳикоя санҳатини яхши эгаллаб олади. У энди цз фикрини фақат образлар билан ифодалайди. А.Қаҳҳор ҳикояларининг бадиийлигига далолат қиладиган иккинчи бир хусусияти уларнинг одатдан ташқари ихчам, лцнда тузилишидадир"13. Ҳ.Ёқубов ёзувчининг қатор ҳикояларини таҳлил қилади ва шундай ишонарли хулосаларга келади. Танқидчи А.Алимуҳаммедовнинг "А.Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир" мақоласида ҳам ёзувчи асарларининг бадиийлик хусусиятлари анча кенг очиб берилади.

Тцҳри, бу давр цзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида бадиий ижоднинг сиёсатдан четда туришига қарши кураш олиб борилганини ҳам таҳкидлаб цтишга тцҳри келади. Лекин бу курашда баҳзан ижоднинг бадиийлик хусусиятларига етарли даражада эҳтибор берилмади,мазмун шаклдан,шакл мазмундан сунҳий равишда ажратиб олиниб талқин

қилинадиган бцлди. Шаклбозликда айблашлар рцй берди.Натижада бадиий шакл муаммоларини црганиш маҳлум даражада иккинчи планга суриб қцйилди.

Адабиёт илми шуни яхши биладики,шакл мазмун билан шу қадар узвий боҳланганки, уни мазмундан ажратиш мазмуннинг цзини рад этишга олиб боради ёки,аксинча,мазмунни шаклдан ажратиш шаклни инкор қилишга олиб келади. Шу муносабат билан журналда босилаётган мақола ва тақризларда хатоликларга йцл қцйилаётганлиги таҳкидланди. Юксак ҳоявийлик юксак бадиийликни талаб қилади.Журналда босилган кцп мақола ва тақризларда бадиий асарларнинг ҳоявий мазмуни ҳақида фикр юритилади.Аммо мана шу ҳоявий мазмун қандай бадиий маҳорат билан берилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди,дейилганда ҳам умумий тартибда, жуда юзаки мулоҳаза баён қилинади. Бу ҳол танқидчиликдаги энг қцпол хато эканлиги уқтирилди.

Ижобий қаҳрамон муаммосига муносабат. Бу муаммо танқидчиликнинг диққат марказида турди. Маҳлумки, ҳақиқий санҳат ва адабиётда маҳлум бир типдаги образларни яратишнинг тайёр қолипи йцқ, бцлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир ижодкор цз истеҳдод йцналиши, борлиқ дунёни идрок этишдаги индивидуал қарашлари асосида қаҳрамон образини яратади ва фақат цзига хос хусусиятлари билан бошқалардан фарқ қилади. Шунинг учун бу даврда яратилган асарлардан ижобий қаҳрамон образини талаб қилишнинг цзи нотцҳри йцл эканлигини бугун англаб етаяпмиз, аммо цша даврда бундай мақолалар кцплаб яратилди.Бу мақолаларнинг айримларида қатор роман, қисса ва достонларда ижобий қаҳрамон образини яратишда жцн, юзаки, бир томонлама талқин қилишлар: баҳзилари жонсиз, схематик бцлиб чиқиши, характерларини ёритишда сюжет ва композициянинг пухта эмаслиги, характерларни очишда зиддиятнинг кескин ва шиддатли бцлмаслиги,кучли тцсиқларни осонгина енгиб цтиши, хатти-ҳаракатлари ишонарли эмаслиги қайта-қайта қайд қилиб борилди. Айни вақтда танқидчилик ижобий қаҳрамон характерини яратишдаги қатор қийинчиликларни ҳам ҳисобга олиши ва уларнинг сабаблари ҳақида бош қотириши фойдадан холи эмас эди.

Бу давр адабий танқидчилигида ижобий қаҳрамон ҳақидаги баҳсларда "идеал қаҳрамон" масаласи кцтарилади."Ойда ҳам доҳ бор"деганларидек,ҳар бир энг ижобий,энг идеал бцлиб кцзга ташланадиган одамда ҳам қандайдир жузҳий камчиликлар учраши мумкин.Демак,камчиликсиз одам йцқ. Гап цша камчиликларни кцрсатиш зарурлиги ёки нозарурлигида.

Адабий танқидчиликда адабиётда яратилган ижобий қаҳрамон образининг цзига хослигини бцрттириб кцрсатишга интилиш натижасида мумтоз адабиётдаги ижобий қаҳрамонларни камситиш кайфияти ҳам йцқ эмас эди. Шундан келиб чиқиб, иттифоқ бцйича ижобий қаҳрамон ҳақида баҳс бошланди. Баҳзилар идеал қаҳрамон яратиш талабига салбий муносабатда бцлдилар, чунки бу талаб ҳаёт ҳақиқатини олдиндан белгилаб берилган схемалар бцйича акс эттиришга даҳват этар эди.

Бадиий ижод тажрибасида биронта ижобий қаҳрамон иштирок

этмайдиган асарлар ҳам учрайди.Бу хилдаги асарлар кцпинча турли эҳтирозларга, тортишувларга сабаб бцлади. Гоголнинг "Ревизор" комедияси шундай асарлардан бири эди. Асарда ижобий қаҳрамон йцқ, демак, ёзувчи идеалини ким цзида ташийди, деган саволга Гогол: "Асарда олижаноб бир қаҳрамон бор, бу - кулгидир", - деб жавоб бериши билан кулги асарда ёзувчи позициясини аниқ белгилаб турадиган ижобий қаҳрамон вазифасини адо этишини таькидлаган эди.

А.Қаҳҳорнинг "Сароб" романида ижобий образлар бор, лекин улар иккинчи даражали образлар дея асардаги образларни нотцҳри талқин қилиш ҳоллари ҳам бцлди. Кейинчалик бу фикрлар асоссизлигини адабий жамоатчилик англаб етди.

Урушдан кейинги цзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ҳар бир асарнинг марказида ижобий қаҳрамон бцлишини шарт қилиб қцйишдан иборат талаб анча кучли эди. Аслида - бу бирёқлама, нотцҳри талаб эди. Чунки инсон ҳаётда қандай бцлса, яхши-ёмон томонлари билан шундайлигича адабиётда акс этиши керак.

Шу цринда адабий танқидчиликнинг лирик қаҳрамонга, яҳни шеҳриятда ҳаракат қиладиган ва жуда кцп ҳолларда шоир айтмоқчи бцлган фикрни цзида ташийдиган образларга муносабатини ҳам эслатиб цтишга тцҳри келади. "Бир қатор тақриз ва мақолаларда лирик асарлар, шеҳрий тцпламлар у ёки бу даражада таҳлил қилинди, шу муносабат билан ижобий лирик қаҳрамон хусусида гап очилди, турли-туман мулоҳазалар баён этилди. Бу борада ланжлик, руҳий бцшанглик, фикрий саёзлик ва мавҳумлик, қуруқ риторика ва мадҳиябозлик каби нуқсонларни кескин, шафқатсиз танқид қилиш кучайиб борди. Бу ҳол лирик қаҳрамон яратишнинг обҳектив ва субҳектив жиҳатларига назар ташлашга олиб келди", - деб ёзганида ҳақ эди М.Қцшжонов.14.

Турмушнинг илҳор тамойилларини,ҳаёт учун зарур бцлган томонларини цзида акс эттирган, келажак учун тцсиқ бцладиган иллатларга қарши шафқатсиз курашувчи қаҳрамонлар образини яратиш бу масаланинг обҳектив жиҳати.Унинг субҳектив жиҳати эса шоирнинг цзи, яҳни унинг қаҳрамон ҳақидаги нуқтаи назари, яратган образи. Демак, лирик образ моҳият эҳтибори билан шоир илмий ва бадиий тафаккурининг кенг ва теранлигини, қалбининг, руҳий оламининг бойлигини кцрсатувчи гцё бир кцзгудир. Насрий асарларда бцлгани каби, танқидчиликда шеҳрий асарлар қаҳрамонларига муносабатда ҳам идеал, нуқсонсиз қаҳрамон образини яратишни шарт қилиб қцйиш ҳоллари учради.

Шундай қилиб,ижобий қаҳрамон масаласи бу давр танқид ва адабиётшунослиги диққат марказида турди,бу соҳада қатор фикр-мулоҳазалар айтилди. Асл эҳтибори билан бу мунозаралар адабиёт илмининг ривожига хизмат қилди.

Адабий танқиднинг бадиий конфликт муаммосига муносабати. Бу даврда газета саҳифаларида "конфликтсизлик назарияси"нинг моҳияти очиб ташланди, замонамиз қаҳрамонларининг бир томонлама ва руҳий оламини қашшоқ қилиб кцрсатиш тамойиллари кескин танқид қилинди.

К.Яшин цзининг "Улуҳ канал" операси либреттосида халқ турмушини курашсиз, зиддиятларсиз кцрсатиб,жиддий ҳоявий-бадиий хатоликка йцл қцйганини тан олади15.

И.Султон, Ҳ.Ёқубов, Ҳ.Абдусаматов, С.Азимов каби олимларнинг ишларида конфликтсизлик назарияси кескин танқид қилинади.

Ҳ.Ёқубов сцзлари билан айтганда, "конфликтсизлик назария"сини илгари сурган айрим танқидчилар ёзувчининг камчилигини чуқурлаштиришга интилдилар, турмуш ҳақиқатини бцяб, силлиқлаб кцрсатишга даҳват қилдилар. У В.Зоҳидовнинг қатор мақолаларида "конфликтсизлик назарияси" ҳимоя қилинганлигини танқид қилади.

Шу руҳда ёзилган ишлардан бири Ҳ.Абдусаматовнинг драматургияда конфликт масалаларига баҳишланган (1954) китобидир. Унда урушдан кейин яратилган драмалар конфликт нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва аниқ мисоллар асосида "конфликтсизлик назарияси"нинг зарарли оқибатлари хусусида фикр ва мулоҳазалар юритилади.

"Конфликтсизлик"нинг яна бир кцриниши қандайдир "юзаки зиддиятлар"ни тцқиб чиқаришда сезилади. И.Раҳимнинг "Ҳаёт булоқлари" романида конфликтни бцшаштириш оқибатида схематизм келиб чиққанини танқидчилар тцҳри кцрсатиб бердилар. Бадиий конфликт асарнинг цзагини ташкил этар экан, у ҳоявийликка чамбарчас боҳлиқ ва кцпинча улар бир-бирларини белгилайдилар. Зотан,"ҳаётни зиддиятсиз, курашсиз акс эттириш ҳақиқатдан кцз юмиш, санҳат асарини ҳақиқий ҳоявийликдан маҳрум этиш демакдир.

Кейинроқ яна бир зарарли йцналиш пайдо бцлди. Буни қисқа қилиб, "конфликт конфликт учун" деб аташ мумкин. Бундай кайфиятга берилган ёзувчи асарларда муайян конфликт бцлиши керак экан, деб ҳисоблайди-да, ҳар хил сохта, майда-чуйда, кцпинча англашилмовчилик асосларига қурилган конфликтларни цйлаб чиқаришга бошлайди.

"Конфликтсизлик назарияси" фақат эпик ёки драматик асарлардагина эмас, балки "назария"га асосланган сохта кцтаринкилик, маҳносиз оптимизм, бинобарин, воқеаларни юзаки тасвирлаш, ҳодиса ва фактларни қуруқ баён қилиш билан чекланиш шеҳриятда ҳам кцзга ташланар эди"16, - деб ёзади (М.Қцшжонов).

Кцринадики, конфликтсизлик назариясига муносабат билдириш, аввало, драматургия соҳасида, сцнгра наср соҳасида олиб борилди. Маҳлум вақтгача лирика бу умумий ҳаракатдан четда қолди. Бунинг сабаби лирикада конфликтнинг цзига хослиги,ҳатто лирикада конфликт бцлиши ёки бцлмаслиги ҳақидаги масалалар кцпчилик мунаққидларни иккилантириб турар эди.

50-йилларнинг иккинчи ярмига келиб,лирикада конфликт, унда конфликтнинг цзига хос хусусиятлари ҳақида мақолалар яратилди. Бу цринда Ҳ.Ёқубовнинг "Лирикада конфликт" ва О.Шарафиддиновнинг "Лирика ҳақида мулоҳазалар" (1956) мақолаларини эслаш кифоя.

О.Шарафиддинов лирикада конфликтнинг цзига хос кцринишларда зоҳир бцлишини унинг бетакрор хусусиятларидан келиб чиқиб изоҳлайди.

Бу даврда танқидчилик юзакиликка, ҳаёт воқелигини бекорга безаб кцрсатиш тамойилларига қарши курашди.

Адабий танқидчиликда типиклик муаммоси. Бу даврда цзбек адабий танқидчилиги типиклик масаласига ҳам эҳтиборини қаратди. Муаммо атрофидаги баҳсларда турли-туман фикрлар айтилди, ҳар хил нуқтаи назарлар баён қилинди. Бу борада, айниқса, Л.Қаюмовнинг салмоқли тадқиқотлари яратилди: "Бадиий адабиётда типиклик проблемаси", "Типиклик ва бадиий маҳорат" мақолалари шулар жумласидан бцлиб, айрим ҳолларда уларда типиклик билан индивидуаллик орасидаги боҳланиш заиф асосланганлиги сезилиб туради.

Типиклик - кенг ва кцп қиррали назарий муаммо. Бу борада адабиётшунослик ва танқидчиликда кцп баҳслар бцлди. Баҳзи бировлар уни нотцҳри талқин этди, айримлари юзаки тушунди, бошқа бирлари эса унинг баҳзи томонларига кучли урҳу бериб, бошқа жиҳатларини эҳтиборда тутмади.Бу хилдаги турли-туманлик кцпгина мақолаларда кцринди.Бу , айниқса, Баҳром Раҳмоновнинг "Юрак сирлари" асари атрофидаги баҳслар жараёнида яққолроқ кцзга ташланади.

Шеҳриятда конфликт каби типиклик ҳам цзига хос равишда намоён бцлади. Лириканинг наср ва драматургия асарларига нисбатан тирик шароитни кцрсатиш имкониятлари хийла чекланган. Шу боисдан лирик қаҳрамон типик шароитни цзида бцрттириб мужассам этган ҳолда воқе бцлади, у орқали биз аниқ тарихий воқелик ва ҳодисанинг қонуний моҳиятини тасаввур этамиз. Цша йилларда конфликт каби типикликни нотцҳри талқин этишнинг кучайиши қатор лирик асарларга муносабатда ҳам кцринди. "Конфликтсизлик назарияси" таҳсирида ҳаётий зиддиятлардан холи "безакли қаҳрамонлар" пайдо бцлди. Типикликни бир томонлама,юзаки тушунишлар натижасида ҳам шунга цхшаш ҳолат рцй берди. Бу ҳол "лирик қаҳрамон" ҳамиша бахтли, саодатли, унинг учун "мураккаблик", "мусибат","оҳир руҳий ҳолат"-и типик эмас". дегувчилар ҳам бцлди.Оқибатда "дардсиз", қалб ҳароратисиз, кучли эҳтирослардан холи бцлган сийқа, ялтироқ, сохта кцтаринки шеҳрларнинг кцпайишига кенг йцл очиб берилди.

Типикликни цша давр мафкураси қобиҳида тушунган танқидчиларнинг мақолалари эса бугун эскирди.

Цзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги бу даврда цз тарихий тараққиётининг янги босқичига кцтарилди. Унинг тадқиқот обҳекти анча кенгайди ва чуқурлашди. Цзбек адабиёти тарихини тадқиқ этишга эҳтибор кучайди. Айниқса, буюк шоир Алишер Навоий ва ундан кейинги даврлардаги ижодкорлар ҳаёти ва ижодини монографик йцсинда тадқиқ қилишда жиддий ютуқларга эришилди.

Аста-секинлик билан цзбек адабиёти ва унинг машҳур, таниқли намояндалари ҳаёти ва ижодини монографик йцсинда црганиш ва тадқиқ этиш биринчи цринга чиқа бошлади. Бу соҳада цндан ортиқ танқидий-биографик очерк вужудга келди. Бадиий ижоднинг фундаментал

муаммолари - реализм масалалари ҳақида дастлабки йирик ишлар,монографиялар пайдо бцлди.

Адабиётшуносларимиз ва адабий танқидчилигимиз сафи талантли янги кучлар билан кенгайди, улар хийла фаоллашди. Адабий танқиднинг адабий ҳаёт билан алоқаси янада кучайди. Адабий жараён муаммолари танқидчиликнинг диққат марказига кцтарила борди. Танқид шеҳрият, наср ва драматургия соҳасида яратилган деярли ҳар бир муҳим асарга муносабат билдиришга интилди. Шеҳрий тцпламлар, поэмалар, очерк ва ҳикоялар, қисса ва романлар, драма ва комедиялар ҳақида жуда кцп тақриз ва мақолалар босилиб чиқди, танқидчилик тарозисига тушди. Танқидчиликнинг адабий-тарихий жараёндаги роли кцп даража ортди.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Адабий танқид қандай омиллар асосида мафкуравийлаштирилди ва бундан кузатилган мақсад нимадан иборат эди?
2. 30-йиллар танқидчилигида қандай вульгар социологик ва нигилистик қарашлар илгари сурилди ва уларни бартараф этиш йцлида нималар қилинди?
3. "Сароб" романи ҳақидаги баҳслар хусусида сцзланг.
4. "Обид кетмон" қиссаси ҳақидаги адабий-танқидий қарашлар ҳақида сцзланг.
5. Соцреализмни қабул қилдириш йцлидаги кураш ва унинг оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
6. Айн (Олим Шарафиддинов) танқидий қарашлари ва ундаги Чцлпон ва Фитрат ижодига салбий муносабатнинг оқибатларига муносабатингизни билдиринг.
7. 30-йиллар танқидчилари "Цтган кунлар" романига қандай муносабатда бцлдилар?
8. 30-йиллар танқидчилигининг цзига хос хусусиятлари ва адабий жараёнга таьсири нималарда кцринади?
9. Адабиётда янги инсон тасвири учун кураш ва унинг оқибатлари ҳақида нималар биласиз?
10. Иккинчи жаҳон уруши йилларида адабий танқид ривожи нималарда намоён бцлади?
11. Танқидчилик замонавийликни қанадай тушунди ва талқин этди?
12. Ижобий қаҳрамон муаммосига танқид қандай муносабатда бцлди?
13. Адабий танқид бу йилларда конфликт муаммосини қандай ҳал этди?
14. "Конфликтсизлик назарияси" ҳақида нималар дея оласиз?
15. 50-йилларда қайтадан хуруж қилган нигилизм ва "Алпомиш" достони атрофидаги мунозаралар ҳақида сцзланг.
16. Типикликка қандай муносабат билдирилди?
17. Адабий танқидда "Қутлуҳ қон" романига қанақа муносабат билдирилди?

Тубандаги ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР моҳиятини англаб олинг: адабиётнинг мафкуравийлаштирилиши, адабий танқиднинг мафкуравийлаштирилиши, танқидчи дунёқараши, янги инсон тасвири учун кураш, "конфликтсизлик назарияси", типиклик муаммоси, замонавийлик, оперативлик, ҳозиржавоблик, театр тақризчилиги, схематизм, нигилизм, драматургияда конфликт, тарихий мавзу, замонавий мавзу, лирикада конфликт.

МУСТАҚИЛ ЦҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:


1. Каримов И. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. 1998.
2. Балдауф Ингеборг.XX аср цзбек адабиётига чизгилар. Тошкент. "Маьнавият". 2001.
3. Дцстқораев Б. Цзбек адабий танқидчилиги. Тошкент. 1998.
4. Ёқубов Ҳ. Танқид ва адабиётшунослик тарихига бир назар. Китобда: Адабиётимизнинг ярим асри. Тошкент, ҲАСН. 1967.
5. Назаров Б. Цзбек адабий танқидчилиги. Тошкент." Фан". 1979.
6. Мамажонов С. Теранлик. Тошкент. ҲАСН. 1987.
7. Озод ватан одами ёхуд замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш масаласи. Давра суҳбати. - "Цзбекистон адабиёти ва санҳати". 2001. 19 январ.
8. Расулов А. Истеьдод ва эьтиқод. Тошкент. 2001.
9. Раҳмат Мажидий. Истеьдод ва бурч. Тошкент. ҲАСН. 1974.
10. Турдиев Ш. Танқид "душман"излаганда. -ЦзАС. 1988, 12 август.
11. Турдиев Ш. МиёнБузрук Солиҳов -адабиётшунос.- ЦТА,2002,1-сон,10-15-бетлар.
12. Шарафиддинов Олим. Танланган асарлар. Тошкент. "Фан". 1974.
13. Шарафиддинов Озод. Адабий этюдлар. Тошкент. 1967..


## 7- МАВЗУ: ОЙБЕК - МОҲИР ТАН+ИДЧИ ВА АДАБИЁТШУНОС.
(1905-1968)

РЕЖА: 1. Ойбек адабий-танқидий қарашларининг црганилиши.
2. Етук адабий танқидчи ва адабиётшунос.
3. Ойбек талқинида Чцлпон ва замондошлари ижоди.
4. Мумтоз адабиёт тадқиқотчиси.
5. Моҳир қодирийшунос.

Ойбек адабий-танқидий қарашларининг крганилиши "Ойбек истеҳдодининг олмос қирраларидан бири-унинг адабиётшунослик ва танқидчилик фаолиятида ярқираб кцринади"-,1 деб ёзади мунаққид О.Шарафиддинов. Ҳақиқатан ҳам Ойбек цзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги ривожига катта ҳисса қцшди. Шунга қарамай, цзбек

адабиётшунослигида Ойбекнинг илмий фаолиятини црганиш ,айтиш мумкинки,ойбекшунослик баҳрида анча кеч бошланди.

Машҳур ойбекшунос олимлар Ҳ.Ёқубов ва М.Қцшжоновлар кцпроқ Ойбекнинг бадиий асарларини таҳлил қилувчи монографик тадқиқотлар яратдилар. Афсуски, адиб ижодининг адабиётшунослик ва танқидчиликдан иборат катта, црганишга арзигулик қирраси атрофлича, чуқур црганилмаган. Ойбекка баҳишланган катта-катта монографик тадқиқотларда бу соҳага етарли эҳтибор қилинмаган.

О. Шарафиддиновнинг "Истеҳдод жилолари" (1967) китобида "Сцз санҳатига фидойи садоқат" деб номланган бцлим Ойбек адабий-танқидий қарашларини црганишга баҳишланган илк уриниш ҳосиласи сифатида кцринади.Унда олим Ойбекнинг Навоий лирикасига баҳиш-ланган мақоласи, "Алишер Навоий" тадқиқоти , "А.Қодирийнинг ижодий йцли" рисоласи ҳақида фикр юритади. Албатта, бир мақола доирасида Ойбекнинг барча илмий-танқидий асарларини таҳлил қилиб чиқиш мушкул.

Б.Назаровнинг номзодлик диссертацияси Ойбек адабий-танқидий қарашларини црганишга баҳишланганлиги билан диққатга сазовор. Олимнинг "Ҳаётийлик-безавол мезон" китобида "Қуёшдек яшаган ичдаги севги" боби Ойбек ижодига баҳишланган. У етти қисмдан иборат, 7-қисмида Ойбекнинг адабий-танқидий қарашлари, кцпроқ 30-йиллардаги фаолияти ҳақида фикр юритилади. Аммо уларга шцро даври мафкураси нуқтаи назаридан баҳо берилади.

"Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати "* деб номланган тцпламда Ойбек ижодининг турли қирралари ҳақидаги мақолалар жамланган бцлиб, Ойбек танқидчилигига баҳишланган "Ойбекнинг илк адабий- танқидий мақолалари" деб аталган мақола Ж.Жумабоева қаламига мансуб, унда Ойбекнинг "Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши цт очайлик" мақоласи батафсил таҳлил этилади. "Социалистик лирика учун" мақоласи, унинг ёзилиши цша давр билан боҳлиқ ҳолда ёритилади.

Н.Каримовнинг "Машҳур кишилар ҳаёти" сериясидаги "Ойбек" эссесида Ойбекнинг танқидий ишлари ҳақида йцл-йцлакай фикр билдириб цтилган, холос.

Булардан келиб чиқадики, Ойбекнинг адабий-танқидий қарашлари мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши зарур ва бу давр талабидир. Чунки Ойбек илмий-танқидий асарлари силсиласидаги талай мақолалари "бугун ҳам адабий жараён-нинг жонли иштирокчиси сифатида яшамоқдалар ва ёшлар учун адабиётга садоқатнинг ажиб намунаси бцлмоқдалар".2

Мустақилликдан кейин пайдо бцлган баҳзи мақолаларда эса субҳективизм, Ойбек ижодига цша 30-йилларда бцлгани каби вульгар социологик қарашлар кцринмоқдаки , буни ёқлаб бцлмайди. Тцҳри, Ойбек цз адабий-танқидий мақолаларида цша даврнинг гувоҳи, кишиси сифатида кцринади, буни рад этиб бцлмайди. Аммо илмда обҳективлик зарур, уни 20-йилларнинг вульгар социологларидан бирига айлантириш илмий- эстетикага ҳам, Ойбекнинг пок руҳига ҳам тцҳри келмайди.

Етук адабий-танқидчи ва адабиётшунос. Ойбек ижодини жцшиб, тцлиб турган теран денгизга қиёс қиладилар. Бу денгиз кцп дарёлардан қониб сув ичганлигини илмий мақолалари кцрсатиб турибди. Шу боис цзбек танқидчилигида жанрлар ва уларнинг табиати, маҳорат масалаларини црганишда Ойбек ижодининг бу кирраси ҳали кцп хизмат қилади.

Ойбек илмий-танқидий меросидаги кишини лол қолдирадиган нарса , қизиқиш доирасининг бениҳоят кенглигидир. У фақат цзбек адабиёти ҳақида эмас, қардош халқлар адабиёти ҳақида ҳам теран мақолалар ёзди. Ёзганда ҳам жуда чуқур билим билан қаламга олган масаласининг туб моҳиятини атрофлича ёритиб берадиган тарзда мулоҳаза ва мушоҳада юритди. Пушкин ва Шевченкога, Муқимий ва Чеховга, антик дунё адабиётига, мумтоз адабиётга баҳишланган мақолаларида Ойбек қомусий билимдонлик билан масалага ёндашди. У адабий- танқидий қарашлари шаклланишининг илк босқичида "Адабиёт қоидалари", "Чцлпон.Шоирни қандай текшириш керак", "Мунаққиднинг мунаққидига" сингари мақола ва тақризлари билан чиқиб, танқидчиликка илк бор социологик йцналишни олиб кирган эди.

Фитратнинг "Адабиёт қоидалари" рисоласига баҳишланган тақризида ҳозиржавоблик билан ушбу цкув қцлланмасининг зарур нарса эканлигини тцҳри кцрсатади. Ойбек китобни "ҳозирги адабий ҳаётимизнинг суст даврида муҳим бир нарса",-деб баҳолайди. Ундаги материаллар системали тузилганини, қоидаларни тушунтиришга ҳозирги замон шоирларининг асарлари билан чекланмай, салафларимиз асарларидан ҳам мисоллар берилганини маҳқуллайди. Асарнинг яна бир хусусияти-"адиб Фитратнинг жозиб, гцзал услуби" эканини таҳкидлайди. Кейин"китобнинг кцпгина камчиликлари"га тцхтайди.

Шу цринда асосий эҳтиборни санҳат таҳрифи устидаги масалага қаратмоқчимиз. Ойбек Фитратнинг саньатга оид таҳрифидаги жиддий нуқсон"санҳат ва адабиётга бу кунги кцз билан (марксчиларча) қарамаган"ликда, марксистча ижтимоий таҳлил йцқлигида" деб танқид қилади. Бу фикр тақриз ёзилган цша даврдаги замонасозлик руҳига тцҳри келса-да,мустақиллик мафкураси Фитратнинг тцҳри йцлдан борганлигини кцрсатади.

"Сцнгги йиллар цзбек поэзияси" мақоласида эса цзбек шоирлари диққатини поэтик маҳоратни мукаммалроқ эгаллашга чақиради.

20-йилларнинг охирларида адабий танқидга эҳтибор кучайди, адабий танқид шоир ва ёзувчилар ижодига эҳтиёткорлик билан муносабатда бцлиш лозимлигини кцрсатди.

"20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларида оёққа туриб келаётган цзбек танқидчилигида тарафкашлик, субҳективизм авж олган, "ур тцқмоқлик" кучайган бир пайт ҳисобланади".3 Адабий танқидчиликни йцлга қцйиш давр адабий жараёнидаги энг долзарб масалалардан эди. Бу соҳада тартиб црнатмасдан туриб, умуман, адабиётни ривожлантириш мушкуллиги маҳлум эди. Ойбекнинг "Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши цт очайлик" (1933) мақоласи даврнинг худди шу

долзарб талабларига жавоб сифатида майдонга келди. Унда танқидчиликдаги вульгар социологизмнинг қцпол кцринишларини мажақлаб ташлади. Ойбек Ҳамид Олимжон ижодини асоссиз ҳужумлардан асраб қолди, адабиётнинг тцҳри йцлдан ривожланишига кцп жиҳатдан ёрдам берди. Бу мақола Ҳамид Олимжон асарларини гцзал бир услубда таҳлил этиш, адабий жараёндаги црнини кцрсатиш ва цзбек шеҳриятини ривожлантиришдаги меҳнатларига юксак баҳо беришдан ташқари танқидчиликка янги тамойилларни олиб кириш ва уни татбиқ этиш нуқтаи назаридан ҳам қимматлидир. Аммо мақолада Ойбек кцпроқ шоирнинг социалистик тузум билан боҳлиқ шеҳрларига диққатини қаратадики, бу унинг цз замонасининг, даврининг кишиси бцлганлиги билан изоҳланади.

Ойбек мақолаларининг кцпчилиги 30-йилларда ёзилган, бироқ уларни цқисангиз кеча ёки бугун ёзилгандек таассурот қолдиради. Улар кучли замонавий руҳ билан суҳорилган. Бу мақолалардаги умрбоқийликнинг сири икки нарсада кцринади;

1. Ойбек биронта мақоласида осон йцлни танламади, қуруқ тавсифий ёки баёнчилик усулига амал қилмади, унинг ҳар бир мақоласи тинимсиз изланувчи фикр асосига қурилган;

2. Ҳар бир мақолада кцзга кцринмаган ҳолда муаллифнинг, танқидчининг шахси, қиёфаси мавжуд. Мақолаларда тадқиқотчининг синчков тафаккуригина эмас, санҳаткорнинг қайноқ қалбини ҳам ҳис қиламиз.

Уларда эҳтирос кучли, юксак дидли кузатувчининг цткир нигоҳи бор. қайси ижодкор ҳақида ёзмасин, унга чексиз муҳаббат, улкан ҳурмат билан ёндашади. Шу тариқа 30-йилларга келиб, адабиёт нималарни акс эттирмоҳи кераккина эмас, қандай акс эттирмоҳи лозим деган масала Ойбек ижодий тамойилининг марказига кцчди.

Ойбек талқинида Чқлпон ва замондошлари ижоди. Ойбекнинг 20-йиллардаги Чцлпон шеҳриятига баҳишланган мақоласини дадиллик билан ёзилган ишлардан бири дейиш мумкин.Ойбек цзи шоир бцлгани учун ҳам Чцлпон шеҳриятини чуқур таҳлил этиб, унинг халқ учун зарурлигини, аҳамиятини тцҳри таҳкидлайди. Чцлпоннинг шеҳрият ва драматургия соҳасидаги асарлари адабий танқидда жиддий мунозараларга сабаб бцлди.

Ойбекнинг танқидчилик фаолиятида ворисийлик кцзга яққол кцринади: у Чцлпон, Фитрат,А.Қодирий, В.Маҳмуд ижодларида намоён бцлган эстетика, санҳаткорона талқин ва таҳлил қилиш йцлларини зукколик билан цзлаштириб олди. Унинг Чцлпон, А.Қодирий ижодига муносабати буни яққол кцрсатиб турибди.

Ойбек цз тенгқур дцстлари ижодини чуқур таҳлил қилиш ва тарҳиб этиш борасида кцп ишларни амалга оширди. Умуман, бу борада Ҳ.Ҳулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон А.Қаҳҳор,М.Шайхзода, Миртемир, Яшин каби ижодкорларнинг бир-бирлари ҳақидаги самимий фикрлари ва мақолаларидан црнак олиш мумкин. Ойбекнинг Ҳ.Ҳулом, Ҳ..Олимжон, А.Қаҳҳор, Шайхзода, Яшин ижодига баҳишланган мақолалари, уларнинг асарларини чуқур тадқиқ ва

тарҳиб этишдан ташқари цз даври адабий жараёни ривожига ҳам катта таҳсир кцрсатганлиги маҳлум.

А.Қаххорнинг Саид Аҳмад ижодига кцрсатган таҳсирининг нозик қирра ва нуқталарини очиб берган ҳам Ойбекдир.

Уруш даврида драматик асарлар таҳлилига эҳтибор берила бошланди. Ойбек ва Ҳ.Ҳуломнинг ҳамкорликдаги "Жалолиддин" драмаси ҳақида"ги тақризи асарнинг саҳналаштирилиши муносабати билан ёзилган бцлишига қарамай, тарихий мавзудаги драманинг муҳим муаммоларини кцтариб чиқиши жиҳатидан цзбек танқидчилигида муҳим аҳамиятга эгадир."Ватан цҳилларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун бошлаган кураши ёрқин маҳнодор драматизм билан тцла ҳаяжонли картиналарда гавдаланади"6.Бу фикр билан муаллифлар, биринчидан, бу тарихий драманинг қимматини, замонавий моҳияти ва аҳамиятини белгилаб берадилар.

Жалолиддин "цз сиймосининг маҳнавий гцзаллиги билан томошабинни сеҳрлайди, у "баҳодирликни цткир ақл билан билан безаган ажойиб йигит..."

Ойбек ва Ҳ.Ҳулом Жалолиддин сиймосида кцраётган маҳнавий гцзаллик қаҳрамоннинг замонавийлиги, замонавий аҳамияти ва қимматидан келиб чиқиб айтилаётган фикрлар эди. Цз навбатида адабий танқид айтаётган бу фикрнинг замонавий аҳамияти ҳам кучли эди. Бу фикр тарихий шахснинг тарихий жанрдаги тасвири ҳақида цша даврда бутуниттифоқ танқидчилигида айтилган фикрларга ҳамоҳангдир.

Драмага баҳишланган тақризни цқисангиз, ҳозир ҳам унинг ҳамон эскирмаганлигини, ҳозирги кунга мос қарашларга бойлигини кцриш мумкин. Бу Ойбекнинг теран нигоҳли танқидчи эканлигидан далолат беради.

Ойбек адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорларга алоҳида ҳамхцрлик билан қаради. Ижодкорларнинг цзлари буни алоҳида эҳтиром билан эҳтироф этишмоқда. "Ойбек домла билан учрашувларимни ҳамда кечирган ҳаяжонларимни қоҳозга туширсам, бир рисола бцлади. Домлага "Арманистон" деган шеҳримни цқиб берганимда "ингичка, ингичка" деб қцйганларини эслайман.... Ойбек домла кейинги сафар чорлаганларида қцлимга Цзбекистон ёзувчилар уюшмасига аҳзоликка тавсия қоҳозини тутқаздилар"7.

Ойбек урушдан кейинги йилларда Саид Аҳмад, Ҳ.Назир, Шуҳрат каби адибларни проза дарахтининг ёш ва умидбахш новдалари деб атади. Шукруллонинг янги шеҳр ва достонларини олқишлади, 60-йилларнинг бошларида Ҳ.Шариповни хаёл дунёси кенг, Э.Воҳидовни шеҳрлари ҳаёт булоҳидан суҳорилган шоир деб ёзди. Ойбекнинг мулоҳазалари нақадар тцҳрилигини ҳаётнинг цзи кцрсатиб турибди.

Ойбек наинки бадиий ижодкорлар, балки адабиёт шуносларнинг ҳам ишларини кузатиб борар эди. Унинг Ҳ. Ёқубов, Т. Жалолов ишларига юқори баҳо бергани маҳлум. А.Қаюмовнинг "Қцқон адабий муҳити"асари ҳақида эса "муаллифнинг олтиндай асл фикрлари, мулоҳазалари кцп" деб ёзган эди.

Мумтоз адабиёт тадқиқотчиси. Ойбек мумтоз адабиёт тадқиқотчиси ва танқидчиси сифатида мумтоз меросни црганишга кцп куч сарфлади. У адабиёт ҳодисаларига тарихий жиҳатдан ёндашди, шунинг учун цтмиш адабиёти намояндаларини идеаллаштириш унинг асарларида учрамайди.

Ойбекнинг 1940 йилда "Навоийнинг дунёқараши масаласига доир" мақоласидан тортиб, А.Дейч билан бирга ёзган "Мир идеи Навои" асаригача--ҳаммасида улуҳ шоир ижодига илмий- тарихий ёндашиш характерлидир. Бу мақолаларда Навоий асарларида ифодаланган гуманистик қарашларни, халқчилликни, ажойиб, бой ва хилма- хил образларнинг гцзаллигини очиб бера олган. Ойбекнинг Навоийга баҳишланган ишларининг асосий хусусияти шундаки, уларда биринчилардан бцлиб тасаввуфга тцҳри муносабат билдирди. Тасаввуфнинг моҳиятини очишга, тасаввуф билан адабиёт цртасидаги алоқанинг ички хоссаларини тушунишга интилади. Бу эса уни тасаввуфнинг гнесеологик илдизларини тадқиқ этишга ундайди.

Ойбек тасаввуфнинг келиб чиқишини Платон, Евлих, Прокл каби антик дунё философларининг неоплатонизм таҳлимоти билан боҳлайди: "Неоплатонизм эмонасияни - тубан формалар олий формалардан вужудга келиши фикрини олҳа суради. Шундай қилиб, олам яратилиши - олло идеясининг эмонасияси деган тасаввур цртага чиқди. Неоплатончиларга кцра, энг олий муассис оллодир. Ундан эмонасия натижасида логос-идеялар ташувчи ва уларнинг макони пайдо бцлган..... Инсон руҳи ҳам илоҳий логосдан туҳилиб, узвий, юксак ҳаётдан оддий ва мувақкат яшаш даражасига тушгандир"8.

Санҳаткор ёзувчи ҳаётга чуқур кира олиши учун ижодий дадиллик бцлиши керак. Дадиллик танқиднинг қаноти. Ойбек давр ҳамиша тақозо қилган энг муҳим масалаларга дадиллик билан қцл урди. Мураккаб, цткир, мунозарали муаммоларга диққат қилади.

Ойбек илмий ишларини тақриз ёзишдан бошлаган, кейин мақолаларга цтган, бу мақолалар кцпинча баҳс мақолалар характеридадир.

"Алишер Навоий" тадқиқоти 1936 йилда ёзилган. Бартольднинг фикрича,бундай мукаммал илмий тадқиқот 30-йилларнинг црталарида йцқ эди. Шунча йил цтган бцлса-да, Ойбек мақоласи Навоий ҳақидаги янги, энг мукаммал ишлар қаторида турибди. Унинг тадқиқотида А.Навоийнинг ҳаёти, лирикаси, достонлари ва ниҳоят дунёқараши ёритилган. Ойбек ХУ асрдаги сиёсий ва маданий ҳаётни аниқ кцрсатди. А.Навоийнинг шахсияти ва ижодини бутун улуҳворлиги билан очиб берди.

Ойбек Навоий ҳақида катта илмий тадқиқот яратди, цшандан бери салкам етмиш йил цтди. Бу давр ичида А.Навоий ҳақида юзлаб асарлар яратилди, бироқ "Ойбекнинг тадиқоти бу ишлар орасида кцмилиб йцқолиб кетгани йцқ. Аксинча, менинг назаримда, у ҳамон Навоий ҳақидаги энг яхши, энг мукаммал ишлар қаторида туради, уни адабиётшунослигимизнинг энг яхши муваффақиятлари қаторига қцйса бцлади".9

Ойбек илмий меросида М.Қошҳарийдан тортиб, Юсуф Хос Хожиб, А.Югнакий, Рабҳузий, Саккокий, Лутфий, Навоий асарларигача тадқиқ

этилган. Бобурдан тортиб Машраб, Нодира, Увайсий, Муҳаммад Солиҳ ижодлари ҳақида фикр юритилган. Гулханийдан тортиб, Махмур, Муқимий, Фурқат, Завқий шеҳриятигача баҳо берилган.

Юқорида айтганмиздек, Ойбекнинг қизиқиш доираси бениҳоя кенг. У фақат цзбек адабиёти ҳақида эмас, қардош халқлар адабиёти ҳақида ҳам ёзади, унинг мақолаларида чуқур билим кцриниб туради, масаланинг туб моҳиятини синчковлик билан очиб бериш устунлик қилади. Танқидчи Пушкин ва Шевченко, Муқимий ва Чехов, антик дунё адабиёти ҳақида мақолалар ёзди.

Моҳир қодирийшунос. Ойбекнинг ижодда дадиллигини кцрсатувчи ёрқин мисоллардан бири "Абдулла Қодирийнинг ижодий йцли" рисоласидир. Рисола 1936 йилда босилган бцлиб, цзбек адабиёти ривожида ҳам,А.Қодирий ижоди равнақида ҳам катта роль цйнади. Рисола давр тақозоси билан ёзилган ва цша кунларнинг энг долзарб масалаларига баҳишланган эди.

А.Қодирий романлари китобхонлар томонидан зцр қувонч билан кутиб олиниб, қцлма-қцл бцлиб кетган бцлса-да, М.Шевердин, С.Ҳусайн каби ёзувчи ва танқидчилар асарни вульгар социологизм томонида туриб кескин танқид қилиб чиқдилар. Бу цша давр учун, ижоди эндигина униб-цсиб келаётган А.Қодирий учун қалтис вазиятни юзага келтирган эди.

Бунинг устига адабиётга бундай бир томонлама муносабат, "ундан қуруқ сосиологияни талаб қилиш, бадиий адабиётнинг цзини санҳат сифатида маҳв этишга сабаб бцлиши мумкин эди". (О.Шарафиддинов). Шундай мураккаб вазиятда Ойбек дадиллик билан ҳақиқатни тиклашга киришади.

Яна бир далолат: Цша даврларда икки асар буюртма билан ёзилганлигига оид маҳлумотлар энди очилаяпти: яҳни НКВДнинг ёки Марказий Комитетнинг топшириҳи билан "халқ душманлари" фош қилинаётган бир даврда Ҳ.Олимжонга Фитрат ижоди ҳақида, Ойбекка А.Қодирий ижоди ҳақида мақола ёзиш топширилади. Ҳ.Олимжон цз тамойилларига онгли равишдами ёки "коммунизм" ҳояларига содиқлигини намойиш қилиш учунми, ҳар қалай, цша давр ижодкорлари цзларига устоз деб ҳисоблаган Фитрат ижодини субҳектив нуктаи назардан таҳлил қилади ва катта хатога йцл қцяди. Ойбек эса шундай қалтис вазиятда цз виждонига хилоф иш тутмайди, аксинча ҳаққоний ва обҳектив таҳлил ёрдамида А.Қодирийнинг барча кучли ва заиф томонларини очиб беришга интилади. М.Қцшжонов ибораси билан айтганда, "икки цт орасида" қолиб ҳаракат қилади.

"А.Қодирий асарлари ёки ижодининг маҳлум бир масаласини црганиш тарихи тцҳрисида фикр билдирганда адабиётшунос ва мунаққидлар кцпинча гапни Ойбекнинг 1936 йилда нашр этилган "А.Қодирийнинг ижодий йцли" рисоласидан бошлайдилар ва Ойбек қарашларидаги чекланишларни, шу билан бирга, бадиият ҳақидаги фикрларини таҳкидлайдилар, истеҳдодли ва ҳалол ёзувчи сифатида, виждон қийноҳида бцлгани ҳақида тахмин қиладилар. Адолат юзасидан айтганда, ана шу тахминга таҳрир киритиш

зарурдир. Гап шундаки, ҳозир биз цқиётган мазкур рисола унинг 1936 йилдаги нусхаси эмас, балки муаллиф ижозати билан цзгартириш киритилган, вульгар социологик қарашлар анча юмшатилган ҳолда 1964 йилда Ойбек асарларининг 9-жилдига киритилган нусхасидир. Мукаммал асарлар тцпламининг 14-жилдида ҳам худди шу кейинги нашр бцйича берилган. Демак, биринчи нусха А.Қодирий ижодидаги вульгар социологик баҳоларнинг йирик илмий-тадқиқот сифатидаги намунасидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мукаммал нашрда келтирилган рисола ҳақидаги изоҳ ва рисола учун ёзилган тезислар билан танишиш кифоядир.

Хулоса қилиб айтганда, Ойбек 60-йиллардагина виждон қийноҳи билан иш тутган дейиш ҳақиқатга тцҳри келади",-деб ёзади ёш олим Ю.Шоназаров.10 Бу фикрларга қцшилиш қийин. Негаки, Ойбек рисоласининг қиммати юқоридагилар билан белгиланмайди. Унинг ҳар бир саҳифасида Ойбек санҳаткорга ҳамхцрлик билан дцстона муносабатга бцлишга ундайди, ижодий ишнинг ҳоят мураккаблигини тушунишга цргатади, танқиддаги юзакичилик ва масҳулиятсизликка қарши курашади. "Улкан парвозлар учун қанот ёзиб келаётган ёш цзбек танқидчилигининг улҳайишида айни шу рисолалар катта аҳамияга эга бцлади.

Рисоланинг адабиёт назарияси учун ҳам аҳамияти бор: унда Ойбек ёзувчининг ҳаёти ва ижоди билан боҳлиқ турли фактлар ва ҳодисаларни қайд қилиш билан чекланмайди. Аксинча, рисолада тарихий роман жанрининг хусусиятлари , реалистик адабиётда типик характер каби муҳим масалалар ҳақида мулоҳаза юритади. Шуниси диққатга сазоворки, Ойбекнинг бу мулоҳазалари гарчанд баҳзи ҳолларда бугунги мафкура талабларига жавоб бера олмаса-да, ҳозир ҳам илмий қимматини йцқотган эмас.

Чунончи: унинг "Илк асарларида А.Қодирий жадид эди" ёки "Цтган кунлар" романи тарихий сюжетга эга. Ҳақиқатдан асарда жуда кцп тарихий воқеалар, фактлар тасвир этилади. Воқеалар чиндан ҳам тарихий бир шароитда, тарихий картиналар доирасида инкишоф қилади"11 сингари фикрлари ҳамон эҳтиборга лойиқ. Шундай назарий қарашларга асосланиб, Ойбек А.Қодирийнинг ёрқин бадиий типлар яратиш маҳоратини атрофлича таҳлил қилган эди.

Албатта, Ойбекнинг мақолаларида адабиётнинг аниқ ҳодисаларини баҳолашда цша даврнинг муҳри из қолдирган ва бугун эҳтироз туҳдирадиган цринлар йцқ эмас. Жумладан, "Цтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" муносабати билан билдирилган баҳзи фикр-ларга қцшилиш қийин. Ёки "Социалистик лирика учун" мақоласидаги кцп фикрлар эскирди. Шунга қарамай, бугунги танқидчилик Ойбекнинг танқидчилик фаолиятидан кцп нарсани црганиши мумкин.Чунончи, Ойбекдаги ижодий дадиллик; мақолаларининг кучли замонавий руҳ билан суҳорилганлиги; билимдонлик, чуқур синчковлик;ҳар бир муаммони тинимсиз ижодий изланиш, фикрлаш асосига қура билишини; энг муҳими, мақолаларда танқидчининг синчков тафаккуринигина эмас, санҳаткорнинг қайноқ қалбининг ҳам тепиб туришини; унинг ишларида адабиётга, тадқиқ этилаётган ёзувчига чексиз

муҳаббат, улкан ҳурматнинг уфуришини кузатиш ва шулардан маҳнавий црнак олиш мумкин; "Эҳтирос унинг мақолаларига эмоционаллик бахш этади, шу туфайли улар бугун ҳам навқирон ва самимий асарлар сифатида қабул қилинади".12 Чиндан-да, танқидчилик ва адабиётшунослик Ойбек учун цзининг тадқиқотчилик қобилиятини намоён қилиш соҳасигина эмас, балки санҳатга,адабиётга чексиз муҳаббатини ифодалаш воситаси, халққа хизмат қилиш қуроли ҳам эди.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ойбек адабий-танқидий қарашларининг црганилиш тарихи ҳақида сцзланг.
2. Ойбекнинг адабий танқидчилик ва адабиётшуносликдаги хизматлари моҳиятига тцхталинг.
3. Ойбекнинг Чцлпон ижодига муносабати қандай бцлган?
4. "Абдулла Қодирийнинг ижодий йцли" рисоласининг ёзилиш тарихи ва аҳамияти ҳақида гапиринг.
5. Ойбекнинг адабий жараёнга баҳишланган қарашларини ҳ тавсифланг.
6. Адабиётшуноснинг Навоий ижоди ҳақидаги тадқиқотлари ва уларнинг аҳамияти ҳақида сцзланг.
7. Ойбекнинг цзбек мумтоз адабиёти тарихига оид қарашларини изоҳланг.
8. Ойбекнинг 30-йиллардаги танқидчилик фаолияти хусусиятларини таьрифлаб беринг.

Қуйидаги ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР моҳиятини англаб олинг:

Мунаққид, рисола, сцз саньати, ижод эркинлиги, саньат саньат учун, тасаввуф ва неоплатонизм, гнесология, қодирийшунослик, чцлпоншунослик, услуб, ритм, ижтимоий таҳлил, эстетик таҳлил, мафкуравий буюртма, лирика, "Жалолиддин" драмасига тақриз, Ҳ.Олимжон лирикасига муносабат, ижод эркинлиги, мувашшаҳ адабиёт, "Мунаққиднинг мунаққиди".

Мустақил цқиш учун адабиётлар:

1. Каримов И.Адолатли жамият сари. Тошкент. "Цзбекистон".1998.
2. Цзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси , Тошкент. "Цзбекистон".1993.
3. Адабиётимизнинг ярим асри (мақолалар тцплами). Тошкент, ҲАСН. 1967.
4. Дцстқораев Б. Бир мунозара тарихидан. " Шарқ юлдузи". 1989/6-сон,189-бет.
5. Йцлдошев Б. Танқидчиликдаги баҳзи бир мулоҳазалар ҳақида. "Шарқ юлдузи",1999. 6-сон.
6. Ёқубов Ҳ. Ойбек. Тошкент. "Фан". 1966.
7. Каримов Н. Ойбек. Тошкент. "Ёш гвардия". 1985.
8. Назаров Б.Ҳаётийлик безавол мезон. Тошкент. "Ёш гвар-

дия" 1985. 41-64.
9. Ойбек. Чцлпон. Шоирни қандай текшириш керак." Шарқ юлдузи". 1989 / 6-сон
10. Ойбек. Мукаммал асарлар тцплами. 20 томлик. 13 ва14 Томлар. Тошкент. "Фан" 1979.
11. Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати. Тошкент."Фан" 1985.
12 Шарафиддинов О.Истеьдод жилолари.Тошкент.1976.
14 Чқлпонни англаш. Тошкент. "Ёзувчи".1994.